Б. ЙЎЛДОШЕВ

# ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Б.ЙЎЛДОШЕВ**

# “ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ”

**фанидан услубий қўлланма**

*Самарқанд давлат университети
ўқув- услубий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган*

**Самарқанд - 2012**

УДК:4
Й -69
**Йўлдошев Б. “Ўзбек тилшунослиги тарихи”** фанидан услубий қўлланма. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2012 – 164 б.
ББК:81

*“Ўзбек тилшунослиги тарихи” фани 5220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналишининг 2-курс талабаларига ўтилади. Мазкур иш бакалавр талабалар орасида ана шу машғулотларни илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этишга ёрдам беради. Услубий қўлланмада ўзбек тилшунослигининг Самарқандда ривожланиш босқичлари, мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги тараққиёти, Е.Д.Поливанов, С.Иброҳимов, Г.Абдураҳмонов, Ҳ.Дониёров, Ҳ.Бердиёров, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, Н.Маҳмудов, Ҳ.Дадабоев, Н.Турниёзов, Ж.Ҳамдамов, Н.Абдураҳмонов, В.Эгамов, Т.Раҳматов каби қирққа яқин таниқли вакилларининг ҳаёти ҳамда серқирра илмий-педагогик фаолияти ҳақида қисқа, ихчам маълумотлар келтирилган.*

*Мазкур услубий қўлланма ўзбек тилшунослиги тарихи муаммолари билан қизиқувчи талабалар, магистрантлар, аспирант ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.*

**Тузувчи:** **проф.Б.Йўлдошев**

**Масъул муҳаррир:** **ф.ф.д. А.Абдусаидов**

**Тақризчилар:** **проф. Б.Ўринбоев**
**доц. А.Туробов**

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2012



# СЎЗ БОШИ

Ўзбек тилшунослиги бой ва қадимий тарихга эга. Тил, унинг пайдо бўлиши, жамиятда тутган ўрни, тилнинг тараққиёти, ижтимоий функцияси каби масалаларни ўрганиш яқинда пайдо бўлган эмас. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ёқут Ҳамавий, Абу Ҳайён, Жалолиддин Туркий, Шайх Сулаймон Бухорий, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат каби ўтмиш аждодларимиз яратган бой лингвистик меросни тадқиқ этиш, уларнинг жаҳон тилшунослигига қўшган ҳиссасини ўрганиш ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги тарихи фани олдида турган муҳим масалалардан бири саналади.

Ўзбек тилшунослиги тарихи фан сифатида республикамизда мустақиллик шарофати билан юзага келди. Филолог талабаларнинг лингвистик билим доирасини кенгайтиришда, уларга тил ва тафаккур, тил ва нутқ, тилнинг структураси ва системалик характери ҳақидаги таълимотни чуқур сингдиришда, малакали она тили ўқитувчилари тайёрлашда “Ўзбек тилшунослиги тарихи” фанининг аҳамияти жуда катта. Аммо мамлакатимизда бу фан бўйича ўқув қўлланмалари ҳозирча бармоқ билан санарли даражада кам. Бу эса мазкур предмет материалларини ўзлаштиришда талабаларга қийинчилик туғдирмоқда. Шунга биноан мазкур услубий қўлланмани тайёрлаш ва нашр эттириш лозим топилди.

“Ўзбек тилшунослиги тарихи” номли услубий қўлланма икки катта қисмдан иборат. Унинг дастлабки қисмида ҳозирги ўзбек тили ва ўзбек тили тарихи муаммоларининг Самарқандда ўрганилиш даражаси ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади, мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги фани эришган ютуқлар сарҳисоб қилинади; олимларнинг ўзбек тили фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, лексикологияси, лексикографияси, стилистикаси соҳасида амалга оширган илмий ишлари бирма-бир баён қилинади.

Услубий қўлланманинг кейинги қисмида Е.Д.Поливанов, У.Турсунов, А.Ғуломов, С.Иброҳимов, Ш.Шоабдураҳмнов, Г.Абдураҳмонов, О.Усмонов, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, А.Сулаймонов, Ҳ.Бердиёров, Х.Дониёров, А.Мухторов, Р.Қўнғуров каби қирққа яқин таниқли ўзбек тилшуносларининг ҳаёти, илмий-

педагогик фаолияти ҳақида қисқа, асосли маълумотлар берилади. Шу билан бирга ишда А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Дадабоев, Р.Сайфуллаева, Ё.Тожиев, И.Мирзаев сингари ҳозирги кунда тилшунослик масалаларига доир илмий-тадқиқотлар олиб бориш, малакали филолог кадрлар тайёрлаш соҳасида алоҳида жонбозлик кўрсатаётган тилшунос олимларнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида ҳам анча қизиқарли ва ибратли маълумотлар келтирилади. Бундай маълумотлар бўлажак тилшунос кадрлар учун муҳим аҳамият касб этади. Негаки, ҳар қандай фаннинг тарихи фақат бирон шахснинг босиб ўтган йўли, ютуқлари ва муваффақиятларинигина эслатиб қолмасдан, балки келажакдаги изланишларнинг йўналишини, кўпгина янги тадқиқ усулларини ҳам кўрсатади, бу эса ёш тадқиқотчиларни аввалгилар, ўз устозлари йўл қўйган айрим хатоликларни такрорламасликка даъват этади.

Мазкур услубий қўлланмани яратишда Ш.Шукуров, Д.Бозорова, Ҳ.Узоқов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Н.Ражабов, Ж.Ҳамдамов, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, Т.Қурбонов каби олимлар томонидан яратилган ўқув-услубий қўлланмалар, библиографик кўрсаткичлар, илмий мақолалардан фойдаланилди.

Талабалар "Ўзбек тилшунослиги тарихи" предметини ўрганишда мазкур услубий қўлланманинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, ўзбек тилшунослиги тарихига оид бошқа адабиётлар билан ҳам мунтазам танишиб боришлари лозим. Бундай адабиётларнинг асосий қисми услубий қўлланманинг тегишли саҳифаларида иқтибос (сноска) тарзида ҳамда унинг охиридаги "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"да келтирилган. Бу адабиётлар билан танишиш мазкур предмет бўйича ўтказиладиган амалий ва семинар машғулотларига пухта тайёргарлик кўриш учун муҳим аҳамият касб этади.

Услубий қўлланма дастлабки тажрибалардан бири бўлгани учун унда айрим камчилик ва нуқсонлар, тўлдирилиши ҳамда бойитилиши зарур ўринлар бўлиши табиийдир. Шунга биноан муаллиф услубий қўлланмани янада такомиллаштиришга оид беғараз, холис фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.



# ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ САМАРҚАНД ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Мамлакатимизнинг энг йирик ва кекса олий ўқув юртларидан бири бўлган Ўзбек давлат университети (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети) илм-фан ривожида ҳам етакчи масканлар қаторида туради. Бу ерда бошқа фанлар билан бирга тилшунослик илми ривожига ҳам алоҳида эътибор берилган. СамДУда ўзбек тилшунослигига доир илмий-тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 20-йилларида машҳур тилшунос олимлар Е.Д. Поливанов, А.А.Соколов, Ғ.О.Юнусов, шунингдек И.Т.Пономарев, С. Муталлибовлар томонидан олиб борилган эди[1].

Университетда ўтган асрнинг 30-йилларида ҳам тилшуносликнинг турли соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш давом этди. Бу ўринда айниқса ўзбек тилшунослигига доир илмий изланишлар алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, республикамизда шевашуносликка доир тадқиқотлар Е.Д.Поливанов, Ғ.О Юнусовларларнинг ишлари билан бошланган эди[2]. Е. Д. Поливановнинг ўзбек шевалари таснифи ва уларнинг ўзбек адабий тили тараққиётида тутган ўрнини белгилашга бағишланган "Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили" (1933) номли рисоласи, "Самарқанд шевасининг вокализми" (1928), "Қозоқ-найман шеваси" (1931), "Самарқанд ўзбеклари тилидан намуналар" (1935) сингари мақолалари, шунингдек Ғ. О. Юнусовнинг "Ўзбек лаҳжалари таснифидан бир тажриба" (1936), "Қатағонлар ва уларнинг тили" (1936) каби тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Бу ишларда ўзбек шевалари илк бор тилшунослик фанининг ўша даврдаги ютуқлари асосида тасниф қилинган эди[3].

Кейинчалик университетда шевашуносликка доир тадқиқотлар проф.У.Т.Турсунов (1905-1971) раҳбарлигида олиб борилди. Шевашунос олимлар ўзбек тили диалектологик харитасига кўпгина янгиликлар киритдилар, бахмал (Х.

[1] Бу ҳақда қаранг: Кунгуров Р. Кафедра узбекского языкознания СамГУ за 50 лет // Ўзбек тили грамматикаси ва диалектологияси масалалари, 2-серия, Самарқанд: СамДУ, 1969. – С. 252-271.
[2] Бу ҳақда қаранг: Решетов В. В. Изучение узбекских народных говоров // Ўзбек диалектологиясидан материаллар, икки томлик. 1-том. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957. – С. 5-30.
[3] Эгамов В. Профессор Е.Д.Поливанов и вопросы классификации узбекских народных говоров // Исследования по тюркологии. - Алма-Ата, 1970. – С. 129-137.

Дониёров), ғаллаорол (В. Эгамов), қарноб (Н. Ражабов), найман (М. Валиев), жўш (А. Ахмедов), турк-калтатой (Х.Жўраев) сингари ўзбек шевалари, шевалардаги феълнинг замон шакллари (К.Усмонов), фонетик жараёнлар (Ҳ.Ҳамраев) каби масалалар монографик планда ўрганилди, шу мавзуларда номзодлик диссертациялари ҳимоя килинди.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларига келиб Самарқандда ўзбек шевашунослигига доир тадқиқотлар янги поғонага кўтарилди. Хусусан шу йилларда Х.Дониёровнинг "Ж"лашган (қипчоқ) шеваларни ўзбек адабий тили билан қиёслаб ўрганиш тажрибаси" (1975), "Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари" (1976), "Қипчоқ диалектларининг лексикаси" (1979), Н.Ражабовнинг "Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари" (1977) номли монографиялари, қатор қўлланмалари нашр этилди. Х. Дониёровнинг "Шарқий қипчоқ ("ж" лашган) шевалари ва уларнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги иштироки" (1977) мавзуидаги докторлик диссертациясида қипчоқ шевалари ўзбек адабий тили билан фонетик, лексик, грамматик ва услубий жиҳатдан чуқур қиёсий таҳлил қилинади[4]. 1988 йилда Н. Ражабовнинг "Ўзбек халқ шеваларида от ва феълнинг морфологик тузилиши" номли докторлик диссертацияси ҳам ҳимоя қилинди. Олимнинг 1990 йилда нашр этилган "Ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилиши" номли монографияси нашр этилди.

СамДУ шевашунос олимлари "Ўзбек диалектологияси" курси бўйича дастур" (1976, 1981, 1994), "Ўзбек диалектологияси" бўйича курс ишлари тематикаси" (1985) ни эълон қилдилар. Кейинчалик Н.Ражабовнинг "Ўзбек шевашунослиги" деб номланган дарслиги нашрдан чиқди (1996).

Университет тилшунос олимларининг илмий тадқиқотларида тилларни қиёсий-типологик таҳлил этиш муаммолари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу жиҳатдан А.И.Абражаев, У.Турсунов, Р. Қунғуров, М.Хусаинов, Ж.Ҳамдамов, З.Аликулов, Б. Йўлдошевларнинг рус ва ўзбек тиллари фонетикаси, грамматик қурилиши ва лексик таркибини ўрганиш, М.Нушаров, Н.Турниёзов, Б. Турсунов, И.К.Мирзаев каби олимларнинг немис, француз ва ўзбек тилларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш соҳасидаги

[4] Дониёров Х., Йўлдошев Б. Ўзбек халқ шеваларининг моҳир тадқиқотчиси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988 ...



илмий изланишлари диққатга сазовор[5]. Н.Абдураҳманов, Ж.Ҳамдамов, Қ.Усмоновлар туркий тиллардаги жуфт сўзлар, синонимлар, сон, олмош, феъл формаларининг қиёсий таҳлили билан изчил шуғулланмоқдалар. Проф.И.Мирзаев эса яқинда ўтказилган республика илмий анжуманида ҳозирги замон тилшунослигида типологик тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти масаласини кенг таҳлил этди[6].

Ўтган асрнинг 30-йилларидан буён СамДУда ҳозирги ўзбек тили муаммоларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ғ. Қодиров, Т.Иброҳимов, И.Т.Пономарев, У.Т.Турсунов каби олимларнинг морфологияга доир илмий изланишлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу ўринда И.Т.Пономаревнинг "Ўзбек тилида келишиклар функцияси", У.Турсуновнинг "Ўзбек тилида кўмакчилар" ва ўзбек терминологиясига оид ишларини, Ҳ.Бердиёровнинг "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар" (1949), Ж. Мухторовнинг "Ўзбек тилида боғловчилар" (1954) мавзуидаги тадқиқотларини эсга олиш кифоя.

Университетнинг кекса филологларидан бири А.Х.Сулаймонов (1894-1974)нинг илмий фаолияти ўзбек тили грамматик қурилиши муаммоларига бағишланган эди. Олим дастлаб феълнинг грамматик категорияларини тадқиқ этди, "Феъл замонлари" (1962) номли монографиянинг муаллифларидан бири бўлди, кейинчалик ўзбек тили синтаксиси муаммоларини ўрганишга киришди. Унинг бундай изланишлари "Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари" (1956), "Ўзбек тилида атов гап, ундалма ва вокатив гап" (1958), "Ифода мақсадига кўра содда гап турлари" (1959), "Пунктуацияни ўқитиш ҳақида" (1963), "Мустақил гаплар ўртасида маъно муносабатлари" (1966) каби бир қатор илмий мақолаларида, вафотидан кейин ҳаммуаллифликда нашр этилган ўқув қўлланмасида ўз аксини топган.

[5] Нушаров М.М., Маматханова. М., Ходжаев Т.Х. Сравнительно-типологические исследования ученых-языковедов г. Самарканда (история, аспектология, перспективы) // Материалы У Самаркандской научной конференции работников вузов и научно-исследовательских учреждений, серия филологических наук, языкознание. - Самарканд: СамГУ. 1976. - С. 20-28; Юлдашев Б. Узбекские и русские фразеологизмы в аспекте контрастивного изучения // Тилларни қиёсий-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари (2011 йил, 25-26 ноябрь). – Термиз: ТерДУ, 2011. – Б. 32-34 ва бошқалар.

[6] Мирзаев И. Лингвистик типология ва уни ўрганиш муаммолари // Тилларни қиёсий-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари (2011 йил, 25-26 ноябрь). – Термиз: ТерДУ, 2011. – Б. 7-12.

Университет тилшунослари ўзбек тили грамматикасининг турли аспектларини ўргандилар. Жумладан, олимларимиз кўмакчилар (Ҳ. Бердиёров), сўз ясалиши, феълнинг сифатдош шакллари (Ж. Мухторов), ундалма (А.Сайфуллаев), гапнинг уюшиқ бўлаклари (Ф.Убаева), феълли сўз бирикмалари (А.Абдуллаев), ҳаракат номи (Ф.Исҳоқов), феълнинг майл категорияси (Т.Хўжаев), равиш ҳоли (М.Мўминова), мақсад ва сабаб ҳоли (О.Амирова), жўналиш келишиги (И.Зиёева), ҳаракат феъллари (А.Ҳолиқов), эгалик категорияси (С.Аслиддинов), олмошлар (И.Суяров), содда гапда кесимнинг ифодаланиши (Б.Эгамбердиев), кўйчилик терминологияси (Т.Ўринов), отли сўз бирикмалар (Х.Холиёров), жуфт сўзлар (Н.Абдурахмонов), ўзга гап шакллари (О.Исроилов), боғланган қўшма гапларнинг тузилиши (С.Равшанова), идиомалар (М.Рўзиқулова), аббревиатуралар (З.Аliқулов), ўзбек тилида қисқарув ҳодисаси (Ж.Элтазаров), сўзлашув нутқида ёрдамчи сўзлар (Д.Ўринбоева), парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг деривацион хусусиятлари (А. Ғаффоров)ни ўрганиш билан махсус шуғулландилар ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Р.Қўнғуров тасвирий сўзларни мустақил сўз туркуми сифатида тадқиқ этди, ўз изланишларининг натижаларини номзодлик диссертацияси (1962) ва "Ўзбек тилида тасвирий сўзлар" (1966) номли монографиясида акс эттирди. Кейинчалик Р.Қўнғуров ўзбек тилидаги ўзгармайдиган сўзларни ўрганди ва икки қисмдан иборат "Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар" (1978, 1980) номли қўлланма эълон қилди, икки жилдлик "Ўзбек тили грамматикаси" (1975-1976) асарининг муаллифларидан бири бўлди.

СамДУда ҳозирги ўзбек тили грамматикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари У.Турсунов Ж.Мухторовларнинг "Ҳозирги замон ўзбек тили" (морфология, 1960) номли асарида ўз аксини топган. Бу иш республикада олий ўқув юртлари талабалари учун эълон қилинган биринчи ўқув қўлланмаси бўлди. Мазкур қўлланма қайта ишланиб, "Фонетика ва фонология", "Графика", Орфография", "Орфоэпия", "Морфемика", "Сўз ясалиши" қисмлари қўшилган ҳолда "Ҳозирги ўзбек адабий тили" номи билан "Ўқитувчи" нашриёти томонидан уч марта нашр этилди (1965, 1975, 1992; ҳаммуаллиф: Ш. Раҳматуллаев).

70-йилларнинг охирида проф. Х.Дониёров мамлакатимизнинг йирик тилшунос олимлари билан ҳамкорликда "Ҳозирги ўзбек адабий тили" номли дарслик яратишда иштирок этди[7]. Кейинчалик У.Турсунов, Н.Ражабовнинг "Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари" (1971), О.Исроиловнинг "Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўзга гап" (1981), В. Эгамовнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (синтаксис, 1985), Б. Йўлдошев, О.Исроиловнинг "Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни" (1992), М.Абдиевнинг "Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари" (2004), Ж.Элтазаровнинг "Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув" (2004), "Ўзбек тили сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари" (2006), Н.Турниёзов, К.Турниёзова, Х.Хайруллаевнинг "Структур синтаксис асослари" (2009), Г.Каримованинг "Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси" (2010), А.Пардаевнинг "Тил тизимида ёрдамчи сўзлар" (2011) каби асарлари нашр этилди. Б.Ўринбоевнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (синтаксис, 2002) номли дарслиги ҳам эълон қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, СамДУ кейинги чорак аср мобайнида ўзбек тили синтаксиси муаммоларини комплекс равишда тадқиқ этувчи ўзига хос илмий марказга айланди. Жумладан, Б. Ўринбоев сўзлашув нутқи синтаксиси муаммоларини ўрганиш билан самарали шуғулланди, шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (1976), "Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари" (1974), "Ўзбек тили сўзлашув нутқининг синтактик қурилиши" (1978), "Сўзлашув нутқи" (1979), "Ўзбек сўзлашув нутқи" (1982), "Ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўзлашув услуби" (1991), "Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси" (2009), "Ўзбек сўзлашув нутқи морфологияси"(2011) номли монографиялар яратди. Шунингдек, Н.Қ.Турниёзов содда гап ва қўшма гапларнинг шаклланиши (деривацияси) муаммоларини тадқиқ этиб, докторлик диссертациясини ёқлади (1986), "Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш" асарини нашр эттирди (1989). М.Ш. Маматов ўзбек тилидаги иккиламчи предикация ҳодисаси, шу билан боғлиқ ҳолда полипредикатив қурилмаларни тадқиқ этиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (1991), И.К.Мирзаев эса ўз докторлик диссертациясини поэтик нутқ синтаксиси муаммоларини ўрганишга бағишлади (1992).

[7] Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Хожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 448 б

Самарқанд тилшунос олимларининг бир қанча асарлари услубшунослик, бадиий асар тили муаммоларини ўрганишга бағишланган. Жумладан, СамДУда Абдулла Қаҳҳор (О.Абдуллаева), Ойбек (С.Боймирзаева), Ойдин (М.Хусаинов), Асқад Мухтор (Ў.Носиров), Шуҳрат (М. Тўйчиев), Саид Аҳмад (Б. Йўлдошев), Зулфия (С.Каримов), Комил Яшин (Э.Абдиев), Шароф Рашидов (Р.Миразизова), Ҳамид Олимжон (С. Бобоева), Мақсуд Шайхзода (Б.Ёриев) сингари ёзувчи ва шоирларнинг тили ва услубий хусусиятлари, мақол ва идиомалар таржимаси (Г.Саломов), рус тилидан ўзбек тилига бадиий таржима қилишнинг услубий муаммолари (Л.Абдуллаева, С.Саломова), сифатлаш (эпитет)нинг услубий хусусиятлари (С.Аъзамов), матбуот тили ва умуман публицистик услуб масалалари (Т.Қурбонов, А.Абдусаидов), эпистоляр жанр (хат)нинг тили ва услуби (Т.Жўраев), метонимия тасвирий воситасининг ёндош ҳодисалар билан муносабати (Р.Сувонова) махсус тадқиқ этилди[8]. Бундай йўналишдаги тадқиқотларнинг умумий натижалари Х.Дониёров, С.Мирзаевнинг "Сўз санъати" (1962), Р.Қўнғуровнинг "Ўзбек тилининг тасвирий воситалари" (1977), Л.Абдуллаеванинг "Ўзбек бадиий адабиётининг лексик услубияти" (1979), А. Абдусаидовнинг "Газета тили ва адабий норма" (1986), Х.Дониёров, Б.Йўлдошевнинг "Адабий тил ва бадиий стиль" (1988), Э.Абдиевнинг "Комил Яшин асарларининг тили ва услуби" (1990) номли монографияларида, Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовнинг "Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили" (1990), Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т.Қурбоновнинг "Ўзбек тилининг функционал стиллари" (1985), А.Абдусаидовнинг "Газета тилида фразеологизмлар" (1990), "Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари" (1991), "Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи" (1993), М. Тўйчиевнинг "Шухрат прозасининг тили" (1986), Э.Абдиевнинг "Драматик асарлар тилини ўрганиш" (1988), Р. Қўнғуров, Т.Жўраевнинг "Эпистоляр жанрнинг тузилиши ва унинг айрим тил хусусиятлари" (1992), Т.Қурбоновнинг "Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари" (2006), Б.Йўлдошев, Т.Қурбоновнинг "Бадиий асар тили ва услуби масалалари" (2007), С. Каримовнинг "Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари" (1994), "Ўзбек тили функционал

[8] Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – Б. 75-76.



стилистикаси" (2010), А.Абдусаидовнинг "Ҳужжат тили ва услуби" (2010), "Тил маънавияти ва нутқ маданияти ахборот соҳасини ислоҳ қилиш" (2011), С.Боймирзаеванинг "Бадиий матнда қўшма гап" (2008), "Матн мазмунида темпораллик семантикаси"(2009), "Матн модаллиги" (2010) каби бир қатор ўқув қўлланмалари ва монографияларида ўз аксини топган.

СамДУ тилшунослари бадиий асар тилни ўрганиш бўйича муайян тажриба тўплагач, 70-йиллардан бошлаб, услубшуносликнинг умумназарий муаммоларини тадқиқ этишга киришдилар. Жумладан, Х.Дониёровнинг Алишер Навоий асарлари тили, қипчоқ шеваларининг ўзбек адабий тили билан муносабатига доир тадқиқотларида услубшуносликнинг назарий муаммолари ҳам ўртага қўйилган эди[9]. Л.Абдуллаева (1937-1982) "Ўзбек бадиий адабиётининг лексик услубияти" (1979) номли монография яратган ва "Ўзбек бадиий адабиётида лексиканинг услубий табақаланиши" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган эди (1980).

Мамлакатимизда ўзбек тили грамматик услубияти соҳасида эришилган салмоқли ютуқлар проф.Р.Қўнғуров номи билан боғлиқ. Олим "Ўзбек тилида от туркумига хос шакл ясовчи морфемаларнинг семантик-услубий хусусиятлари" мавзуида Боку шаҳрида докторлик диссертациясини ёқлаган (1982), "Ўзбек тили стилистикасидан очерклар" (1975), "Субъектив баҳо формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари" (1980), "Ўзбек тилида от стилистикаси" (1983) номли монографиялар эълон қилган эди. Р. Қўнғуров мамлакатимизда илк бор нашр этилган "Ўзбек тили стилистикаси" (1983) дарслигининг, "Нутқ маданияти ва услубият асослари" (1992) номли ўқув қўлланмасининг ҳаммуаллифларидан бири бўлган эди. Унинг илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти туфайли Самарқандда услубшунослик илмий мактабига асос солинди. Олимнинг саккиз шогирди (М.Тўйчиев, З.Аликулов, Б. Ёриев, С.Каримов, Э.Абдиев, Т.Қурбонов, Ж.Элтазаров, Т.Жўраев) услубшунослик мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

[9] Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 64 б.; Дониёров Х. Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1985. – 56 б.; Дониёров Х., Санақулов У. Алишер Навоий – тилшунос олим. – Тошкент: Фан, 1990. – 60 б.

С.Каримов ўзбек бадиий услубининг адабий тилим[из]
вазифавий услублари тизимида тутган ўрнини аниқлаш юзасид[ан]
жиддий изланишлар олиб борди, "Ўзбек тилининг бадиий услуб[и]"
(1992), "Бадиий матнининг услубий аломатлари" (1992), "Бади[ий]
услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари" (1994) номли китобла[р],
кўплаб илмий мақолалар эълон қилди, "Ўзбек тилининг бади[ий]
услуби" (1994) мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

Б.Йўлдошев ўз илмий тадқиқотлари билан ўзб[ек]
тилшунослигида фразеологик услубият соҳасининг илмий-назари[й]
асосларини белгилаб берди, "Бадиий нутқ стилистикаси" (1982),
"Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби" (1987), "Ўзбек бади[ий]
насрининг услубий таҳлили" (1989), "Фразеология тарихида[н]
лавҳалар" (1998), "Фразеологик услубият асослари" (1999), "Уфқ"
трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари" (2006), "Шои[р]
Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида"
(2007), "Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиш[и]
ҳамда тараққиёти" (2007), "Номловчи бирликларнинг маъно
[illegible]" (2008) каби қатор китоблар, юздан ортиқ илми[й]
мақолалар нашр эттирди. "Ҳозирги ўзбек адабий тилид[а]
фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари"
мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (1994).
Шунингдек, [illegible] сифатларининг (2004), А.Пардае[в]
[illegible] (2005), Ш.Махмадиев ўзбек халқ оғзаки ижодида
стилистик формулаларнинг (2007), О.Юсупова олмошларнин[г]
(2011) функционал-стилистик хусусиятларини тадқиқ этишга
бағишланган номзодлик ишларини ҳимоя қилдилар. Ҳозирги
вақтда яна ўнга яқин иқтидорли, ёш тадқиқотчилар
услубшуносликка оид номзодлик диссертациялари устида самарали
иш олиб бормоқдалар.

Университетда Самарқанд вилояти топонимияси,
гидронимиясини ўрганиш соҳасида ҳам кўпгина ишлар амалга
оширилди. Бундай иш 60-70 йилларда проф. Р. Қўнғуров асослаган
илмий семинарда бошланган эди[10]. Кейинчалик Т.Раҳматов (1939-
1995) Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари топонимиясини

[10] Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси муаммолари Самарқанд олимлари талқинида // Раҳматулла Қўнғуровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – Б. 22-25; Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – Б. 44-57.



ўрганиш юзасидан муҳим илмий изланишлар олиб борган ва шу мавзуда Москвада проф.Э.Р.Тенишев илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди (1973). Ё. Хўжамбердиев Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари топонимиясини ўрганди (1975), С.Бўриев Ургут микротопонимларини тадқиқ этди (2010). Б.Ўринбоев "Жиззах вилояти топонимлари" (1992), "Самарканд вилояти топонимларининг изоҳи" (1997), "Асрлардек барҳаёт номлар" (2003) номли луғатларни нашр эттирди. Н.Бегалиев Самарканд вилояти гидронимларини тадқиқ этиб, номзодлик диссертациясини ёқлади (1994). Х.Дониёров, Р.Қўнғуров, Ҳ. Бердиёров, Б.Ўринбоев, Т.Раҳматов, Н. Бегалиев, Б. Йўлдошев, Т.Қурбонов каби олимларнинг диалектал ва тарихий топонимия, гидронимия, бадиий нутқ ономастикасига оид илмий мақолалари эълон қилинди. Бундай илмий ишларнинг натижалари С.Каримов, С.Бўриевларнинг "Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида" (2006), Т.Қурбонов, М.Худойбердиеваларнинг "Бадиий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масаласи" (2006), Н.Бегалиевнинг "Самарқанд топонимияси" (2010), Б.Йўлдошевнинг "Ўзбек ономастикаси масалалари" (2011) номли асарларида умумлаштирилган.

Самарқанд олимларининг луғатшунослик соҳасида эришган ютуқларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, "Ўзбек тилининг чаппа луғати" (А.Тихонов, Р.Қўнғуров; 1969) номли асар фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки туркийшуносликда ҳам шу типдаги дастлабки ишлардан бири саналади[11]. Шунингдек, Р.Қўнғуров "Ўзбек тилининг морфем луғати" (1977), "Чуваш тилининг чаппа луғати" (1983) номли асарларнинг ҳаммуаллифларидан бири эди. Шу билан бирга университет олимлари "Зулфия поэзияси тилининг луғати" (Р.Қўнғуров, С. Каримов; 1982), "Газета журналистикасига оид терминларнинг қисқача изоҳли луғати" (А. Абдураҳмонов; 1984), "Ўзбек тилининг паремиологик луғати" (Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов; 1984), "Ҳамза поэтик асарлари тилининг луғати" (Ш. Маҳматмуродов; 1989) каби асарларни эълон қилдилар. Бир гуруҳ олимлар "Ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати" ни тузиш устида иш олиб

[11] Ҳожиев А., Миртожиев М. Тўнғич терс луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 1. – Б. 74-75; Ризаев С. Чаппа луғат // Ўзбекистон маданияти, 1971, 18 май.

бордилар, бу луғатнинг тўрт қисми "Ўзбек фразеологиясидан материаллар" номи билан эълон қилинган эди (Ҳ. Бердиёров, Р. Расулов, Б. Йўлдошев; 1976-1979-1983-1997).

Кейинги йилларда СамДУ олимлари тилшунослик муаммоларини тадқиқ этишда лингвостатистик методлар ва компьютер технологиясидан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу ўринда Б. Йўлдошевнинг "Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари" (2008), Д.Ўринбоеванинг "Ўзбек халқ достонлари тилининг лингвостатистик таҳлили" (2009), "Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи" (2010) каби асарларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга олимлар лингвостатистик методлар ва компьютер технологияси ёрдамида турли хил частотали, терс ва алфавитли луғатларни тузиб нашр эттирдилар. Ана шундай лексикографик ишлар қаторига Д.Ўринбоева, У.Умурзоқовларнинг "Ўзбек халқ достонлари тилининг алфавит-частотали луғати" (Тошкент, 2006), Д.Ўринбоеванинг "Ўзбек халқ достонлари тилининг частотали луғати" (Тошкент, 2007), С.Каримов, А.Қаршиев, Г.Исроиловаларнинг "Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат" (Тошкент, 2007), С.Каримов, А.Қаршиев, А.Исроиловаларнинг "Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Терс луғат" (Тошкент, 2007), С.Каримов, А.Қаршиев, Г.Исроиловаларнинг "Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат" (Тошкент, 2007), Б.Йўлдошев, Д.Ўринбоеваларнинг "Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати" (Тошкент, 2008) кабиларни киритиш мумкин.

Университетда ўзбек тилшунослигига оид олиб борилган тадқиқотларда нутқ маданияти муаммоларини ўрганиш ҳам алоҳида ўринга эга. Бу соҳада Ҳ.Дониёров, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошев, С. Каримов, Т. Қурбонов, Т. Хўжаев каби олимлар самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, СамДУда "Нутқ маданияти асослари" курсидан дастур эълон қилинди. (Р.Қўнғуров 1983), "Нутқ маданияти асослари" қўлланмасининг уч қисми нашр этилди. (Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т.Қурбонов; 1985-1986-1987), "Нотиқлик маҳорати" қўлланмаси (Б.Ўринбоев, А.Солиев; 1984), босмадан чиқди. Р.Қўнғуров республика олимлари



билан ҳамкорликда "Нутқ маданияти ва услубият асослари" ўқув қўлланмаси (1992)ни нашр эттирган эди.

Ўзбек тилини умумтаълим мактаблари, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқитиш методикасига доир тадқиқотлар асосан Н.Абдураҳмонов, Н. Ражабов, И.Мирзаев, С.Аъзамов, Б.Йўлдошев, М.Абдиев, Ғ.Ҳамраевлар томонидан олиб борилмоқда. Н.Абдураҳмоновнинг "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" (1971), Н. Ражабовнинг "Мутахассисликка кириш" (1989) номли асарлари эълон қилинган эди.

Кейинги йилларда университет олимлари тилшуносликнинг умумназарий муаммоларини тадқиқ этиш билан ҳам изчил шуғулландилар. "Умумий тилшунослик" (Ҳ.Бердиёров, Т. Хўжаев, Б. Йўлдошев; 1974, 1979, 1982), "Тилшуносликка кириш" (Ҳ.Бердиёров, Т.Хўжаев, Б.Йўлдошев; 1980), "Тил ва жамият" (Н. Ражабов, 1984), "Тилшуносликка кириш курсидан методик тавсиялар" (Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошев; 1988), "Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар" (Ж.Элтазаров, 1996), "Тилшунослик ва табиий фанлар" (А.Нурмонов, Б.Йўлдошев. 2001), "Тилшунослик назарияси" (Б.Ўринбоев, С.Каримов, 2004), "Компьютер лингвистикаси" (Б.Йўлдошев, 2009), "Социолингвистика" (З.Алиқулов, С.Боймирзаева, 2010), "Матн тилшунослиги" (Б.Йўлдошев, 2011) каби асарлар нашр этилди.

СамДУ олимлари турли хил библиографик ишлар яратишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, "Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич" (Ҳ.Бердиёров, Б.Йўлдошев; 1977), "Саид Аҳмад" (Б.Йўлдошев, 1977), "Сергей Николаевич Иванов" (И.К.Мирзаев, 1982 ), "Ўзбек тилида келишик категориясига доир библиографик кўрсаткич" (Х.Дониёров, А.Абдусаидов; 1983), "Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти" (библиографик кўрсаткич, Р.Қўнғуров, С.Каримов; 1984), "Газета тили" (Б.Йўлдошев, Б.Мирзаев; 1984), "Улуғ Тошмуҳамедович Турсунов" (Б. Ўринбоев, Р.Қўнғуров; 1985), "Ваҳоб Эгамов" (Т.Қурбонов, Ж. Элтазаров; 1995), "Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти" (библиографик кўрсаткич, С.Каримов, Т.Жўраев; 2001), "Бозор Ўринбоев" (Д.Ўринбоева, А.Мусаев, 2006), "Эрнст Азимович Бегматов" (А.Маматов, А.Абдусаидов; 2006), "Бекмурод Йўлдошев" (М.Юлдашева, З.Пардаев; 2007), "Ҳамдам Бердиёров" (Б.Йўлдошев, 2008), "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида ўзбек

адабиётшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958-2007 йиллар) (Ж.Ҳамдамов; 2008), "Раҳматулла Кўнғуров" (С.Каримов, Йўлдошев, З.Пардаев; 1993; 2008), "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида ўзбек тилшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958-2007 йиллар) (Ж.Ҳамдамов; 2008), "Жўрабой Ҳамдамов" (Б.Йўлдошев, 2009) "Суюн Каримов" (Ш.Маҳмадиев, С.Умирова, 2010) сингари библиографик асарлар нашр этилди. Ўзбек тилшунослигининг тарихи масалалари У. Турсунов, Х. Дониёров, Р. Кўнғуров, Н. Ражабов, Б. Ўринбоев, Б. Йўлдошевларнинг илмий мақолаларида, шунингдек, Н. Ражабовнинг "Ўзбек тилшунослигининг 60 йилдаги тараққиёти" (1982), Б.Ўринбоев, Т.Қурбоновнинг "Ўзбек тилшунослиги тарихи" (2007), Б.Йўлдошевнинг "Ўзбек тилшунослиги тарихи" (2012) номли услубий қўлланмаларида ўз аксини топган.

Университетда ўзбек тилшунослиги масалаларининг тадқиқ этилиши, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг яхши йўлга қўйилишида ўзбек тилшунослиги кафедраси ва бошқа тилшунослик кафедраларининг муносиб улуши бор. 1940 йилгача дорилфунундаги тилшунослик кафедралари турлича номланган. 1927 йилдан ўзбек тили ва адабиёти кафедраси фаолият кўрсатган эди. 1933 йилдан лингвистика кафедраси ўз фаолиятини бошлаган. 1939-1940 ўқув йилига келиб бу кафедра иккига ажралган: ўзбек тили кафедраси (мудири: И.Т.Пономарев) ва тилшунослик кафедраси (мудири: проф. А.А.Соколов). Улуғ Ватан уруши даврида Самарқанд давлат университети Ўрта Осиё университети (ҳозирги ЎзМУ) билан бирлаштирилган эди. 1944 йилда яна Самарқандда университет ўз фаолиятини давом эттирди. Ўша йиллари ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири Ғ.Қодиров эди. Бу даврда кафедрада бирорта фан номзоди ёки профессор бўлмаган. 1947 йилда ҳарбий хизматдан илгари шу кафедрада ишлаган, фан номзоди У. Турсунов қайтиб келади ва мудирлик фаолиятини умрининг охиригача - 1971 йилгача давом эттиради. 1949 йилда кафедра олимлари Ҳ. Бердиёров, А. Сулаймонов ўз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қиладилар. 50-60-йиллар мобайнида СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги аспирантурани ўттиздан ортиқ киши битириб, ўз номзодлик



диссертацияларини ҳимоя қилган эдилар[12]. 1971-1994 йиллар давомида ўзбек тилшунослиги кафедрасига проф. У.Турсуновнинг шогирдларидан бири проф.Р.Кўнғуров мудирлик қилган эди. 1969 йилда ўзбек тилшунослиги кафедраси негизида умумий тилшунослик кафедраси ҳам ташкил этилди. Бу янги кафедрага проф.Ҳ.Бердиёров 1984 йилга қадар раҳбарлик қилди. Унинг вафотидан кейин умумий тилшунослик кафедрасига проф.Ҳ.Дониёров мудир қилиб сайланди. Х.Дониёровнинг вафотидан кейин 1991 йилда умумий тилшунослик кафедраси асоссиз равишда ўзбек тилшунослиги кафедрасига қўшиб юборилди. 1991 йилда шу икки кафедра негизида факультетлараро ўзбек тили кафедраси ташкил этилди ва унга 1996 йилнинг ноябр ойига қадар проф. Н.Ражабов раҳбарлик қилди. 1996 йил ноябрдан эса бу кафедра амалий тилшунослик ва ўзбек тили ҳамда адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси деб номланиб, унга проф. И.К.Мирзаев мудирлик қилиб келмоқда.

СамДУда етук тилшунос кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 70-йилларда икки олим (Ж.Мухторов, Х.Дониёров) докторлик ишини ҳимоя қилган бўлса, 80-йилларда тўрт олим (Л.Абдуллаева, Р.Кўнғуров, Н.Ражабов, Н.Турниёзов), 90-йилларда яна тўрт олим (М. Маматов, И.К.Мирзаев, С.Каримов, Б.Йўлдошев), 2000 йилдан кейин эса беш олим (А.Абдусаидов, М.Абдиев, Ж.Элтазаров, У.Санақулов, С.Боймирзаева) филология фанлари доктори илмий даражасига эришдилар. Илмий-тадқиқот ишларидаги салмоқли ютуқлари учун филология фанлари номзодлари У.Турсунов (1958), Ҳ.Бердиёров (1979), В.Эгамов (1989)га ўз вақтида ОАК томонидан профессорлик унвони берилган эди. Ҳозирги кунда университет илмий ходимларидан уч киши (Д.Ўринбоева, З.Пардаев, А.Пардаев) ўзбек тилшунослиги муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган докторлик ишларини якунлаш арафасида турибди.

Шундай қилиб, ўзининг саксон беш йиллигини нишонлаётган Самарқанд Давлат университетида бошқа фанлар сингари ўзбек тилшунослиги масалаларини тадқиқ этиш соҳасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Эндиги вазифа ана шу ютуқларни

[12] Бу ҳақда қаранг: Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – Б. 3-37.

мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги ти[illegible] сиёсати, лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбосига ўтиш билан боғли[illegible] долзарб муаммоларни ўрганишни янада авж олдиришда[illegible] иборатдир.

## ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИНИНГ САМАРҚАНДДА ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА

Самарқанд тилшунослари талабчан ёшларга илм, билим[illegible] таълим-тарбия бериш билан чегараланиб қолмай, бу асосий ишни[illegible] турли фан соҳалари бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар ўтказиш[illegible] билан моҳирона қўшиб олиб бормоқдалар.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ХХ асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларда Самарқанддаги Олий педагогика институти (1927-1929)да, Педагогика академияси (1929-1933)да, шулар базасида ташкил топган Ўзбекистон давлат университети (ЎзДУ)да иш олиб бораётган илмий-педагогик кадрларнинг, хусусан, тилшунос олимларнинг илмий-тадқиқотлари йўналишларини ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданий қурилиш эҳтиёжлари, адабий тил муаммолари белгилаб берган эди. Шунинг учун ҳам олималарнинг асосий эътибори тилшуносликнинг назарий масалаларига эмас, соф амалий масалаларига қаратилган эди. Замон, шароит талабларидан келиб чиқиб олимлар кўпроқ ўзбек адабий тили нормаларини ишлаб чиқиш ва тартибга солиш, имло ва атамашунлослик муаммоларини ҳал қилиш, аввал лотинлаштирилган ўзбек алифбосига, сўнг рус графикасига асосланган янги ўзбек ёзувига ўтиш билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларни тўғри ечиш, аҳоли орасида саводсизликни тугатиш ва ҳар хил типдаги мактаблар, курслар, гуруҳлар учун ўқув қўлланмалари, луғатлар, дастурлар яратиш билан шуғулландилар. Ўша даврда Самарқандда фаолият кўрсатган А.Фитрат, Е.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, Ю.Ширвоний, О.Ҳошим, С.Муталлибов, С.Иброҳимов, Т.Иброҳиов, У.Турсунов каби тилшунос олимларнинг илмий асарлари асосан юқорида кўрсатилган муаммоларнинг айрим қирраларига бағишланган эди.

Ўзбек тили тарихи масалалари билан ўтган асрнинг 50-йилларига қадар Самарқанд олимларидан ҳеч ким шуғулланмади.



Агар С.Муталлибовнинг “Ўзбек тили лексикаси кечмишидан”[13] номли кичик ҳажмдаги илмий ишини ҳисобга олмаганда ўзбек тили тарихига оид биронта ҳам илмий-тадқиқот иши бажарилмади.

Бунинг объектив сабаблари бор эди, албатта. Биринчидан, тилшунос олимларнинг асосий диққат эътибори ўша давр шароити тақозо қилган амалий ишларни бажаришга қаратилган эди. Иккинчидан, ўзбек тили тарихини ўрганишга асос бўладиган ёзма манбалар Самарқандда деярли йўқ эди. Учинчидан, ўзбек тилшунослиги илми билан шуғулланадиган илмий ходимлар сони бармоқ билан санарли даражада жуда кам эди. Қолаверса, улар ўзбек тили тарихининг назарий масалалари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш малакалари ва тажрибалари ҳам ҳали унчалик етарли эмас эди.

Ўзбек тили тарихининг айрим муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва бунинг натижаларини алоҳида мақола, монография, ўқув қўлланмаси тарзида эълон қилиш ишлари асосан ХХ асрнинг 50-йилларидан бошланди.

Самарқанд тилшунос олимларининг ўзбек тили тарихи масалаларига оид илмий тадқиқот ишлари бир неча йўналишларда олиб борилди. Шулардан бири ўзбек тили тарихининг **назарий масалаларидир**. Бу соҳада қилинган ишлардан учтаси диққатга сазовор. Шулардан бири Ж.Ҳамдамовнинг тил тарихининг таркибий қисмлари хусусида баҳс юритувчи жиддий мақоласи, иккинчиси, У.Санакуловнинг ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир мақоласи ва учинчиси Қ.Усмоновнинг туркий ва мўғул тиллари орасидаги тарихий муносабат ҳақида фикр юритувчи мақоласидир[14].

Ана шундай тадқиқот йўналишларидан яна бири **ўзбек тилининг тарихий фонетикасидир.** Самарқанд олимларининг илмий тадқиқотларида ўзбек тили тарихий фонетикасининг кўпчилик муаммолари қамраб олинмаган бўлса-да, шундай муаммолардан энг долзарб биттаси уларнинг диққат эътиборида бўлди. Гап бу ўринда туркий тиллардаги, шу жумладан

[13] Муталлибов С. Ўзбек тили лексикаси кечмишидан. – Тошкент, 1929.

[14] Ҳамдамов Ж. Тил тарихи ва унинг таркибий қисмлари хусусида // Профессор Улуғ Турсунов ва ўзбек тилшунослиги (республика илмий-назарий конференцияси материаллари). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2005. – Б. 55-70; Санакулов У. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиети. 2007. № 3. – Б. 21-23; Усмонов К. Туркий ва мўғул тилларининг ўзаро алоқаси // Стилистика ва прагматика (илмий-назарий анжуман материаллари). 2-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – Б. 6-10.

ўзбек тилидаги муҳим бир фонетик қонуният - сингармони устида бораётир. Ушбу фонетик ҳодисанинг моҳияти ва унинг эс ўзбек тилидагина эмас, шунингдек ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида намоён бўлиши масалала билан У.Турсунов ва Х.Дониёровлар кўпдан буён илм изланишлар олиб бориб, унинг натижаларини алоҳида б мақолада[15] баён қилдилар. Ҳозирги ўзбек тилининг фонет нормаларини белгилашда сингармонизм қонунини ҳам ҳисоб олиш зарурлиги ҳақида мақола муаллифлари олга сург таклиф ва истаклари маълум амалий аҳамиятга эга эди. Про Х.Дониёров ўзининг сингармонизм қонунияти ҳақидаги бу илм қарашларини кейинчалик "Хамса" асари тили мисоли мустаҳкамлади[16]. Шундан кейин Самарқандда ўзбек тилини тарихий фонетикасига оид илмий тадқиқотлар унчалик оли борилмади. Бундан фақат Қ.Усмоновнинг кичик ҳажмдаги маъруз матнлари ва битта илмий мақоласи[17] мустасно холос.

Университет ўзбек тилшунослиги кафедраси аъзоларида айримларининг эътиборини ўзига жалб қилган муаммоларда иккинчиси **ўзбек тилининг тарихий лексикологияс** масаласидир. Тарихий лексикологиянинг айрим масалаларин тадқиқ қилишни бундан салкам саксон йил илгари С. Муталлибо бошлаб берган эди. У ўзининг юқорида эслатилган асарида Х асрнинг нодир ёзма ёдгорликларидан "Девону луғотит турк" в "Қутадғу билик" материаллари асосида ўзбек тилидаги айрим сўзларнинг тарихи, уларнинг семантик тараққиёти, шакли в маъносидаги ўзгаришлар тўғрисида қимматли фикрлар баён қилган эди[18].

XX асрнинг эллигинчи йилларига келиб ўзбек тили тарихий лексикологиясининг айрим масалалари билан **Ж.Ҳамдамов** махсус шуғулланди. У ўзининг шу масалаларга оид дастлабки илмий ишларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб

[15] Турсунов У., Дониёров Ҳ. Ўзбек тилидаги сингармонизм ҳақида // ЎзДУ асарлари. Янги серия, 91-чиқиши. - Самарқанд, 1959.
[16] Дониёров Ҳ., Йўлдошев Б. Алишер Навоий "Ҳамса"си тилида сингармонизм қонунининг акс этиришга доир // Алишер Навоий "Ҳамса"сини ўрганиш масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд: СамДУ, 1987. - Б. 31-37.
[17] Усмонов Қ. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий фонетикаси (маъруза матнлари). - Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. - 45 б; Усмонов Қ. XI-XIУ аср ёзма ёдгорликлари тилида айрим фонетик ҳодисалар // Профессор Улуғ Турсунов ва ўзбек тилшунослиги (республика илмий-назарий конференцияси материаллари). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2005. - Б. 98-103.
[18] Муталлибов С. Ўзбек тили лексикаси кечмишидан. - Тошкент, 1929.



...д ўтган ўзбек демократ шоири Муқимий поэтик асарлари ...нинг лексик қатламлари хусусида илмий мулоҳазаларини баён ...ган бўлса, кейинги бир неча илмий ишларида ўзбек тили билан рус тили орасидаги тарихий алоқа, шу алоқа туфайли XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган лексик унсурлар ва уларнинг ўзбек тилига фонетик, морфологик ва семантик жиҳатдан ўзлашиш, мослашиш йўллари ҳамда усуллари ҳақида атрофлича фикрлар юритди.

Кейинги йилларда Ж.Ҳамдамов қадимги туркий тилдаги ва ...ки ўзбек тилидаги хитойча лексик ўзлашмалар ҳақида иккита илмий мақола эълон қилди[19]. Бундан ташқари унинг ўзбек тилидаги хитойча, мўғулча, арабча, форсча-тожикча ва русча лексик ўзлашмалар борасида олиб борган изланишларининг натижалари муаллифнинг "Ўзбек тили тарихи" номли ўқув қўлланмасида ўз аксини топган[20].

**Н.Абдураҳмонов** эски туркий ва эски ўзбек тилида битилган айрим обидалар тилидаги лексик қатламлар, жумладан омонимлар, синонимлар ва субъектив баҳо формаларини таҳлил қилиб, алоҳида мақолалар эълон қилди[21].

Ўзбек тили тарихий лексикологиясининг баъзи масалалари топонимика соҳасида тадқиқот ишлари олиб борган Самарқанд олимларининг айрим илмий ишларида ҳам олға сурилиб, тегишли ечимини топди. Жумладан, Т.Раҳматов[22], Н.Бегалиев[23],

[19] Ҳамдамов Ж. Қадимги туркий тилда хитойча лексик ўзлашмалар // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2006. № 6. – Б. 64-70; Хамдамов Ж. Ўзбек тилида хитойча лексик ўзлашмалар // Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд: СамДУ, 2007. - Б. 39-41.
[20] Яна қаранг: Ҳамдамов Ж. Ўзбек ва рус тиллари орасидаги алоқа тарихидан // Проблемы билингвизма и интерференции. Материалы международной конференции в г.Термезе. - Ташкент, 2001. - Б. 160-162.
[21] Абдураҳмонов Н. Қадимги ёзма обидалар тилида субъектив баҳо аффикслари ва уларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, 1981. - Б. 51-55; Абдураҳмонов Н. УI-Х аср ёзма обидалари тилида омонимлар ва уларнинг лексик-стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, 1982. - Б. 55-59; Абдураҳмонов Н. XI-XIУ асрлар ёзма обидалари тилида синонимлар // Бадиий текстда тил воситаларининг функциялашуви (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, 1989. - Б. 50-53 ва бошқалар.
[22] Раҳматов Т. О структуре простых топонимов Самарканда // Некоторые вопросы лексики и грамматики тюркских языков. М.: Наука, 1973. – С. 7-8; Раҳматов Т. Феъл топонимларининг ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. № 5. – Б. 52-55; Раҳматов Т. Жой номлари таркиби // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва стилистикаси масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, 1993. - Б. 53-58; Раҳматов Т. Жой номларидаги мўғулча сўзлар // Ўзбек тили грамматикаси ва лексикологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б. 77-82; Раҳматов Т. Этнотопонимлар (тарихий-лисоний таснif) // Филологик тадқиқотлар (илмий мақолалар тўплами). 1-китоб. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994. – Б. 53-61 ва бошқалар.
[23] Бегалиев Н. Самарқанд гидронимлари ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили грамматик қурилиш ва лексикологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). VI-чиқиш. - Самарқанд, 1978. - Б. 3-7; Бегалиев Н. Сирдарё гидроними ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва лексикологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, СамДУ, 1979. – Б. 81-84; Бегалиев Н. Айрим сув номлари этимологияси

қилиб, шу мавзуга доир қатор илмий мақолалар эълон қил Ж.Ҳамдамов равишдош тарихи юзасидан олиб борган кўп йил изланишлари натижаларини алоҳида монография шаклида на қилдирди[30]. Сўнгра ўзбек тилидаги сон туркумига кирувчи лекс бирликларнинг тараққиёт тарихи масаласига эътиборни қарат ҳар қайси сон турининг турли даврлардаги ўзига хос ясалиш, маъ хусусиятларини бир неча илмий мақолада ёритиб берди. Ниҳо Ж.Ҳамдамов кейинги йилларда ўзбек тилидаги олмошларни тарихий тараққиётини ўрганишга киришиб, олмошларнинг кели чиқиши, шаклланиши, эски туркий ва эски ўзбек тилларида фонетик, грамматик, семантик хусусиятлари ҳақида ишонарл маълумотлар берувчи тўртта илмий мақола ёзди.

**Қ.Усмонов**нинг илмий қизиқиши XI-XIУ асрларда эски тур ва эски ўзбек тилларида яратилган ёзма обидалар тилин ўрганишга ва шу асосида ўша давр тили морфологи қурилишининг айрим масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган. Ў кузатишлари ва таҳлилларига суяниб, Қ.Усмонов тарихи морфологиянинг олмош ва сон туркумларига оид бир неч мақолалар эълон қилди[31].

**М.Махматқулов**нинг илмий ишлари эса қадимги турки тилдаги қўшма сўзларнинг хусусиятларини ўрганиш бағишланган эди[32].

**Ўзбек тилининг тарихий синтаксиси** масалалари соҳасида ҳам Самарқанд тилшунос олимларидан баъзилари илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Биз бу ўринда **А.И.Абражеев**нинг эски ўзбек тилида яратилган нодир насрий асарлардан иккитасининг, яъни Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" (XIV аср) ва Алишер

[30] Ҳамдамов Ж. Ўзбек тилида равишдош. Монография. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2000. – 146 б.
[31] Усмонов Қ. XI-XIУ аср обидалари тилида сон категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. № 6. – Б. 67-69; Усмонов Қ. XI-XIУ асрлар ёзма ёдгорликлари тилида сўроқ олмошлари // СамДУ асарлари, янги серия, 317 чиқиши. - Самарқанд, 1977. – Б. 65-77; Усманов К.Б. Проблемы языковой преемственности среднеазиатских тюркских памятников XI-XIУ вв. и современные тюркские языки Средней Азии. АКД. - Ташкент, 1979; Усмонов Қ. XI-XIУ асрлар ёзма ёдгорликлари тилида ўзлик олмоши // Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд: СамДУ нашри, 1981. – Б. 88-92; Усмонов Қ. Туркий тилларда ўнлик сонларнинг морфологик таркиби // Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. - Самарқанд, 1984. – Б. 53-56; Усмонов Қ. XI-XIУ аср обидалари тилида гумон олмошлари // Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. - Самарқанд, 1985. – Б. 51-52; Усмонов Қ. *Бир* сўзининг функционал-семантик таҳлили // Ўзбек тили диалектологияси ва лексикологияси масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд: СамДУ нашри, 1991. – Б. 65-70; Усмонов Қ. Сон туркумининг морфологик хусусиятларига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва стилистикаси масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд: СамДУ нашри, 1993. – Б. 59-62 ва бошқалар.
[32] Махматкулов М. Аналитический способ словообразования в языке древнетюркских памятников. АКД. - Ташкент, 1973. – 24 с.



Навоийнинг "Муҳокаматул луғатайн" (XV аср) номли асарлари тилида ишлатилган қўшма гап қурилмалари ва турларининг таҳлилига бағишланган иккита мазмунли илмий мақоласини[33], **Ж.Мухторов**нинг "Бобурнома" (XIV аср) тилида содда ва қўшма гаплар кесимининг хилма-хил сўз ва сўз формалари билан ифодаланишини тадқиқ қилишга бағишланган муҳим бир мақоласини[34] ҳамда Б. Ўринбоевнинг вокатив гаплар тараққиёти тарихига бағишланган яхши бир мақоласини[35] кўзда тутаяпмиз.

Самарқанд олимлари томонидан кўп йиллардан буён мунтазам олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг яна бир муҳим йўналиши ўзбек халқининг буюк шоири, мутафаккири ва олими **Алишер Навоий ижоди ва фаолияти** билан боғлиқ. Бу соҳада эълон қилинган монографиялар, маъруза матнлари ва турли илмий мақолалар мазмуни ҳамда мундарижасидан шу нарса маълумки, олимларимизнинг асосий диққат-эътибори Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилини тараққий эттириш соҳасидаги улкан хизматларини синчиклаб ўрганиб унинг бу жабҳадаги фаолиятига одилона баҳо бериш ва уни ташвиқ қилиш, унинг "Муҳокаматул луғатайн" номли тилга доир нодир асарида олға сурилган ва ҳал қилиб берилган масалаларни шарҳлаш, Навоий адабий тилининг энг характерли томонларини тадқиқ қилиш каби муҳим масалаларга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ижодий меросини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш билан шуғулланмаган киши Самарқанд олимлари орасида кам топилади. Ҳар қайси тилшунос олим шу соҳанинг ўзининг қизиқтирган бирон бир мавзуси бўйича имкон даражасида тадқиқот ишлари олиб боришга ҳаракат қилди. Бундай изланишларнинг асосий натижалари Самарқандда 1981 ва 1990 йиллардан нашр қилинган иккита махсус илмий ишлар тўпламларида ўз ифодасини топди[36].

[33] Абражаев А. И. Сложные предложения в прозе Рабгузи - узбекского писателя XIV века // Труды УзГУ. выпуск № 73. - Самарканд, 1957; Абражаев А. И. Сложные предложения в «Мухаматул лугатайн» Алишера Навои // Труды УзГУ, выпуск № 95. - Самарканд, 1959.
[34] Мухторов Ж. "Бобурнома"да кесимнинг ифодаланиши // ЎзДУ асарлари. - Самарқанд, 1962.
[35] Ўринбоев Б. Вокатив гапларнинг тарихий тараққиёти ва уларнинг маънолари // С.Айний номидаги СамДПИ илмий асарлари, янги серия, № 1. - Самарқанд, 1969. – Б. 180-198.
[36] Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1981. – 106 б; Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1990. – 140 б.

"Муҳокаматул луғатайн" асарининг тили, бир қатор олимлар[и] Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятлари каби масалала[р] ўрганишга бағишланган ишлардан ташқари Ҳамза Ҳакимз[ода] Ниёзий асарларининг тилини ўрганишга ҳам бир неча илмий иш[лар] бағишланди. Ана шундай ишлар қаторига **Ҳ.Доннёр[ов], Б.Йўлдошев, Ш.Маҳматмуродов**лар томонидан бажарил[ган] ишларни киритиш мумкин[41]. Шунингдек, Ш.Маҳматмурод[ов] Ҳамза "Девон"ига кирган назмий асарлар тилида ишлатилган 23[...] та сўзнинг ўзбекча-русча луғатини тузиб, нашр эттирди[42].

Қадимги туркий тил (У1-Х асрлар), эски туркий тил (XI-XI[I] асрлар) ва эски ўзбек тили (X1У-X1X асрлар)да битилган ёз[ма] обидалар тилини ҳар томонлама ўрганиш соҳасида хорижи[й], Россия ва Ўзбекистон туркийшунос олимлари томонидан қўл[га] киритилган ютуқларга асосланиб, уларга суяниб, филол[ог] талабалар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлар тузи[ш] ўзбек тил тарихи бўйича қилинган ишларнинг яна би[р] йўналишидир. Самарқандда илмий-педагогик фаолият била[н] машғул мутахассислардан айримлари мана шу йўналишда ҳам унумли иш олиб бориб, олий ўқув даргоҳларида ўзбек тили в[а] адабиёти ихтисослиги бўйича таҳсил кўраётган талабалар учу[н] фойдали ишларни бажардилар. Жумладан, **Н.Абдураҳмонов** қадимги туркий тилга доир ўқув қўлланмаларини[4...] **Ш.Маҳматмуродов** X1-ХУ11 асрларда яратилган айрим ёзм[а] обидалар тилининг фонетик, морфологик хусусиятларин[и] ўрганишга оид ўқув қўлланмасини ҳамда қадимги руний, сурёний, уйғур, брахма ёзувларида битилган ёзма ёдгорликлар ва уларнинг хориждаги, Россиядаги ва Ўзбекистондаги тадқиқотчилари тўғрисида қисқа-қисқа маълумот берувчи қўлланмасини[44], **У.Турсунов** ва **Б.Ўринбоев**ларнинг аввал ўзбек адабий тили

[41] Доннёров Х., Йўлдошев Б. Ҳамза ва ўзбек адабий тили // Бадиий текстда тил воситаларининг функциялашуви. - Самарқанд, 1989. – Б. 19-29; Махматмуродов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хакимзаде Ниязи. АКД. - Ташкент, 1982. - 20 с.
[42] Махматмуродов Ш. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. - Ташкент: издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1989. - 127 с.
[43] Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил ( университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари сиртқи ва кечки бўлим талабалари учун қўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. - 258 б; Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тилга оид ёзма матнлар ва уларнинг лингвистик таҳлили практикуми. - Самарқанд: СамДУ, 1997. – 128 б; Абдураҳмонов Н. Ўзбек тили тарихи (қадимги туркий тил). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – 122 б.
[44] Махматмуродов Ш. Кўҳна туркий обидаларнинг тил хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1995. - 110 б; Махматмуродов Ш. Туркий адабий тилларнинг ўрганилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1995. - 85 б.



[та]рихини ўрганишга оид очеркларини ва ундан кейин шу фаннинг [да]рслигини яратдилар. Кейинчалик Б.Ўринбоев дастлаб "Қадимги [ту]ркий битиклар"га доир, кейинчалик "Туркий тилларнинг қиёсий-[та]рихий грамматикаси"га оид ўқув қўлланмасини нашр эттирди[45]. [А].**Мухторов** ва **У.Санақулов**лар ҳам ўзбек адабий тили тарихига [до]ир ўқув қўлланмасини ҳамда шу фанни ўзлаштиришга оид икки [қис]мдан иборат методик кўрсатмаларини тузиб, нашр [эт]тирганликларини ҳамда "Ўзбек адабий тили тарихи"га доир ўқув [қў]лланмасини "Ўқитувчи" нашриёти орқали эълон [қил]ганликларини алоҳида таъкидлаш лозим[46].

Ўзбек тили тарихига, хусусан тарихий морфологиясига оид ўқув қўлланмалари яратишда **Ж.Ҳамдамов**нинг хизматлари катта. **У.Санақулов** қаламига мансуб қўлланмада ўзбек адабий тили тарихининг илк даври хусусида баҳс юритилади[47]. Кейинчалик У.Санақулов ўзбек адабий тили тарихининг илк даври фонетик ва грамматик меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти масалаларини илмий-назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этиб, шу мавзудаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди[48].

Олимларимиз "Қадимги туркий тил", "Эски ўзбек тили", "Ўзбек тили тарихи", "Эски ўзбек ёзуви", "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси", "Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси" каби тилшунослик фанларини университетларда ва педагогика институтларида ўқитишнинг дастурларини ҳам ишлаб чиқиб, чоп эттирдилар[49].

[45] Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи очерклари. – Самарқанд: СамДУ, 1969. - 269 б; Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 176 б; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 264 б; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Қадимги туркий битиклар. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 97 б, Ўринбоев Б. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 64 б.
[46] Мухторов А., Санақулов У. Қадимги туркий адабий тил ("Ўзбек адабий тили тарихи" курсидан методик кўрсатмалар). 1-қисм. – Самарқанд: СамДПИ, 1987. - 92 б; Мухторов А., Санақулов У. Эски ўзбек адабий тили ("Ўзбек адабий тили тарихи" курсидан методик кўрсатмалар). 2-қисм. – Самарқанд: СамДПИ, 1988. - 87 б; Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи (университет ва педагогика институтлари филология факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 160 б.
[47] Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихининг илк даврлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – 277 б.
[48] Санақулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич). ДДА. – Тошкент, 2007. – 62 б.
[49] Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихидан программа (педагогика институти филология факультети студентлари учун). - Тошкент, 1984. - 20 б; Абдураҳмонов Н., Элтазаров Ж. Қадимги туркий тил (ўқув дастури) //Алишер Навоий номидаги СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўтиладиган фанлар дастурлари тўплами. - Самарқанд, 1993. - Б. 17-37; Абдураҳмонов Н. Эски туркий (ўзбек) тили ва унинг ёзуви (ўқув дастури) // Алишер Навоий номидаги СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўтиладиган фанлар дастурлари тўплами. - Самарқанд, 1993. - Б. 38-45; Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи (ўқув дастури)

Демак, юқорида баён қилинган фикрлардан маълумотлардан шу нарса аниқ бўлдики, Самарқанд олимл ўзбек тили тараққиёти тарихининг турли муаммолари уст самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, маълум ютуқла қўлга киритганлар. Биз аминмизки, Самарқандда ҳозирги ку фаолият кўрсатиб турган тажрибали ва билимдон олимлар ҳа ёш мутахассислар ўзбек тили тарихининг ҳали етарли дараж ўрганилмаган муаммолари бўйича илмий изланишларни ян кучайтириб, бу соҳада Самарқандда бошланган анъаналарни дав эттирадилар ва ўзбек тилшунослигининг бундан кейинги равнақ салмоқли ҳисса қўшадилар.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Республикамизнинг мустақилликка эришганига 20 йилд ошди. Бу тарих учун қисқа муддат бўлса-да, аммо ана шу давр мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида жу улкан ўзгаришлар содир бўлди. Собиқ шўролар тузуми 70 йи давомида миллатларни ягона социалистик миллат бирлаштиришдек бемаъни сиёсатни юритгани учун милли қадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз унутилар даражаг келиб қолган эди. Мустақиллик йилларига келиб аждодларими қолдирган бой маданий-маънавий меросимизни оммалаштириш уларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини белгилаш имконият вужудга келди. Бу ўринда Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фороби Абу Али ибн Сино, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом ал Бухори Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳамма Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби буюк алломаларнинг бой илми ва бадиий меросини ўрганиш соҳасида амалга оширилган салмоқли бунёдкорлик ишларини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Бу даврга келиб асрлар давомида онгимизда сингиб қолган мутелик, қарамлик психологияси ўрнини аста-секинлик билан эркинлик, ижодкорлик, фидоийлик психологияси эгаллай бошлади.

// Алишер Навоий номидаги СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўтиладиган фанлар дастурлари тўплами. - Самарқанд, 1993. – Б. 46-60. Ҳамдамов Ж. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича план-программа. - Самарқанд: СамДУ, 1990. – 16 б.



Ўзбекистон Республикаси мустақил, суверен давлат сифатида БМТ аъзолигига қабул қилинди, ҳозирги кунга келиб 160 га яқин мамлакатлар билан Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ана шунга ўхшаш ютуқларнинг барчаси мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли бўлган миллий тилимизнинг ҳам дунё бўйлаб катта обрў-эътибор топишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Ана шундай шароитда давлат тили бўлган ўзбек тилининг ички лексик-грамматик тузилиши, тарихий тараққиёт босқичларини ўрганувчи тилшунослик фани ҳам тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш...”[50] чора-тадбирларини кўришимиз лозим бўлади.

Мустақиллик йилларига келиб собиқ шўролар даврида ҳукмрон бўлган рус тилшунослиги андозалари асосида тилимизнинг фонетик, грамматик тизимини ўрганишдек зарарли анъанадан воз кечилди. XX асрда ягона фан методологиясига айланиб улгурган марксистик таълимот занжиридан халос бўлиш ва оламни, тиллар тизимини илмий билишда энг яхши фалсафий таълимотлардан эркин фойдаланиш имкониятининг вужудга келганлиги мамлакатимиз тилшунослигининг илмий-назарий асосларини янада мустаҳкамлашга олиб келди[51]. Натижада собиқ шўролар даврида “буржуа фани”, “марксистик методлогияга ёт фан” деб эълон қилинган структур-системавий тилшунослик ва унинг тил бирликларини текшириш методлари мустақиллик шарофати билан ўзбек тилшунослиги доирасида кенг миқёсда қўлланиладиган бўлди[52].

[50] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 87.
[51] Нурмуҳамедов Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 12-17.
[52] Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент: “Таълим” нашриёти, 2009. – Б. 133-140.

Ўзбек тилшунослигида умумий ва хусусий илмий тадқи[illegible] методологияси ҳамда методларини чуқур ўрганиш, [illegible] тадқиқотчилар онгига уларни сингдиришга алоҳида эътибор бер[illegible] келинмоқда. Бу ўринда файласуф олима, проф. Шермуҳамедованинг "Фанларнинг фалсафий масалалар[illegible] (Тошкент, "Университет", 2005), Т.Бушуй, Ш.Сафаровларнинг Т[illegible] қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси" (Тошкент, "Фа[illegible] 2007), проф.А..Нурмоновнинг "Лингвистик тадқи[illegible] методологияси ва методлари" (Тошкент, "Академнашр", 2010) каб[illegible] салмоқли илмий изланишлари эълон қилинганлигини алоҳи[illegible] таъкидлаш лозим.

Агар истиқлолга эришилгунга қадар ўзбек тилшунослиг[illegible] асосан ўзбек тилининг фонетик ва грамматик тузилишини одди[illegible] тавсифий асосда ўрганиш билан шуғулланган бўлса, мустақилли[illegible] йилларига келиб ўзбек тили материаллари негизида умумназари[illegible] тилшунослик муаммоларини ҳал қилишга, тилшунослик назарияс[illegible] ва лингвистик таълимотлар тарихи масалаларини ёритишга эътибо[illegible] қаратиладиган бўлди. Бу даврга келиб А.Абдуазизов, Р.Расулов, Н.Турниёзов, Б.Ўринбоев, М.Ирисқулов, А.Нурмонов, Ш.Искандарова каби олимларнинг тилшунослик назариясига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек, А.Нурмонов, Б.Ўринбоев, Б.Йўлдошев, Т.Қурбонов, Х.Жабборов каби олимларнинг "Ўзбек тилшунослиги тарихи"га оид асарлари майдонга келди. Фақат истиқлол туфайли ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихга эга эканлигини, ўзбек тилшунослари айрим Европанинг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби бир қатор йўналишларга асос солганликлари, лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган ҳозирги шароитда бу усул XУ асрлардаёқ ўзбек тилшунослари томонидан кенг қўлланилганлигини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти вужудга келди[53].

Энг муҳими, истиқлол даврида ўзбек тилшунослигида олимлар орасида методологик якка ҳокимликдан методологик плюрализм (хилма-хил ёндашув анъанаси)га ўтиш учун кен[illegible]

[53] Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 7-155.



[illegible]имкониятлар пайдо бўлди. Натижада бир объектга турли томондан [illegible]ёндашувлар, шу асосда бир тил соҳасига оид турлича қарашлар [illegible]майдонга кела бошлади. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек [illegible]тилшунослигида анъанавий, структур-семантик (формал-семантик), [illegible]формал-функционал сингари илмий йўналишлар эркин фаолият [illegible]юритиши учун етарли шароит вужудга келди. Ана шунинг учун [illegible]бу илмий йўналиш вакиллари ўртасида баҳс-мунозаралар кучайди. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев, Ш.Сафаров, Б.Ўринбоев, И.Мирзаев [illegible]сингари таниқли ўзбек тилшунослари бу баҳс-мунозараларнинг [illegible] иштирокчисига айланиб қолдилар. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчилар диққат-эътиборини кўпроқ тилшуносликнинг назарий масалаларига жалб этишга сабабчи бўлди.

Истиқлолгача тилшуносликнинг назарий масалалари асосан рус тилшунослари томонидан ўрганилар эди, иттифоқдош мамлакатларидаги тилшунослар эса уларга эргашиш, уларнинг илмий қарашларини конкрет миллий тилларга татбиқ этиш билан шуғулланиб келганлар. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал этишга дадил киришдилар. Жумладан, тилнинг системалик характери, структураси, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап қурилмалари, матн каби тилнинг асосий қурилиш бирликлари билан боғлиқ мунозарали масалаларни ҳал этиш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилди. Бу ўринда академик А.Ҳожиевнинг ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига доир йигирмага яқин илмий мақолаларини, шу асосда вужудга келган йирик монографик тадқиқотини эслашнинг ўзи кифоя[54].

Истиқлол даврида мамлакатимизда структур тилшунослик анъаналари кириб кела бошлади. Бу эса ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ этишга катта имкониятлар яратиб берди. Машҳур тилшунос олим Ф.де Соссюр томонидан яратилган тил-нутқ дихотомияси (зидланиши) назарияси асосида ўзбек тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларининг нутқий жараёнда бевосита оддийлашуви ўртасидаги муносабатни ўрганишга жиддий эътибор бериладиган бўлди.

[54] Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.

Маълумки, ҳеч бир тилни "тил эгаси" бўлган шах ажратган ҳолда тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Негаки ҳар бир ну мулоқот жараёнида сўзловчи шахснинг интилиши, воқел муносабати, тил бирликларидан фойдаланиш малакаси сез туради. Ана шу муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳ тилшуносликда антрополингвистика йўналиши вужудга ке Шунга кўра антрополингвистиканинг шаклланиши жа тилшунослари томонидан тилшуносликнинг янги даври баҳоланмоқда. Антрополингвистика тилнинг ички тузилиш сўзловчи ва тингловчи шахс билан боғлаб ўрганувчи лингвист семантика, прагмалингвистика, когнитив лингвисти нейролингвистика каби бир қатор йўналишларни ўз ичига қамр олади. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги антрополингвистика соҳасида ҳам қатор илмий изланишлар ол борилганлиги эътиборга молик. Бу ўринда акад.А.Ҳожие проф.М.Миртожиев, проф.Н.Маҳмудов каби олимларни лингвистик семантика, М.Ҳакимов, Ш.Сафаровларни прагмалингвистика ва когнитив лингвистика соҳалари бўйича оли борган қизиқарли тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лози Айниқса, проф.Ш.Сафаровнинг "Когнитив тилшунослик" (2006 "Прагмалингвистика" (2008), проф.М.Миртожиевнинг "Ўзбек тил семасиологияси" (2010) номли йирик монографик тадқиқотлар ўзбек тилшунослигининг мустақиллик йилларидаги катта ютуғ бўлди.

Шу билан бирга мустақиллик йилларида ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Ҳ.Жамолхоновнинг "Ўзбек тилининг назарий фонетикаси" (2009), А.Абдуазизовнинг "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси" (2010) каби салмоқли асарлари, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ҳ.Шамсутдинов, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искандарова, А.Собировларнинг лексикологияга, А.Ҳожиев, Ш.Шаҳобиддинова, Ж.Элтазаровларнинг морфологияга, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Д.Лутфуллаеваларнинг ўзбек тили синтаксисига бағишланганлар асарлари ўзбек тилшунослигини мустақиллик йилларида янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигининг эришган катта ютуқларидан бири проф.Ш.Раҳматуллаевнинг уч китобдан иборат "Ўзбек тили



...мологик луғати" (2000, 2003, 2009)нинг яратилиши бўлди. Шу ...н бирга беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (2006-...)нинг майдонга келиши бугунги ўзбек тили лексикасининг ...и саналади[55]. Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ...онга юз тутиши, ёшларимизда хорижий тилларни ўрганишга ...иёжнинг кучайиши жуда кўплаб икки ва уч тилли таржима луғатларининг яратилишига сабабчи бўлди.

Тилшунослик ютуқларини ва тилимиз имкониятларини содда ... ширали тил билан оммага таништиришга қаратилган ...ни публицистика йўналишининг шаклланиши ва тараққиёти ...ам мустақиллик даврининг катта ютуғидир. Бу йўналишнинг ...ножида акад.А.Рустамовнинг "Сўз хусусида сўз" (1987, 2010), проф.Н.Маҳмудовнинг "Ўзимиз ва сўзимиз" (1997), "Маърифат ...ишлари" (1999), "Тил" (2001), П.Қодировнинг "Тил ва эл" (2005, 2010) каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Тил фақат кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибгина қолмай, уларнинг олам ҳақидаги билимларини келажак авлодга етказувчи муҳим қурол саналади. Мустақиллик йилларида тил воситаларидан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш, нутқ маданияти муаммоларига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди. Шулар орасида проф.Н.Маҳмудовнинг "Ўқитувчи нутқи маданияти" номли асари алоҳида ўрин тутади. Бу асарда муаллиф нутқ маданиятига лисоний фаолиятнинг таркибий қисми сифатида ёндошиб, ёшларда тил завқи, назокатли сўз сезгиси, сўздан ҳузурланиш ҳиссини шакллантиришга интилади[56].

Маълумки, лингвистика ва поэтика узвий алоқада, бир томирдан ўсиб чиққан икки шохчадек бадиий матн таҳлили билан шуғулланади. Мустақиллик йилларида бадиий матнниng лингвопоэтик таҳлили соҳасида проф.И.Мирзаев, М.Йўлдошев, М.Ёқуббекова, Г.Муҳаммаджонова, Д.Неъматова, Л.Жалолова, А.Ҳасанов сингари бир қатор тадқиқотчилар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса М.Йўлдошевнинг "Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари" (2007), "Бадиий матн

---

[55] Бу луғатлар ҳақида қаранг: Маҳмудов Н. Алифбо тартибидаги олам // Тил ва адабиёт таълими. 2008. № 2. – Б. 79-85; Султонмурод Олим. Хазина // "Маърифат" газетаси, 2008 йил 15 октябр; Маҳмудов Н. ...тилимизнинг тилло сандиғи // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2008 йил 17 октябр. Мадвалиев А. Ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи // Ўзбек тилшунослиги XXI асрда (республика илмий назарий ...нжуман материаллари). – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. – Б. 75-78 ва бошқалар.

[56] Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 7-183.

лингвопоэтикаси" (2008), "Бадиий матннинг лисоний таҳли (2009), С.Боймирзаеванинг "Бадиий матн ва қўшма гап" (200 "Матн мазмунида темпораллик семантикаси" (2009), "М модаллиги" (2010) каби монографик тадқиқотлари илмий-назар жиҳатдан чуқурлиги, мантиқий изчиллиги, назарий фикрларни амалиёт билан уйғун эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

XX асрнинг 70 йили давомида рус тилини "ягона умумха тили"га айлантириш сиёсати бошқа халқларнинг тилла жумладан, ўзбек тилини эркин ривожлантириш, бу тилнинг илми расмий-идоравий услубларининг ривожига салбий таъсир эт Чунки собиқ иттифоқда фундаментал тадқиқотлар асосан р тилида олиб борилар, барча бошқарув ва хўжалик идораларини хужжатлари рус тилида юритилар эди. Натижада XX асрнинг 5 80-йилларида ўзбек тилининг илмий ва расмий услуби бироз ноч аҳволга тушиб қолди.

Мамлакатимизда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қаб қилиниши (1989) ва истиқлолдан сўнг унинг янги таҳрири корхо ва муассасаларда давлат тилида иш юритишни Қонун бил мустаҳкамлаб қўйди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат ти ҳақида"ги Қонунининг 19-моддасида "Муассасалар, ташкилотл ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамғалари, иш қоғозларини матнлари давлат тилида бўлади", - деб белгилаб қўйилган.

Лекин узоқ йиллар хужжат ишлари асосан рус тили юритилгани сабабли кўпчилик ўзбекча хужжат юритишни унутг эди. Ана шундай пайтда ўзбек тилида иш юритишнинг илми асосларини ишлаб чиқишга кучли зарурат пайдо бўлд Мустақиллик берган ана шу имконият туфайлигина ўзбе тилшунослиги тарихида биринчи марта М.Аминов, А.Мадвалие Н.Маҳкамов ва Н.Маҳмудовлар томонидан "Иш юритиш" аса яратилган эди. Шу кунгача уч марта қайта нашр қилинган бу аса ҳозирги вақтда ҳар бир корхона ва муассасанинг хужжатл юритиш бўйича дастуриламалига айланди; ўзбек тили расмий и юритиш услубининг меъёрлашишига асос бўлиб хизмат қилди[57].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахбор технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбати компьютер лингвистикаси соҳасининг шаклланишига мустаҳк

[57] Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошк "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2000. – 448 б.



...мини ҳозирлади. Кейинги йилларида компьютер лингвистикасига ...ишланган А.Пўлатов ва С.Муҳамедова, Б.Йўлдошев, Д.Ўринбоева, А.Раҳимов каби олимларнинг асарлари нашр ...илинди[58]. Бу эса ўзбек тилшунослигини янги йўналиш билан ...йитишга хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос тилшунос кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу даврда хорижий тилларда бемалол мулоқот қила оладиган, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида эришилган фан ютуқларидан шу мамлакат тили орқали эркин фойдалана оладиган, ўзбек фанини дунёга танита оладиган ёш, келажаги ғоят порлоқ илмий тадқиқотчилар етишиб чиқди. Масалан, филология фанлари доктори Ж.Элтазаров Германия, Франция, Япония, Корея, Туркия сингари мамлакатларнинг университетларида профессор лавозимида ишлаб, олтойшунослик муаммоларидан маърузалар ўқимоқда, шу асосда мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги эришган ютуқларни дунёга танитмоқда. Ёки эндигина 26-27 ёшга қадам қўйган филология фанлари номзоди Азамат Раҳимов инглиз, немис, француз, рус тилларини ва компьютер техникасини пухта ўзлаштиргани, шу тилларда бемалол мулоқот қилиш ва ёза олиш кўникмасига эга бўлгани учун ўз номзодлик ишида тарихий тараққиёт давомида ҳар бир тилда муайян типологик ўзгаришлар юз беришини, хусусан инглиз тилида агглютинатив элементларнинг, туркий тилларда эса фузия элементларининг кучайиб боришини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди[59]. Ҳозирги вақтда бу олим катта илмий ходим сифатида докторлик диссертацияси устида самарали изланишлар олиб бормоқда ҳамда тилшуносликнинг синергетик муаммоларини тадқиқ этиш билан изчил шуғулланмоқда[60].

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга жиддий эътибор

[58] Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси. Методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ нашри, 2007. – 74 б.; Пўлатов А., Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси. Тошкент: ЎзМУ нашри, 2009. – 98 б.; Йўлдошев Б. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2009. – 118 б.; Ўринбоева Д. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 77 б.; Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. Тошкент: "Академнашр", 2011. – 160 б. ва бошқалар.

[59] Раҳимов А.У. Фузия лисоний тизимнинг квантитатив ва синергетик ёндошув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида). НДА. – Тошкент, 2009. – 25 б.

[60] Раҳимов А. Тилшуносликда синергетик методология // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (республика илмий ва амалий анжумани материаллари). – Андижон, АДУ нашри, 2010. – Б. 132-133.

қаратилди. Юртбошимиз И.А.Каримов мустабид тузумидан қо дарслик ва қўлланмаларнинг таълим тизими олдига қўйилаё талабларга жавоб бермаслигини таъкидалаган ҳо республикамиз олимлари олдига замонавий талабларга жавоб б оладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишни энг му вазифа қилиб қўйган эди[61]. Ана шундан келиб чи мамлакатимизда "Она тили"дан таълимнинг барча бўғинлари у бир неча вариантда дарсликлар яратилди. Бундай дарслик танловида Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуру томонидан 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун ёзилган "Она ти дарсликлари, М.Қодиров раҳбарлигида ёзилган 8-синф учун "О тили" дарслиги, А.Нурмонов раҳбарлигида академик лицей учун ёзилган уч жилдлик "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарсли А.Рафиев етакчилигида касб-ҳунар коллежлари учун ёзил "Ўзбек тили ва адабиёти" дарслиги ғолиб деб топилди ҳамда кунгача бир неча марта нашр этилди. Шу билан бир мамлакатимизда турли хил ўқув луғатларининг ўндан ортиқ ту нашр этилиб, улар ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда[62]. Макт ўқувчилари учун "Она тили" деб номланган қомусий луғатни нашр этилиши ҳам ўзбек лингводидактикасида муҳим воқ бўлди[63]. Олий таълимнинг филология факультетлари учун э Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиевлар, шунингдек Р.Сайфуллае етакчилигида муаллифлар жамоаси томонидан бир неча вариант "Ҳозирги адабий ўзбек тили" (2006), "Ҳозирги ўзбек тили" (2007 "Замонавий ўзбек тили" (морфология, 2008) каби дарслик яратилди.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги сўнгги йигирма йи ичида ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини шу тилнинг ў ички хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илмий жиҳатдан чуқу ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Шўрола даврида анча оқсоқланиб қолган расмий ва илмий услубларн меъёрлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Эндиги вазифа ўзбе тилининг маҳаллий шевалари лингвоареал атласини яратиш, оли

[61] Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи // Баркамол авлод орзуси. Тошкент. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. – Б. 14.
[62] Бундай луғатлар ҳақида қаранг: Сайфуллаева Р., Энazaров Т. Ўқув луғатлари яратиш – долзарб вазифа Тил ва адабиёт таълими. 2007. № 4. – Б. 4-6.
[63] Она тили (мактаб ўқувчилари учун). Қомус. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2010. – 268 б.



ўқув юртларининг филология факультетлари учун ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини эътиборга олган, илмий-услубий жиҳатдан дарслик талабларига тўла жавоб берувчи, истиқлол руҳини ўзида акс эттирувчи, ҳамма учун мақбул бўлган "Ҳозирги ўзбек тили" дарслигини яратиш, фонопоэтика, морфопоэтика, синтаксемпоэтика сингари масалалар билан жиддий шуғулланишдир[64]. Ўйлаймизки, ўзбек тилшунослари бундай вазифаларни ҳам оғишмай амалга оширадилар ҳамда мамлакатимизда истиқлол туфайли юритилаётган эркин тил сиёсатининг чинакам тарғиботчиларига айланадилар.

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ТАНИҚЛИ ВАКИЛЛАРИ

### ЕВГЕНИЙ ДМИТРИЕВИЧ ПОЛИВАНОВ

Маълумки, ажойиб истеъдод эгаси, полиглот тилшунос олим Евгений Дмитриевич Поливановнинг илмий-назарий қарашлари И. А. Бодуен де Куртене таъсири остида шаклланган ҳамда унинг илмий-лингвистик фаолияти ҳозирги кунда ҳам жаҳон тилшунослиги тарихида, жумладан, ўзбек тилшунослиги тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Е. Д. Поливанов 1891 йилда Смоленск шаҳрида туғилган эди. Унинг отаси дастлаб Петербург халқ кутубхонасида (ҳозирги М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида), император гвардиясида, сўнгра темир йўл бошқармасида ишлаган, онаси эса ёзувчи, журналист, таржимон сифатида жуда яхши танилган истеъдодли ижодкор киши эди.

1908 йилда Е. Д. Поливанов Рига гимназиясини тамомлайди ҳамда Петербург университетининг тарих-филология факультетидаги славян-рус бўлимига ва бир йилдан сўнг ҳарбийлар, дипломатлар учун мўлжалланган Шарқ амалий академиясининг япон тили бўлимига кириб ўқийди. У университетда И. А. Бодуэн де Куртенэ, Л. В. Шчербаларнин

[64] Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (республика илмий ва амалий анжумани материаллари) Андижон, АДУ нашри, 2011. – Б. 5-12; Нурмонов А., Мадвалиев А., Махкамов Н. Мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. № 3. – Б. 3-11.

таълим олди, Н. Я. Маррнинг грузин тили бўйича ўк маърузаларини тинглайди.

1912 йилда Е.Д.Поливанов университетни тугатиб, И Бодуэн де Куртенэ раҳбарлик қилган қиёсий тилшунс кафедрасида ўқитувчи сифатида ишга қолади ва магистрлик иш ёзишга тайёргарлик кўра бошлайди. Айни замонда Е.Д.Полив шарқ тиллари факультетининг тибет тили кафедрасига ҳам қабул қилинади. 1914 йилда магистрлик имтиҳонларини топшир ва май ойида рус-япон жамияти маблағи ҳисобидан Япон дастлабки илмий сафарини амалга оширади. 1915 йил ёзга ке унга Японияга бориш иккинчи марта насиб этади. Е.Д.Полива Японияда «Япон диалектлари бўйича "психофонетик кузатишл деган мавзуда диссертация тайёрлайди. Москвага қайтгач, 1 йилда шарқ факультетининг япон тили бўйича приват-доце бўлиб ишлай бошлайди. Ўша даврда олимнинг Япониядаги илм журналларда бир қанча мақолалари эълон қилинади. тилшунослар орасида биринчи марта япон тилида музикал у борлигини аниклади, шунга кўра Е.Д.Поливанов я диалектологиясининг асосчиларидан бири саналади[65].

Е. Д. Поливанов жаҳон империалистик урушига қарши э Ана шу урушга қарши пьеса ёзганлиги учун ҳибсга ҳам олинади. даврларда у шеър ёзиш, айрим асарларни таржима қил билан ҳам шуғулланди.

Е. Д. Поливанов ўша давр тақозосига кўра 1917 йилда ама оширилган февраль ва октябрь тўнтаришларида ҳам фаол иштир қилган эди. Шунга биноан уни шарқ тилларини билгани учун 19 йилнинг октябрь—декабрь ойларида Ташқи Ишлар Х Комиссарлигида шарқ бўлими бўйича халқ комиссари муови бўлим бошлиғи бўлиб ишлашга даъват этишади. 1918 йилга ке Е.Д.Поливанов Петрограддаги хитойлар орасида сиёсий-тарғиб ишлари олиб боришда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин у Петроградда Жон Шарқ тиллари институтини ташкил этади ва шу институтнинг яп тили факультетига ўзи раҳбарлик қилади. 1919 йили Петрог университетининг илмий кенгаши томонидан унга профессорл унвони берилади. 1921 йилда Е.Д.Поливанов Москвада Коминте

[65] Леонтьев А.А. Евгений Дмитриевич Поливанов и его вклад в общее языкознание. –М.: Наука, 1984. - 39-42.



...ратида ва Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида ...лай бошлади. Шу йили у Туркистонга юборилади. Кейинчалик Тошкентда туриб қолиб, Ўрта Осиё университетида, Шарқ ...ститутида ва Ўзбекистон Давлат маданий қурилиш институтида ...лади. 1923 йилда у Туркистон Маориф Комиссарлиги қошидаги ...нография комиссиясининг раиси қилиб тайинланади. Е. Д. Поливанов 1925 йилда Ўрта Осиёда рус бўлмаган миллатлар учун "Рус алифбеси"ни яратди[66].

У ўша даврда жуда катта илмий мавқега эга бўлган акад. Н. Я. Маррнинг «Тил ҳақидаги янги таълимот»ига қўшилмас эди. Ана шу "янги таълимот"га оид 1928-1929 йилларда ўтказилган илмий мунозарада Е.Д.Поливанов очиқ равишда Н.Я.Маррга, унинг илмий асоси пуч бўлган "янги таълимот"ига қарши чиқди. Шунинг учун уни маррчилар «субъектив-идеалист»ликда ноҳақ айблайдилар. Шундан кейин у пойтахт Москвадан бадарға қилиниб, Тошкент, Самарқанд, Бишкек, Олмаотадаги олий ўқув юртларида тилшунослик, этнография муаммоларига доир маърузалар ўқишга, таржима билан шуғулланишга мажбур бўлади.

Аслини олганда, Е. Д. Поливанов ўз даврининг кўп қиррали тилшунос олимларидан бири эди. У тилшуносликнинг умумий масалаларини, конкрет тилларнинг фонетик, грамматик хусусиятларини ёритиш билан бирга, миллий тилларнинг амалий ишлари, имло ва алифбо масалалари билан ҳам яқиндан шуғулланди. Е. Д. Поливанов кўп тилни билувчи (полиглот) олим эди. Ўзининг эътироф қилишича, у 16 та тилни билган, аммо бошқаларнинг ҳисоблашича, у ўттиздан ортиқ тил ва айрим тилларнинг қатор диалектларини ҳам яхши билган. Унинг кўп тилларни билиши тилшунослик соҳасида кенг доирада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришига катта имкон берган эди. Шунинг учун у талантли японист, синолог (хитойшунос) ва турколог бўлиш билан бирга, асарларида рус ҳамда славян тилларига, корейс, дунган, грузин, албан, мордва, тожик ва араб тилларига оид муҳим масалаларни ҳам ёрита олди[67].

Умумназарий тилшунослик масалалари унинг «Тилшуносликка кириш ва умумий фонетикадан лекция конспекти» (1916, 1923), «Шарқшунослик олий ўқув юртлари учун

[66] Ларцев В.Г. Е.Д.Поливанов в Узбекистане.– Ташкент: Фан, 1989. – С. 4-51
[67] Иванов Вяч.Вс. Лингвистические взгляды Е.Д.Поливанова // Вопросы языкознания. 1957. № 3. – С. 55-76.

тилшуносликка кириш» (1928) номли китобларида, «Замонані адабий (стандарт) тиллари ҳақида» (1927), «Бизнинг лингвист қарашларимиз тарихидаги сўнгги ўн йиллик (1917-1927) нинг ўзі хос хусусиятлари» (1928), «Ҳозирги лингвистиканинг замона муаммолари доираси» (1929) каби бир қатор илмий мақолалари ўз аксини топган.

Е.Д.Поливанов ўз илмий фаолиятининг дастлабки даврлари устозлари И.А.Бодуэн де Куртене, Л.В.Шчерба каби т ҳодисаларини психологик нуқтаи назардан изоҳлашга интилг эди. Кейинчалик у И.А.Бодуен де Куртене лингвист қарашларидаги ижтимоий тилшуносликни барпо қилишга до бўлган томонларига кўпроқ аҳамият берди. Тилни ижтимо ҳодиса деб баҳолашда у И.А.Бодуен де Куртенени Ф. де Соссюрд анча устун кўяр эди.

Шунга кўра, Е. Д. Поливановни Ҳинд-Европа тилшунослиги ижтимоий тилшунослик элементларини олиб кирган дастлаб олимларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унинг тилшунослик доир асарларида психологизм билан ижтимоий ҳолатлар ўза кўшилиб кетган ҳолатларни учратиш мумкин. Масалан, фонет ҳодисанинг «ижтимоий қиймати» ҳақида фикр юритар экан, Е. Поливанов энг сўнгги асарларида ҳам "психологик", "руҳ ҳодиса" атамаларидан фойдаланди ва фонемани "товуш тасаввур.. деб, фонологияни эса «психофонетика» деб номлаган эди. Аммо 1917 йил октябр тўнтаришидан сўнг ўзининг индивидуализмг асосланган бундай психофонетик қарашларидан воз кечади тилнинг ижтимоий моҳиятини, тил жамоанинг алоқа восита эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Е.Д.Поливанов Н. Я. Маррнинг тилга доир илмий асоси п бўлган «яфетик назарияси»ни тамомила инкор қилди. Дарҳақиқа Н.Я.Марр ва унинг издошлари Х1Х аср ҳинд-Евро тилшунослигини идеалистик таълимот деб ҳар қанча танқи қилмасинлар, Е.Д.Поливанов қиёсий-тарихий тилшуносликнин ютуқлари ХХ аср ва шундан кейинги тилшуносликнинг бебаҳ мулки бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблар эди.

Е. Д. Поливанов тилдаги ўзгаришлар аста-секинлик билан эволюцион йўл билан юз беради, деган таълимотга асосланарди Унинг талқинига кўра, ҳар қандай тилнинг фонетик ёк морфологик қурилишида билинмайдиган даражада асрлар, ҳат-



...нинг йиллар» давомида юз бериб борган ўзгаришлар содир бўлади, деб ҳисобларди.

Е.Д.Поливанов таълимотича, жамиятда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик бир ижтимоий гуруҳ қўлидан бошқа ижтимоий гуруҳ қўлига ўтганида, тил кўпинча янги ҳукмрон синфга қоладиган бошқа маданий меросларга нисбатан анча консерватив кўринишга эга бўлади, деган фикри ўз даврида тилшунос олимлар томонидан маъқулланган эди.

Н.Я.Марр томонидан асосланган "яфетик назария" тарафдорлари билан мунозара қилиб, Е. Д. Поливанов тилдаги ижтимоий ўзгаришлар оз ё кўп даражада бевосита фақат лексика ва фразеологиядагина акс этади, чунки улар тилнинг энг сезгир соҳаларидир; конкрет олинган фонетик ва грамматик ҳодисалар эса ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсиридан холи бўлади, деган илмий тезис билан чиқди. У жамият тарихи билан тил тарихининг ўзаро алоқасини маррчилар сингари мавҳумий асосда тушунишга тамомила қарши бўлди ва бу масалани ҳал қилиш учун ўз сафдошларидан тил тарихидаги реал фактларни ўрганишни ҳамда уларни илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришни талаб қилди. Ана шунга кўра Е.Д.Поливанов кўпинча ўз лингвистик изланишларини этнографик, ареал тадқиқотлар билан қўшиб олиб борган, бу соҳада ажойиб мерос қолдирган эди.

Маълумки, И.А.Бодуен де Куртене ўз вақтида тил горизонтал йўналишда ҳудудий диалектларга, вертикал йўналишда эса ижтимоий диалектларга бўлинишини кўрсатган эди. Е.Д.Поливанов жамиятдаги ижтимоий диалектлар (касб-ҳунарга оид сўзлар, вульгаризмлар, варваризмлар кабилар)ни тадқиқ этишда ва уларни ҳудудий диалектлардан фарқлашда устози И. А. Бодуен де Куртененинг ана шу таълимотига эргашди.

Е. Д. Поливановнинг фикрича, умумхалқ тили (койне) ва адабий тил кўпинча ҳукмрон синф томонидан фойдаланилади, шунобарин, адабий тили (ёки койне) синфий характерга эга бўлиб, фанда у ижтимоий диалектларнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ қилиниши лозим. Худди ана шу фикри билан Е. Д. Поливанов ўзининг тил ижтимоий ҳодисадир, деган асосий лингвистик таълимотига зид қарашларни билдирганини сезмай қолади. Тўғри, олим ана шундай бироз янглиш фикрларини ўз илмий-педагогик фаолияти давомида маълум даражада тузатгандек ҳам бўлади.

Чунки, унингча, шаҳар шеваларида ижтимоий диалект тушунча худудий диалект тушунчаси билан, кўпинча, бирлашиб кета

Бундан кўринадики, Е. Д. Поливанов ўз таълимоти ижтимоий диалект тушунчаси доирасини жуда кенгайтир юборади, натижада горизонтал йўналишда тарқалган ҳудуд диалектлар билан вертикал йўналишда тарқалган ижтимо диалектлар орасидаги айирма ўз-ўзидан йўқолади.

Е. Д. Поливанов бирор жамоанинг шева хусусиятларин ёритишда математик статистика методидан фойдаланишни такли қилди. Маълумки, ҳозир бу метод борган сари ўзини оқлаяпти мамлакатимизда лингвостатистика йўналиши тараққий этиб, би қанча частотали, алфавитли-частотали, чаппа (терс) луғатла яратилмоқда[68].

Е. Д. Поливанов ўзининг илмий ишларида тил бирликларин тасвирий, оддий кузатиш методи билан ўрганишни қиёсий-тарихи таҳлил методи билан бирга қўшиб олиб борди, илмий-тадқиқотд бундай йўл тутиш эса унинг тилшунослик соҳасида жуда қимматл натижаларга эришувини таъминлади.

Масалан, фонетика соҳасида Е. Д. Поливановнинг хизматлар айниқса яққол кўзга ташланади. У Л. В. Шчербанинг фикрларин ривожлантириб, фонеманинг факультатив (тенгдош ёки ўринбосар вариантлари ва комбинатор (маълум ўринда келиши туфайли ҳоси бўладиган) вариантлари орасидаги ўзаро муносабатларни аниқлади бир «фонеманинг икки фонемага парчаланиши (дивергенция) в икки фонеманинг ўзаро бир-бирига ўхшаб қолиши ёки битт фонема бўлиб кетиши (конвергенция) назарияларини ишла чиқди[69].

Тилнинг грамматика сатҳига келганда, Е.Д.Поливановнин морфема ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Унингча, морфем икки турга - лексик (ўзак) морфема ва формал (грамматик морфемага бўлинади.

Тилнинг грамматик қурилишидаги шакл (форма) ясаш масаласига тўхталар экан, Е.Д.Поливанов тилда сўз ясаш ва сў

---

[68] Бу ҳақда қаранг: Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 11-204; Йўлдошев Б. Матнии ўрганишнинг лингвостатистик методлари. 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – Б. 10-30.

[69] Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б 18-21; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 27-72.



унсурлари орасида турувчи "ички тартибдаги форма ясаш" ҳодисаси борлигини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилди.

Ўзбек тилшунослигида кейинги ярим аср мобайнида С.Усмонов, А.Ғуломов, А.Ҳожиев, А.Абдуазизов, А.Нурмонов, I.Мирзақулов каби олимларнинг олиб борган тадқиқотлари унинг бу фикри ҳар жиҳатдан тўғри эканлигини тасдиқлади[70].

Е.Д.Поливанов ҳар бир тилдаги айрим олинган сўз муаммосига келганда, бундай сўзларнинг нутқда бошқа тил бирликларидан фарқланиши учун потенциал имкониятлар бўлиши лозимлигига катта эътибор берди.

Е. Д. Поливанов ўз илмий-лингвистик қарашларида турли тиллардаги тилларда (айниқса, хитой тилида) сўзлар орасида грамматикализациялашиш ҳодисаси мавжудлиги ҳақида қимматли хулосаларга келди[71]. Ана шу хулосалар асосида кейинчалик ўзбек тилида ҳам грамматикализация ҳодисаси махсус ўрганилди[72]. Шунингдек, у фразеология тилшуносликнинг лексикологияга ҳам, синтаксисга ҳам кирмайдиган, аммо ҳар иккаласи билан алоқадор бўлган алоҳида бўлим ҳисобланиши лозим, деб билди. Е.Д.Поливанов янги шаклланадиган соҳани фразеология ёки идиоматика деб номлаган эди[73]. Кейинги ярим аср мобайнида ўзбек фразеологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар олимнинг бу фикри ҳам алоҳида эътиборга молик эканлигидан далолат беради[74].

Е. Д. Поливанов тилшуносликнинг XX аср бошларида давр талабига жавоб берадиган амалий ишлари билан ҳам шуғулланди. Бу жиҳатдан унинг бир қатор тилларнинг тасвирий грамматикаларини, имло ва изоҳли луғатларини яратиш, лотин ёзувига асосланган алифболарини яратиш соҳасидаги ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Е.Д.Поливанов ўз илмий-

---

[70] Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 6-35; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 21-44; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 94-126; Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 23-67.

[71] Поливанов Е.Д. Процесс грамматикализации // Наука и просвещение. 1922. № 1. – С. 14-16.

[72] Элтазаров Ж. Грамматикализация ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 5-6. – Б. 61-67; Каримова Г.М. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси. НДА. – Тошкент, 2007. – Б. 7-18; Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2010. – 104 б.

[73] Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедческих вузов. – Л.: 1928. – С. 60-61.

[74] Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: "Сўғдиёна" нашриёти, 1998. – Б. 4-10; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – Б. 9-81.

педагогик фаолияти давомида Бухоро яхудийлари, дунган, м туркман, қозоқ, тожик тилларининг амалий-но грамматикаларини ишлаб чиқди. Шулардан олим том яратилган мордва, туркман, қозоқ ва тожик тили грамматик ҳозирча топилган ва нашр этилган эмас. У собиқ Иттиф яшовчи бир қанча халқларнинг ёзувларини ислоҳ қили уларнинг янги, лотин ёки кирилл ёзувларига асосла алифболарини яратишда, ёш тилшунос кадрларни тайёрлашда ( иштирок қилди. Масалан, у лотин алифбоси асосидаги ёқут, ў қозоқ, озарбайжон ёзувларини ислоҳ қилиш соҳасида қизғин иш олиб борди. Шуниси муҳимки, Е.Д.Поливанов янги ислоҳ қили алифболар яратишда асосан фонологик тамойилга асосланган ҳ харфлар белгилашга, имло қоидаларини ишлаб чиқишга инти Бундай муҳим иш билан шуғулланар экан, Е. Д. Поливанов назарияси ва тарихи (палеография)ни синчиклаб ўрганди, асосда Урхун-Энасой обидаларида қўлланган айрим харф белгиларнинг идеографик ёзув намуналаридан келиб чиққанл ҳақида оригинал гипотезани олға сурди.

Е.Д.Поливанов ажойиб тилшунос-шеършунос олим сифат қадимги немис, фин, эстон, мўғул, ёқут, хитой, ўзбек тилларига шеър тузилиши қонуниятларини таҳлил қилиш билан ҳам изч шуғулланди. Жумладан, олим ўзбекча шеърларнинг ўзига х белгиларидан бири қадимги икки қутбли урғу бил боғланганлигида эканлигини ишончли далиллар асосида кўрса олди.

Е. Д. Поливанов ёш грамматикачилар сингари тилда к берадиган ҳодисаларнинг сабабини аниқлаш учун бирин навбатда тил тарихи материалларини замонавий тил хусусиятлар билан синчиклаб қиёсий-тарихий йўналишда ўрганиш лозим, де билди. У қиёсий-тарихий тилшуносликни синхрон (замонави тилшунослик билан узвий боғлиқ деб ҳисоблагани учун ўз даври қиёсий-тарихий тилшунослик самараларини маррчиларни асоссиз ҳужумидан қатъиятлик билан муҳофаза қилган в Н.Я.Маррнинг илмий-назарий жиҳатдан чуқур асосга эга бўлмага этимологияларини мутлақо бемаъниликдан бошқа нарса эма деб ҳисоблаган эди[75].

[75] Алпатов В.М. История одного мифа. Марр и марризм. – М.: Наука, 1991. – С. 6-220.



Д. Поливановнинг фикрича, замонавий XX аср ...унослигида қиёсий-тарихий тилшунослик (компаративистика) ...ларидан ўринли фойдаланиш керак, аммо ўтмишда яратилган ...аративистиканинг теран илдизлари ҳозирги социолингвистик ...и назардан қайта кўриб чиқилиши, айрим лисоний ...иятлар, ҳодисалар ўзининг янги, замонавий талкинига эга ... лозим.

Шуниси эътиборлики, Е.Д.Поливанов ўтмишда ишлаб ... қиёсий-тарихий методни япон тили материалларига ...иқ қилиб, япон тилининг, бир томондан, малай-полинезия ...ларига, иккинчи томондан, корейс тилига қариндошлик алоқаси ...и ҳақидаги ажойиб фикрни илгари сурди. Кейинчалик у ...ейс тилининг Олтой тиллари оиласи (туркий тиллар, мўғул ...лари, тунгус-манчжур тиллари) билан генетик алоқаси ...ини илмий-назарий жиҳатдан асослади[76]. Бу тиллардаги бир ...ча сўзларнинг япон тилида ҳам мавжудлигини аниқлагандан ... у япон тилининг Олтой тилларига алоқаси бор, деган фикрни ...и билан тилшуносликка доир ўз дарслик ва қўлланмаларида ...ожлантирди. Шунинг учун Е.Д.Поливанов япон тилини малай-полинезия ва Олтой тилларининг ўзаро бир-бирларига таъсири ...ижасида шаклланган, деб тасаввур қилди.

Е. Д. Поливанов тиллар орасидаги қариндошликни ...гилашда бу тилларнинг фонетик ва морфологик ...урилишлардаги ўхшашликка асосланар эди. Шунинг учун унинг ...арларида ички реконструкция методи кенг қўлланган. Бу назария ...шини олганда, И.А.Бодуен де Куртене ва Л.В.Щербанинг ...ларнинг чатишган, аралашган характерга эга эканлиги ҳақидаги фикрларига асосланади. Жумладан, олимнинг фикрича, ўзбек ва тожик тиллари орасидаги ўзаро таъсир, (ўзбек тилида ...нгармонизмнинг йўқолиши, айрим фонеманинг пайдо бўлиши ...билар) ҳам бу фикрни бевосита исботлашга хизмат қиладиган ...лиллардир.

Е.Д.Поливанов бошқа тиллардан сўз олганда бу сўз янги ...унчанинг пайдо бўлиши билан боғланмаса, унинг маъно ...раси торайди, деган тилшунослик фани учун жуда муҳим ...лик бўлган қонунни яратди.

[76] ...каков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1969. – С. 77-79.

Е.Д.Поливанов агглютинатив тилларни тузилиш жиҳ
бошқа тилшунослардан фарқли равишда, аналитик типга ки
чунки бу тилларнинг синтетик ёки аналитик бўлишини аниқ
одатдагидек, грамматик маънонинг сўзнинг (сўз формасини
ичида (синтетик) ёки ташқарисида, ёрдамчи сўз билан (ана
ифодаланишидан эмас, балки ҳар бир грамматик маън
алоҳида битта аффикс орқали ифодаланиши (аналитик) ёки
аффикснинг бир неча грамматик маънони ифодала
(синтетик) келиб чиқиб белгилаш тамойилини олға сурди.

Маълумки, И. А. Бодуэн де Куртене ўз вақтида
талаффузи оғир, кийин бўлган товушлар осон айтила
товушлар билан алмаштирилади деган, илмий назарияни и
чиққан эди. Бу олимнинг содиқ шогирди Е.Д.Поливанов
талаффуз чоғида энергияни минимал даражада сарфлашга инт..
бўлади, шунинг учун қандай маънодаги сўз эканлигини аниқ
мумкин бўлса, сўз қисқартириб талаффуз қилинаверади, д
хулосага келади. Унингча, бундай қисқартириш тилда
қўлланадиган сўзларда айниқса кучлидир. Бу эса тилдаги фон
ўзгаришларнинг тежамлилик тамойилига асосланишидан дал
беради, деб ҳисоблади[77].

Шуни инобатга олиш лозимки, сўзларнинг нутқда фон
жиҳатдан қисқартириб қўлланишини артикуляцияда тежа
бўлишга интилиш натижаси дебгина ҳисоблаш ҳамма вақт
ўзини оқламайди. Масалан, туркий тилларда кишиларнинг исмл
(антропонимлар) эркалаш, ҳурматлаш маъноларини ифодал
мақсадида баъзан атайин ҳам қисқартириб айтадилар: ўзбек тил
*Моҳирани Моҳи, Туробни Турош, Дилнозани Дили, Меҳрини*
*Меҳри* деб, қозоқ тилида *Сэрсен экени Сэке* дейиш тилн
тежамлилик қонуниятидан келиб чиқадиган бўлсак, одатд
ҳолатдир.

Лекин туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўзлар
қисқартиришнинг бошқа томони ҳам бор. Бир оилага тааллуқ
бўлган тилларнинг баъзиларида сўзларни қисқартиришга мойилл
кўпроқ бўлса, баъзи тиллар бу жиҳатдан бирмунча консерват
характерга эга бўлади. Бундай ҳолат бир тилнинг ич

[77] Нурманов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Автореф. дис… канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – С. 6-12; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Университет, 2010. – С. 77-89.



...ҳам учраши мумкин. Масалан, *бўлар* сўзи туркман ... *бур* тарзида, *сенинг* формаси шор тилида *сенг* тарзида, ... сўз шакли эса ўзбек тилида *кетти* тарзида талаффуз ... Бироқ туркий тиллардан бири бўлган шор тилида ... айтиладиган *сенг* ёки қозоқ тилида қисқариб ... *олар (алып бар)* сўз шакллари ўзбек адабий тилида ... *сенинг, олиб бор* (жонли сўзлашув тилда *обор*) ... тўла ҳолда талаффуз қилинади. Шунингдек, ўзбек ... баъзи шеваларида қисқартириб айтиладиган *онг* сўз ... Тошкент шевасида *олинг* тарзида тўла талаффуз ... ва ҳоказо.

Жонли нутқда товушларнинг тушиб қолиши (редукция) ... артикуляцион-физиологик тежамлилик, кучни иқтисод ... билангина изоҳлаш мумкин эмаслигини Е.Д.Поливановнинг ... ҳам билар эди. Шунинг учун баъзи товушларнинг, масалан, ... тилларда тор унли товушлар (*и, у*)нинг талаффузда тушиб ... мойил эканлигини олимнинг ўзи ҳам ўз асарларида ... таъкидлаб кўрсатган эди. Туркий тилларда кенг тарқалган ... ўзгариш қонунларидан яна бири сифатида Е.Д.Поливанов ... портловчи ундошларнинг сирғалувчи товушга айланишга ... ҳам мойил эканлигини таъкидлайди.

Е. Д. Поливанов ўзининг қиёсий-тарихий таҳлилларида бир ...га мансуб бўлган тилларни қиёслаш билангина чегараланмади. ... ҳолатларни олим ўз тадқиқотларида турли оилага мансуб ... ҳам илмий жиҳатдан қиёслашга интилди. Шу асосда у рус ... грамматикасини ўзбек тили грамматикасига чоғиштириб, «Ўзбек тилига қиёсланган рус тили грамматикаси» (1933) номли ... бир асар ҳам ёзди. Унинг жуда кўп қўлёзмалари ўз вақтида ... қилинмай қолган, уларнинг бир қисми эса турли ...ларга кўра йўқолган.

Е. Д. Поливанов ҳаётдан эрта кўз юмди. У 1938 йил 25 ...да вафот этган эди. Ана шу қисқа умри давомида унинг жаҳон ...шунослигига қўшган ҳиссаси жуда беқиёсдир. Проф.В.Г.Ларцевнинг тўплаган маълумотларига қараганда, Е.Д.Поливанов архиви, қўлёзма асарлари, хатлари Москва, Санкт-Петербург, Бишкек, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарлардаги музей ва архивларда, В.М.Алпатов, Ф.Д.Ашнин, Вяч.Вс.Иванов,

В.Г.Ларцев, А.А.Леонтьев каби таниқли олимларнинг шахсі архивларида сақланади[78].

Бу жиҳатдан проф.Е.Д.Поливановнинг ўзбек тили диалектларини ўрганиш ва тасвирлаш соҳасидаги тадқиқотлари xi кўзга алоҳида ташланади. Масалан, у «Ўзбек тилини ўрганиш кириш» (Тошкент, 1925), «Ўзбек тилининг қисқача грамматикас (Тошкент, 1923), «Тошкент диалектининг товуш состави», «Ўзб тилининг сингармонизмлашмаган (эронлашмаган) шевала намуналари» (Л., 1928), «Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адаби тили» (Тошкент, 1933), «Ўзбек тили грамматикасида материаллар» (Тошкент, 1935) каби асарлари билан ўзбек тилини фонетик ва грамматик хусусиятларини чуқур ёритиб берд Шунга кўра Е. Д. Поливановни амалда ўзбек диалектологияс фанининг дастлабки яратувчиларидан бири деб ҳисоблайдилар

Олимнинг ҳозирча номи маълум бўлган 150 та асарида тахминан ярмигина нашр қилинган, холос. Унинг «Узбекски хрестоматия», «Узбекско-русский словарь», «Фонетически словарь туркестанского говора», «Синтаксис и стилисти современного русского языка», «Таджикская грамматика «Туркменская грамматика» каби бир қатор асарлари ҳозир топилган эмас[80].

Умуман олганда, Е. Д. Поливанов жаҳон тилшунослигига асарлари билан салмоқли ҳисса қўшиш билан бирга илми педагогик кадрларни тайёрлашда, уларнинг сиёсий ва илми жиҳатдан ўсишларига жиддий ёрдам берган устоз олим эди. Унин бой илмий-лингвистик мероси, умуман, жаҳон тилшунослиг равнақида бўлганидек, ҳозирги ўзбек тилшунослиги тараққиётид ҳам муҳ...і аҳамият касб этади. Шунга кўра бутун жаҳон миқёсид бўлганидек, мамлакатимизда ҳам кейинги йиллард проф.Е.Д.Поливановнинг илмий меросини ўрганишга алоҳид эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йил 25-26 июнда Парижд

[78] Ларцев В.Г. Евгений Дмитриевич Поливанов страницы жизни и деятельности. – М.: Наука, 1988. – С. 29 320.

[79] Ишаев А. Проф.Е.Д.Поливановнинг бир фикри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. № 5. – Б. 56-57; Эгамов В. Профессор Е.Д.Поливанов и современные классификации узбекских говоров // Исследования по тюркологии. – Алма-Ата, 1969. – С. 129-137; Благова Г.Ф. Е.Д.Поливанов и тюркская арсальная лингвисти // Сов.тюркология. 1981. № 1. – С. 60-64

[80] Евгений Дмитриевич Поливанов (библиографический указатель). Составители: В.Г.Ларцев, С.И.Зини А.В.Балясников. – Самарканд, СамГУ, 1985. – С. 12-39; Ларцев В.Г. Евгений Дмитриевич Поливан страницы жизни и деятельности. – М.: Наука, 1988. – С. 206-326.



...ений Дмитриевич Поливанов ва унинг тилшуносликка қўшган ...ссаси" мавзуида коллоквиум ўтказилган эди. Бу анжуман ...Д...идро номидаги Париж университети славян тиллари тадқиқот ...маркази томонидан уюштирилган. Яқинда "Жаҳон адабиёти" ...журналида Е.Д.Поливановнинг серқирра илмий-педагогик ...фаолиятига бағишланган "Буюк тилшунос олим" номли мақола ...эълон қилинди[81].

## УЛУҒ ТУРСУНОВ

Улуғ Тошмуҳамедович Турсунов 1905 йил январда Қўқон шаҳрида сартарош оиласида туғилган. Бошланғич таълимни шу ...ердаги меҳрибонлик уйида олиб, кейинчалик Фарғона шаҳридаги ...педагогика билим юртини битирган.

У.Турсуновнинг меҳнат фаолияти 1924 йилда Марғилон ва Қўқон мактаблари ҳамда меҳрибонлик уйларида ўқитувчилик, ...тарбиячилик қилишдан бошланган.

У.Турсунов ўз билим савиясини янада ошириш мақсадида 1927-1930 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги Шарқшунослик институтида йирик шарқшунос ва ...тилшунос олимларнинг таълимини олди. Ўқишни муваффақиятли ...тамомлаб, Ўзбекистонга қайтгандан кейин бир қатор илмий муассасаларда самарали меҳнат қилди. 1936 йилдан умрининг охиригача ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) да ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, профессор лавозимларида фаолият кўрсатди.

У.Турсунов 1941 йил 21 июнда номзодлик диссертациясини ...ҳимоя қилди. 1941-1946 йилларда у фашизм ва япон милитаризмига қарши жангларда иштирок этди.

У.Турсунов ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарган ...йилларида ўқиш-ўқитиш ишларини янада юқори даражага кўтариш ва тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилишда катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

У.Турсуновнинг илмий фаолияти жуда серқирра эди. У 1930 ...йилдан умрининг охиригача юздан ортиқ илмий ишлар эълон

[81] ...ов Н. Буюк тилшунос олим // Жаҳон адабиёти. 2011. № 1. – Б. 187-19...

қилиб, уларда ўзбек тили морфологияси, лексикаси, услуби диалектологияси, терминологияси, адабий тил тарихи масалалар доир кўплаб эътиборга сазовор фикрлар баён қилдики, булар даврида ўзбек тилшунослиги учун янгилик эди.

У.Турсунов олий ўқув юртлари филология факульт талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда ж самарали меҳнат қилди. Унинг бевосита иштироки ҳаммуаллифлигида "Ҳозирги замон ўзбек адабий ти (морфология, 1965), "Рус ва ўзбек тиллари граммат қурилишининг қиёсий таҳлили" (1962), "Алишер Навоий ва ўз адабий тили" (1968), "Ўзбек адабий тили тарихи очерклари" (196 "Ўзбек адабий тили тарихи" (1982) сингари дарслик ва ў қўлланмалари ёзилиб, улар ҳозирга қадар талабалар учун му қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

Ўзбек тилшунослиги бўйича юқори малакали мутахассис тайёрлаш У.Турсунов фаолиятининг энг муҳим томонларидан б бўлган эди. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 34 ёш тадқиқо номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлар. Бундан ташқар кўплаб номзодлик диссертацияларига расмий ҳакамлик қил муаллифларнинг малакали мутахассис бўлиб шаклланиш беғараз хизмат қилди. СамДУ тилшунос олимлари томонид ёзилган илмий мақолалар тўпламларининг 1956-1971 йилларда барча сонлари проф.У.Турсунов таҳрири остида нашр қилинг эди.

У.Турсунов ёшларнинг меҳрибон устози ва мураббий моҳир педагог, иқтидорли жамоатчи, илм-фан фидойиси, ажой ташкилотчи, таникли олим каби фазилатларни ўзида мужасс қилган камтарин инсон эди. 1950 йилдан доцент, 1958 йил профессор. 1960 йилдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ф арбоби бўлган У.Турсунов Ватанимиз, илм-фанимиз, халқим олий таълим ривожи учун самарали меҳнат қилди. Унинг олдидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, проф.У.Турсун орден ва медаллар билан мукофотланган. Кейинги йилларда Сам ўзбек тилшунослиги кафедрасида "Улуғ Турсунов ўқишлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бундай ўқишларни



...ари алоҳида илмий тўплам сифатида нашр этилмоқда[82]. ...йилда "Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби" ...рисола эълон қилинди[83]. Бу рисоладан У.Турсуновнинг 1930 ...ёзилган "Ўзбекчада феълларнинг ясалиши" номли илмий ...[84] ва 1941 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси[85] ...ўрин олган. Устоз, Самарқанд тилшунослик мактабининг ...чиси, профессор У.Турсунов хотираси ҳамиша шогирдлар ...да яшаб келмоқда.

## АЙЮБ ҒУЛОМОВ

Ўзбек илмий тилшунослигининг пойдеворини қўйган ...ўлмас истеъдод соҳиби, забардаст олим, филология фанлари доктори, профессор Айюб Ғуломов эди.

А.Ғуломов 1914 йил май ойида Тошкент шаҳрида косиб ...оиласида туғилган. 1928 йилда ўрта мактабни, 1932 йилда рабфак (ишчилар факультети)ни, 1936 йилда эса кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини муваффақиятли тамомлаб, ўша йилнинг ўзида аспирантурага кириб ҳамда 1940 йилда А.К.Боровков раҳбарлигида "Ўзбек тилида аниқловчилар" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша йилиёқ бу иш алоҳида монография ҳолида эълон қилинади.

А.Ғуломовнинг илмий-педагогик фаолияти 1930 йилдан бошланган. У 1930-1933 йилларда бошланғич ва ўрта мактабларда, 1934 йилда педагогика техникумида дарс берди. 1935 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлади; 1936-1941 йилларда Тошкентдаги Тожик педагогика институтида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади, айни пайтда (1937-1957 йилларда) Низомий номидаги ТошДПИда ҳам дарс берди. У 1942 йилдан умрининг

---

[82] Замонавий ўзбек тили муаммолари. "Улуғ Турсун" ўқишлари" илмий анжуманлар туркумидан "Улуғ Турсун ва замонавий ўзбек тили муаммолари" мавзуидаги конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – 157 б.

[83] Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. Рисола. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 90 б.

[84] Турсунов У. Ўзбекчада феълларнинг ясалиши // Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. Рисола. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – Б. 39-52.

[85] Турсунов У. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ясалишига доир масалалар тўғрисида // Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. Рисола. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – Б. 52-88.

охиригача (1985) ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг фило[л]
факультетида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири б[ў]
ишлаган.

А.Ғуломов 1940-1951 йилларда ЎзФА Тил ва ад[а]
институтида ўзбек тили ва кейинроқ экспериментал фоне[]
бўлимининг бошлиғи вазифасида ҳам хизмат қилган. У 1957 й
Москвада "Ўзбек тилининг тарихий сўз ясалиши муаммол
деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди,
йилда профессорлик унвонини олишга муваффақ бўлди.

А.Ғуломовнинг илмий фаолияти 1936 йилдан бошла[]
Унинг "Она тилидан кўргазмали куроллар" (1937), "Ўзбек
синтаксиси" (1939), "Ўзбек тилида аниқловчилар" (1940), "Ў
тилида келишиклар" (1941), "Ўзбек тилида кўплик категори
(1944), "Ўзбек тилида урғу" (1947) сингари қатор асарлари ў
тилининг илмий грамматикаси учун мустаҳкам пойдевор б
хизмат қилди, бундай ишлар ҳозир ҳам ўз илмий-ам[]
қимматини сақлаб келмоқда. Олимнинг проф.М.Асқарова би[]
ҳамкорликда яратган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (синтакс[]
асари ярим асрдан буён уч марта қайта-қайта тўлдирилган
тузатилган ҳолда эълон қилинди (1961; 1965; 1987); бу
филология факультетлари талабалари учун асосий дарсликлар[]
бири вазифасини бажариб келмоқда. Олимнинг ўрта мактабларн[]
У-IX синфлари учун яратилган "Ўзбек тили" дарсликлари сал[]
қирқ йил давомида қайта-қайта нашр қилиниб, ўқувчиларн[]
севимли китоблари бўлиб қолган эди. А.Ғуломовнинг ҳамкорли[]
яратган "Ўзбек тили морфем луғати" туркийшуносликда шун[]
типдаги ишларнинг дастлабкиси эди[86].

Олим қаламига мансуб бўлган қай бир мақола
монографияни ўқимайлик, унда янги, истиқболли йўналишла[]
мавзуларга чорловчи ғоялар, фикрларга дуч келамиз. А.Ғуло[]
миллий тиллар камситилган, уларнинг эркин ривожланиши у[]
сунъий тўсиқлар қўйилган бир даврда илмий фаолият кўрсат[]
эди. Шундай бўлса-да, у ўзбек тилининг ўзига хос изч[]
грамматикасини, шунингдек ўзбек тилшунослигига оид терминл[]
тизимининг катта қисмини яратиб, ўз сўзини усталик билан ай[]
олган миллатпарвар олим эди. Ўзбекистон Қаҳрамони Оз[]

[86] Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 464 б



[Шар]афиддинов таъбири билан айтганда, "Айюб Ғулом ўз соҳасини [севгув]чи билар[д]и. Тилшунослик унинг биринчи ва эҳтимолки, бирдан-бир муҳаббати эди. Шу муҳаббат туфайли у ўзбек тилининг ички [сир]ларини кашф этиб, уларни фан тилига кўчирар ва бу билан [чек]ланмай, ўзбек тилининг нафосатини, жилоларини, бетакрор [жило]ларини, бекиёс бойлигини очишдан толмас эди. Унинг [ишлар]и туфайли она тилимиз сиру синоатга тўла жавоҳирлар [хазин]асидай кўринарди"[87].

Проф.А.Ғуломовнинг илмий мероси келажакда алоҳида [тадқиқ] этишни талаб қилади. ЎзМУ ўзбек тилшунослиги [кафе]драсининг ташаббуси билан кейинги йилларда "Айюб [Ғуло]мовнинг илмий мероси" номи билан бешта илмий тўплам [(200]5-2009) нашр этилди. Бу тўпламлардан проф.А.Ғуломовнинг [ҳозир]ги вақтда библиографик жиҳатдан ноёб бўлиб қолган деярлик [бар]ча ўзбекча ва русча илмий мақолалари, монографик рисолалари [ўрин] олган. Шу билан бирга ЎзМУда "Айюб Ғулом ва ўзбек [тил]шунослиги масалалари" номли бир неча илмий тўплам эълон [қили]ниб чиқди (2004; 2008; 2010). Эндиги вазифа олимнинг "Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиш муаммолари" номли докторлик [иши] материалларини, ўзбек тили синтаксиси ва стилистикасига оид [илми]й ишларини ҳам нашр этиш ҳамда "Айюб Ғуломов ва ўзбек [тил]шунослиги" номли йирик илмий тадқиқотларни яратишдан [и]боратдир.

## СОБИРЖОН ИБРОҲИМОВ

Ўзининг бутун умрини миллий ҳунармандчилик лексикасини [ў]рганишга бағишлаган профессор Собиржон Иброҳимов (1905-1971)нинг номи бугунги кунда ҳам ўзбек тилшунослари орасида [ало]ҳида ҳурмат билан тилга олинади. У ўзбек тилшунослигига "[С]арой қишлоқ шевасининг фонетикавий тузилиши" (1929) номли мақоласи билан кириб келган эди. Худди шу йили республикамизда [ў]збек ёзувини ислоҳ қилиш, уни араб алифбосидан лотин [ал]ифбосига ўтказиш жараёни қизғин тус олган эди. Буни ёш [ол]имнинг ана шу мақоласида билдирилган қуйидаги фикрларидан [ҳ]ам сезиш қийин эмас: "Бизнинг ўзбек тили матбуотда, адабиётда, [ум]уман ёзув доирасида ўзига ҳозиргача мустақил бир йўл белгилаб

[87] Шарафиддинов О. Тил илмининг дарғаси // Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, [20]04. – Б. 505.

ола олгани йўқ. Лекин ёзувимиздаги бу хилда мустақил й
белгилаб олишимиз учун ўзбек уруғларининг тиллари ва
тиллардаги хусусиятлар ҳамда шеваларни кенг илмий асо
текшириб чиқиш лозим"[88]. Ёш тадқиқотчи ана шу эзгу ният
амалга ошириш учун 1930-1940 йилларда ўзбек имло
терминологияси, адабий тил тараққиётига доир бир қа
мақолалар ёзди, халқ шеваларини тадқиқ этиш учун илм
экспедицияларда иштирок этди.

Бўлажак олим худди шу йиллари кулолчилик, тандирчил
шувоқчилик сингари йигирмага яқин миллий ҳунармандчил
турларининг сир-асрорларини сидқидилдан ўрганишга кириш
эди. Шу сабабдан бўлса керакки, С.Иброҳимов даст
"Пахтачиликка доир қисқача изоҳли луғат" (1934), "Аравасозлик
абзалсозликка оид халқ терминлари" (1937), "Эгарсозлик ха
терминлари" (1937) каби бир қатор муҳим луғатларни тайёрл
нашр эттирган эди. Кейинчалик олим ўзи тўплаган ана
материаллари ва кузатишларининг таҳлили асосида 1950 йил
Санкт-Петербург шаҳрида "Фарғона водийси ипакчилик лексика
тадқиқотлари тажрибасидан" мавзусида номзодл
диссертациясини ҳимояга қилганди[89]. Олим ана шу монографи
тадқиқотида Фарғона водийсида ипакчилик ҳунарининг пай
бўлиш тарихи ва у билан боғлиқ бўлган урф-одатлар ҳақи
батафсил маълумот беришга ҳаракат қилган. Шундан кейин иш
ипакчилик терминларининг ҳосил бўлиш йўллари бирма-би
таҳлил қилинган эди. Хусусан олим мазкур соҳада кенг қўллануви
ўзбекча, форсча-тожикча, арабча, русча-байналмил
терминларнинг этимологияси, маъно тараққиёти ҳақида муҳи
маълумотларни келтиради.

С.Иброҳимов кейинчалик бундай изланишлар ва қизиқишла
доирасини кенгайтириш мақсадида жуда кўп марталаб Фарғо
водийсининг турли ҳудудларига илмий экспедициялар уюштирга
эди. У тарих, археология, этнография, диалектология, маданий
ёдгорликларни аниқлаш ва топиш сингари соҳалар билан мунтаза
шуғулланди. Бу ишларнинг асосий қисмида изланувчан оли

[88] Иброхимов С. Сарой қишлоқ шевасининг фонетикавий тузилиши // "Маориф ва ўқитувчи" журнали. 1929, 4-сон, 21-бет.

[89] Ибрагимов С. Опыт исследования лексики шёлководов Ферганской долины, Автореф. дис… канд. фил наук, Л., 1950. - 19 с.



С.Иброҳимов шахсан иштирок этиб, материаллар тўплашга, экспедиция натижаларини обзор мақолалар тарзида нашр эттиришга ҳам алоҳида эътибор қилган эди. Жумладан, олимнинг "Пиллачилик халқ терминларини ўрганиш масаласига доир" (1949), "Ўзбек тилининг Бешкент район шевалари юзасидан кузатишлар" (1957), "Миришкор шевасига оид қўшимча материаллар" (1960), "Касб-ҳунар терминларининг адабий тил лексикасида тутган ўрни ҳақида" (1961), "Ўзбек тили касб-ҳунар лексикаси тадқиқотидан" (1966) сингари қатор мақолалари ана шундай изланишларнинг самараси сифатида юзага келган эди.

Бундай изланишлар ва экспедиция материаллари тўпланиб, чуқур таҳлил этилиши натижасида С.Иброҳимовнинг уч жилддан иборат "Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси" номли монографик тадқиқот (1956, 1959) юзага келган эди. Тадқиқотнинг биринчи жилдида Фарғона водийси аҳолиси учун хос бўлган кулолчилик, тандурчилик, товоқчиликка оид материаллар таҳлил қилинган. Унда дастлаб Фарғона водийсининг қадимдан ҳунармандлар маскани эканлигини исботловчи далиллар, хусусан археологик қазилмалар олиб борилиши натижасида қўлга киритилган ҳунармандчилик буюмларининг ясалиш даврига оид маълумотлар батафсил берилган. Ўрни билан ҳунармандчиликнинг мазкур соҳалари билан боғлиқ бўлган ривоятлар, афсоналар, урф-одатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Монографияда кулолчилик ҳунарининг Фарғона водийсида пайдо бўлиши уч минг йилдан олдинги – сўнгги бронза даврга[90], чинниказлик эса IX-X асрларга тўғри келиши[91] аниқ далиллар асосида исботлаб берилган. Шунингдек, Фарғона водийси кулолларининг бир-бирини такрорламайдиган Риштон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Косон, Ўш, Марғилон, Ҳўжанд, Ўратепа, Конибодом, Ўзганд, Қўқон сингари мактаблари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. С.Иброҳимовнинг иши билан танишган китобхон ўша даврда кулолчилик касби ҳам ўз навбатида косагарлик, кўзагарлик, , хумчилик, тоғорасозлик, қизилпазлик, сариқпазлик, оқпазлик сингари майда касбларга бўлиниб кетиши ҳақида етарли маълумотларга эга бўлади. Ўша пайтда кулоллар

[90] Бу ҳақда қаранг: Спришевский В. Археологические раскопки в районе Чуста // Правда Востока, 21 ноября 1953 года, № 268 (9080).

[91] Бу ҳақда қаранг: Рахимов М.Р. Художественная керамика Узбекистана, Ташкент: Фан, 1950. – С. 14-18.

ишлаб чиқарган маҳсулотлар турли хил бўлиб, *офтоба, тоғ* *кўза, сархона, коса, хум, товоқ, қолип-совун, чойнак, пиёла, ла* *чаноқ* кабилардан ташкил топганлиги, буларнинг бир қисми ҳозирда ҳам ишлаб чиқарилаётганлиги муаллиф томонидан алоҳ таъкидлаб кўрсатилган. Шунингдек, мазкур китобда тандирчи ва шувоқчилик соаларига хос бўлган терминлар изоҳи батафсил ёритиб берилган[92].

Проф.С.Иброҳимовнинг "Фарғона шеваларининг касб-ҳу лексикаси" номли монографиясининг 2- ва 3-жилдлари металлсозлик соҳасига бағишланган бўлиб, унда дастлаб ўтми ҳар бир ҳунарнинг ўз "Рисола"си бўлганлиги тўғрисида маълу берилган. Бундай "Рисола"лар ҳозирги пайтда амал қилувчи ка ҳунарга оид "Иш низоми"га тўғри келиши алоҳида таъкидл кўрсатилган. Масалан, муаллифнинг таъкидлашича, "Темирчил рисоласи"да биргина металлсозлик ҳунарининг ўз навбатида 41 турни ўз ичига олиши таъкидланган. Бу шундан далолат беради ўтмишда ота-боболаримиз металлга ишлов беришнинг турли ус ва йўлларини яхши билишган. Улар фақат ички бозорни эм балки ташқи бозорни ҳам ана шундай металлсозликка оид кундал эҳтиёж моллари билан таъминлаб туришган. Шундан сўнг китоб айни пайтда мавжуд бўлган металлсозликнинг дегрезл рихтачилик, мискарлик, темирчилик, пичоқсозлик, тунукачил сингари соҳалари ҳақида маълумотлар берилади. Ўрни билан шу соҳаларга оид терминлар ҳақидаги халқ этимологияси алоқадор маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Бу соҳалар бўйи тўпланган сўз ва терминлар изоҳи алифбо тартибида луғат шакли келтирилганлиги алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳар бир соҳ ишлатиладиган асбоб-ускунлар, безаклар, идишларнинг қисмла маҳсулот турларини акс эттирувчи илова расмларни ҳам муалл тартиб билан асарда жойлаштирган[93]. Олим ўзининг ана ишларини якунлаб, 1961 йилда "Ўзбек тилининг профессио лексикаси" мавзуида докторлик диссертациясини муваффақия ҳимоя қилган эди[94].

[92] Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси (қурилиш, тандурчилик ва шувоқчили оид). I-қисм, Тошкент, 1956.
[93] Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, II-III-қисмлар, Тошкент, 1959.
[94] Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка. Автореф. дис... доктора филол. на Ташкент, 1961. – 34 с.



Хулоас, проф. С.Иброҳимов Фарғона водийси халқ ҳунармандчилигининг жонкуяр тарғиботчиси ва фидойиси эди. Унинг профессионал лексика соҳасидаги ишларини таниқли туркийшунос олимлардан А.К.Боровков, Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, С.Кенесбоев, А.Ғуломов ва бошқалар жуда юксак баҳолаб, уни туркийшуносликда профессионал лексикани ўрганиш мактабининг асосчиси деб атаган эдилар[95]. Олим томонидан нашр этилган "Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси" (1959), "Ўзбек тилининг Андижон шеваси" (1967), "Тилга эътибор – элга эътибор" (1972), "Навоий асарлари тили луғати" (1972, ҳаммуаллиф), "Адабий талаффуз маданияти" (1973) каби асарлар фақат этнография, ҳунармандчилик соҳаларинингина эмас, балки этимология, диалектология, терминология, нутқ маданияти, орфоэпия, орфография, луғатшунослик сингари қатор фанларнинг тараққиёти учун ҳам муҳим дастуруламал бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. Олим ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб нутқ маданияти ва адабий талаффуз меъёрлари билан махсус шуғулланиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳузурида шу муаммоларни тадқиқ этувчи махсус бўлим ташкил этган эди. Проф.С.Иброҳимовнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан ўзбек талаффуз луғатини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган эди. Шу асосда кейинчалик "Ўзбек тилининг имло луғати" (1976), "Ўзбек адабий талаффуз луғати" (1984) номли фундаментал ишлар майдонга келди. У 1969 йилда Тошкентда ўтказилган ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган республика илмий-назарий анжуманининг ташкилотчиларидан бири эди. Шу анжуманда проф.С.Иброҳимов "Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар" мавзуида кенг ва асосли маъруза билан чиқиш қилган эди[96]. Серғайрат олим *"гулоб", "ҳабжўш", "чориқ", "шомиён", "чакса", "ўтирик", "дандон", "шовун", "пант", "сандон"* сингари юзга яқин сўзларнинг этимологияси ҳақида илмий кузатишлар олиб борди ҳамда унинг натижаларини "Меҳнат ва турмуш", "Гулистон", "Фан ва турмуш" журналларида эълон қилган эди. Проф.С.Иброҳимов Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону

[95] ... Устоз тилшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. № 6. – Б. 61.
[96] Иброҳимов С. Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид ... (ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган 1-республика тилшунослик конференцияси материаллари). – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 17-38.

луғотит турк"ида касб-ҳунар лексикасининг ифодаланишига о тадкиқоти билан ўз вақтида тарихий лексикологияга доир илм изланишларни ҳам бошлаб берган эди.

Домла ўзидан яхши илмий мерос ва ажойиб шогирдл қолдирди. Ўз вақтида Самарқанд педакадемияси (ҳозир СамДУ)да таҳсил олган, дастлабки илмий изланишлари Самарқанд шаҳрида бошлаган проф.С.Иброҳимовнинг номи ўзб тилшунослиги тарихида ўзининг алоҳида ўрнига ва мавқеи эгадир.

## ШОНАЗАР ШОАБДУРАҲМОНОВ

Ўзбек филологияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган йир тилшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини ҳақиқий аъзоси (1973), Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекист Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1973), филолог фанлари доктори (1963), профессор (1967), заҳматкаш тадқиқот бағри кенг инсон Шоназар Шоабдураҳмоновдир.

Ш.Шоабдураҳмонов 1923 йил май ойида Тошкент шаҳри дунёга келди. 1940 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугат Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти ўзб тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. Институт имтиёзли диплом билан битирган Ш.Шоабдураҳмонов ўз билими ошириш ва илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш мақсади 1944-1948 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтини аспирантурасида таҳсил олди. У бадиий асарнинг т хусусиятлари билан қизиқди ва 1948 йилда "Пўлат куёвч поэмасининг тил хусусиятлари" номли илк мақоласини на эттирди. Аспирантурада ўқиб юрганида бўлажак олим атоқли ўзб халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги "Равша достонининг тилини изчил ўрганиб, 1949 йилда шу мавзуд номзодлик ишини муваффақият билан ёқла Ш.Шоабдураҳмоновнинг бутун илмий фаолияти ЎзР ФА Алиш Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан чамбар боғлиқ бўлди. У 1949-1951 йилларда шу институт ўзбек ти бўлимининг кичик илмий ходими, 1951-1954 йилларда катта илм ходими, 1954-1998 йилларда ўзбек диалектологияси бўлимин мудири лавозимларида хизмат қилиб, ўзбек халқ шеваларин



хусусиятлари ўрганиш юзасидан кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Ана шу илмий изланишларнинг самараси сифатида 1963 йилда "Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари" номли йирик монографияси нашр этилди, худди шу мавзудаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1967 йилда заҳматкаш олимга профессор илмий унвони берилди, 1973 йилда эса у ЎзР ФА академиги этиб сайланди.

Ш.Шоабдураҳмонов етук тилшунос олим бўлиш билан бирга, истеъдодли фан ташкилотчиси сифатида ҳам мамлакатимизда филология илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. У ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Тилшунослик бўйича мувофиқлаштириувчи илмий кенгашнинг раиси (1967-1984), Тил ва адабиёт институтининг директори (1971-1974), Ўзбек қомуси бош таҳририятининг аъзоси (1971-1980), ЎзР ФА Президиумининг аъзоси ҳамда тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-секретари (1974-1978) сифатида ўзбек тилшунослиги бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар яратишдек эзгу ишга бош-қош бўлди.

Ш.Шоабдураҳмонов ўзбек тилшунослигининг турли хил муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган, кенг қамровли олим эди. У фольклор асарлари тилининг лингвопоэтик хусусиятлари, ўзбек халқ шеваларининг таснифи, шеваларнинг фонетик, морфологик ва лексик хоссалари, халқ шеваларининг адабий тил билан муносабати, ўзбек тили лексикасининг тараққиёт тамойилларини изчил ўрганди.

Академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг фаолиятида халқ достонларининг тилини тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутади. У "Равшан" достонининг тил хусусиятларини ўрганиш асосида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг халқ тили лексик бойлигидан фойдаланишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини очиб берди. Олимнинг "Равшан" достонидаги бадиий фонетика элементлари (1967), "Эргаш Жуманбулбул достонларида бадиий тасвир ва ифода" (1970), "Эргаш Жуманбулбулнинг "Равшан" достонининг тили ҳақида" (1971), "Халқ донолиги" каби қатор илмий мақолаларида ўзбек фольклори тилининг поэтик табиатига доир муҳим назарий қарашлар ўз ифодасини топган. Ана шундай илмий тадқиқотлари учун Ш.Шоабдураҳмонов бир гуруҳ фольклоршунос олимлар билан биргаликда 1973 йилда Абу Райҳон Беруний

номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотин лауреати бўлган эди.

Ш.Шоабдураҳмонов ўзбек орфографияси ва ёзув қоидалар мукаммаллаштириш борасида тинимсиз илмий изланишлар с борган олим эди. Унинг ҳамкорликда яратган "Орфогра машқлар тўплами" (1949-1956), "Ўзбек орфографиясининг асс қоидалари" (1952-1956) бир неча марта шар этилган ҳамда ў зиёлиларининг дир неча авлодининг саводхонлигини ошири хизмат қилган.

Маълумки, ўзбек тилининг шевалари ўзига хос фоне хусусиятлари ва сўз бойлиги билан туркий тиллар орасида алох мавқега эга. Ш.Шоабдураҳмонов XX асрнинг 50-йиллари эътиборан ўзбек шевалари ва диалектлари бўйича материал тўплаб, уларни тавсифлаш ва илмий тадқиқ этиш билан изч шуғуллана бошлади. Натижада олимнинг шевашуносликка о элликдан ортиқ салмоқли илмий мақолалари, "Ўзб диалектологияси" номли дарслиги (ҳаммуаллиф, 1959; 1961; 197 "Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари" (1962), "Карлукско наречие узбекского языка" (1983) сингари йирик монографи тадқиқотлари юзага келди. Унинг бевосита илмий раҳбарлиги иштирокида "Ўзбек халқ шевалари луғати" номли йири лексикографик асар (1971) яратилган эди. Шунингдек, олим бе жилдлик "Русча-ўзбекча луғат"нинг Ш, IУ, У-жилдларини таҳри қилиб ўзбек лексикографияси тараққиётига катта қўшган эд Ш.Шоабдураҳмонов ҳозирги ўзбек тили фонетикаси, морфологияс ва лексикологиясига оид йирик илмий тадқиқотларнинг ҳа муаллифи саналади. Хусусан, "Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар (1953), "Ўзбек тилида юкламалар" (1971) каби илмий мақолала "Ўзбек тили грамматикаси" (1-том, 1975), "Ҳозирги ўзбек адаби тили" (1980) сингари ҳаммуаллифликда бажарилган илмий ишлар масалага кенг қамровли ёндошилганлиги, назарий хулосаларнин пишиқлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Олим кейинги йилларда "Ўзбек тилининг этимологи луғати"ни яратиш устида тинимсиз меҳнат қилди ва унинг айри натижаларини "Ўзбек тили ва адабиёти" журналинин "Этимология" рукнида туркум мақолалар сифатида илми жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилган эди.



Ш.Шоабдураҳмонов меҳрибон ва талабчан устоз сифатида мамлакатимизга малакали тилшунос мутахассислар тайёрлаб беришдек эзгу ишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келди. Унинг бевосита раҳбарлиги остида йигирмадан ортиқ ёш олим ўзининг номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзбек тилшунослигининг барча йўналишлари бўйича йирик асарлар яратган устоз олим 18 та докторлик, етмишдан ортиқ номзодлик ишларининг ҳимоясида расмий оппонент сифатида иштирок этиб, илмий тадқиқотларга ҳалол ва принципиал баҳо берди. Унинг ўзбек диалектологияси, орфография ва пунктуация, ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича ёзган дарслик ва ўқув қўлланмалари узоқ йиллар буён мамлакатимиз олий ўқув юртлари филология факультети талабалари ва магистрантларининг асосий адабиётлари сирасидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Забардаст тилшунос олим, фанимизнинг заҳматкаш ва фидойи намояндаларидан бири, ажойиб инсон, қалби улкан илмий орзулар билан тўла бўлган академик Шоназар Шоабдураҳмонов 2011 йилда 88 ёшда оламдан ўтди.

## ҒАНИЖОН АБДУРАҲМОНОВ

Ўзбек тилшунослиги фани ва маданиятининг тараққиётига самарали ҳисса қўшиб келаётган йирик истеъдодли олим, моҳир педагог, академик Ғанижон Абдураҳмоновнинг туғилганига саксон йил, илм ва маориф соҳасига бағишланган илмий-педагогик фаолиятига карийб 60 йил тўлди. Ғ.Абдураҳмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1942 йилда у Фарғонадаги 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради. Институтни 1946 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, Ғ.Абдураҳмонов шу институтда ўқитувчилик билан шуғулланди (1946-1950). Бўлажак олим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) ўзбек тилшунослиги кафедраси аспирантурасида ҳам таҳсил олади (1948-1950) ва 1950 йилда Самарқандда У.Турсунов илмий раҳбарлигида "Ҳозирги ўзбек тилида сифатларнинг отлашуви" мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли равишда ҳимоя қилади. Эътиборли томони шундаки, бу ишга академик [illegible]

Садриддин Айний ва тилшунос олим В.В.Решетов расм
ҳакамлик қилган ҳамда ишга жуда юксак баҳо берган эдилар.

Шундан кейин истеъдодли олим Ғ.Абдураҳмонов 1950-1
йилларда ўзи таҳсил олган Фарғона давлат педагогика инстит
(ҳозирги ФарДУ)да ўзбек тили кафедрасининг мудири, ў
ишлари бўйича ректор ўринбосари, ректор вазифасини бажару
бўлиб хизмат қилади.

1958 йилда олим Тошкент шаҳрига келди ва ЎзФА тил
адабиёт институти ўзбек тилини тарихий-қиёсий ўрган
бўлимининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсата бошлади.
йилларда Ғ.Абдураҳмонов Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғо
турк" асарини ўзбек тилида нашр этишда ҳамда унинг "Инде
луғат"ини тузишда фаол иштирок этиб, бу луғатга мас
муҳаррирлик қилди.

1960 йилга қадар Тошкентда докторлик ишлари ҳи
қилинмас, бунинг учун юқори малакали илмий кадрлар
етишмас эди. Шунинг учун олимларимиз ўз докторлик ишлари
Москва, Санкт-Петербург каби марказий шаҳарларда ҳи
қилишарди. Ғани Абдураҳмонов 1960 йилда 35 ёшида "Ҳози
ўзбек адабий тилида қўшма гап синтаксиси асослари" мавзуид
докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, биринчи бў
Тошкентда барча фанлар юзасидан докторлик диссертациялари
ёқлаш эшигини очиб берган эди. Бу тадқиқотда ўзбек тили
гапларнинг структурасига кўра амалий ва назарий далил
асосида содда, қўшма ва мураккаб гап турларига ажратиб тасн
қилиш тамойиллари ишлаб чиқилган эди. Шунингдек, эрг
гапларнинг бош гапларга боғланиш усулига кўра таснифи, эрг
гапларнинг ўз ичида гуруҳланиши, боғловчисиз қўшма гапларн
қадимийлиги, уларнинг нутқда кенг қўлланиши, кўринишла
интонацияси, таркиби кабилар илмий-лингвистик ва мантиқ
грамматик жиҳатдан тўғри талқин этилган эди.

Етук олим Ғ.Абдураҳмонов 60-йилларда ўзбек тили тарихи
ўрганишни замонавий фан талаблари даражасига кўтаришда жу
катта ишларни амалга оширди: унинг қўшма гапларнинг тарих
тараққиёти, Урхун ёдгорликлари тилида қўшма гап қурилмала
қадимги туркий ёдгорликлари тили синтаксиси бўйи
тадқиқотлари, шунингдек тарихий фонетика, тарихий синтаксис



... тарихий тилшуносликка доир илмий тадқиқотлари
... молик. Худди шу тадқиқотларнинг самараси сифатида
... Ғ.Абдураҳмоновнинг "Эски туркий тил синтаксиси
... тадқиқотлар" (рус тилида, М., 1967), "Ўзбек тилининг
... грамматикаси" (ҳамкорликда, Т., 1973; 2008), "Тарихий
...синтаксис" (Фарғона, 1974), "Қадимги туркий тил" (ҳамкорликда,
..., 1982), "Навоий тилининг грамматик хусусиятлари"
(ҳамкорликда, Т., 1984) номли йирик монографиялари, ўқув
қўлланмалари, шу мавзуга доир йигирмадан ортиқ илмий
мақолалари юзага келди.

1967-1971 йиллар давомида Фарғона давлат педагогика
институтига ректорлик қилган, 1971 йилдан 1978 йилга қадар
республика олий ва ўрта махсус таълим вазири бўлиб ишлаган
серғайрат олим Ғ.Абдураҳмонов 1971 йилда Фарғонада ўтказилган
Девону луғатит турк асарининг 900 йиллигига бағишланган
халқаро анжуманнинг асосий ташкилотчиларидан бири бўлган эди.
Ғ.Абдураҳмонов 1978-1983 йилларда Тошкент давлат чет тиллар
институти ректори, 1983-1988 йилларда эса Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика институти ректори. 1989-1991 йилларда
Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика
атамашунослик қўмитасининг раиси вазифаларида ишлаган. 1988-
1997 йилларда ЎзФА тил ва адабиёт институти ўзбек тили тарихи
бўлимида мудир ва бош илмий ходим, 1997 йилдан ҳозирги кунга
қадар Тошкент давлат шарқшунослик институти туркшунослик
кафедрасида профессор давозимида ишлаб келмоқда. Фақат
мустақиллик йилларида серғайрат олимнинг "Ўзбек тили
грамматикаси" (синтаксис, 1996), "Ўзбек халқи ва тилининг
шаклланиши ҳақида" (1999), "Она тили ва адабиёти" (2001,
ҳамкорликда), "Она тили" (10-синф учун дарслик, ҳамкорликда,
2003), "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (академик лицейлар учун
дарслик, 2003, ҳамкорликда) сингари йирик асарлари нашр этилди.

Академик Ғ.Абдураҳмонов илмий раҳбарлигида шу кунгача 5
киши докторлик, 37 киши номзодлик диссертацияларини
муваффақиятли ҳимоя қилган. У қирқдан ортиқ докторлик ва
номзодлик ишларига расмий ҳакамлик ҳам қилган. У Тошкент,
Москва, Санкт-Петербург, Ашгабад, Боку, Самарқанд, Бишкек,
Олмаота ва бошқа шаҳарларда, Туркия ва Финляндияда ўтказилган
халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилган. Ғ.Абдураҳмонов

узоқ йиллар "Туркология", "Ўзбек тили ва адабиёт "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журналлари, "Ўзбек Милл энциклопедияси" таҳрир ҳайъатининг аъзоси, Ихтисослаш кенгашларда раис ва кенгаш аъзоси сифатида самарали фаоли кўрсатган. Ғ.Абдураҳмоновнинг кўп қиррали илмий-педагогик жамоатчилик, ташкилотчилик фаолияти ҳукумат томонид муносиб тақдирланган. Олим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ф арбоби (1975), "Шуҳрат" медали (2000), қатор орденлар ва фахри ёрлиқлар соҳибидир.

Ҳозирги кунда ҳам академик Ғанижон Абдураҳмонов илми ва педагогик фаолиятининг қизғин палласида. У олий ўқув юртлар талабаларига юксак савияда маърузалар ўқимоқда, аспирант докторантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда, олий ўрта мактаблар, лицей ва коллежлар учун дарслик, ўқу қўлланмалари яратмоқда. Академик Ғ.Абдураҳмонов ўзи илм учирма бўлган Самарқандга тез-тез келиб туради. Масалан, 200 йилда Самарқандда "Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳо цивилизациясида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий анжума ўтказилган эди. "Девону луғотит турк" асарининг 930 йиллигиг бағишлаб уюштирилган ана шу анжуманда академи Ғ.Абдураҳмонов "Маҳмуд Кошғарий туркий уруғларнин жойлашиши ва баъзи тил хусусиятлари ҳақида" мавзуид қизиқарли маъруза қилган эди. Ёки 2005 йилда СамДУд Самарқанд тилшунослик мактабининг асосчиси, профессор Улу Турсуновнинг юз йиллигига бағишланган "Профессор Улу Турсунов ва ўзбек тилшунослиги" мавзуида ўтказилган республика илмий-назарий анжуманида ҳам академик Ғ.Абдураҳмонов ўзинин қизиқарли маърузаси билан иштирок этган эди.

Оддий ўқитувчиликдан тилшунослик илмида Ўзбекисто Фанлар академиясининг академиги, ташкилотчиликда олий ва ўрт махсус таълим вазири даражасигача кўтарилган истеъдодли олим Ғанижон Абдураҳмонов сиймоси ўзбек халқига, она тилининг ривожи ва равнақи учун фидойилик билан холисона хизмат қилишнинг ибратли намунасидир.

Ғ.Абдураҳмонов ўзбек тилшунослигининг кўпгина соҳалари бўйича салмоқли ишларни амалга оширган сермаҳсул олимлардан



...ир. Унинг бадиий асар тили, стилистика соҳасидаги ...ҳиқотлари ҳам олим илмий меросида алоҳида ўрин тутади. ...нинг ана шу соҳадаги дастлабки мақолаларидан бири "Адабий ...ар тилини ўрганиш ҳақида" деб номланади[97]. Бу ишда бадиий ...ар тилининг ўзига хос хусусиятлари ва уни таҳлил қилиш ...ллари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, ...нинг фикрича, "ёзувчи тилини таҳлил қилишда шу давр ...ҳити шароитини ўрганиш билан бирга ёзувчининг сиёсий-...ий ҳаётдаги қайси оқимга мансублиги, унинг дунёқараши ва ...оиларининг ҳамда олдин ўтган адиб ва ёзувчиларнинг унга ...ган таъсирини, шунингдек асарнинг ёзилиш жараёнини ...борлан четда қолдириб бўлмайди" [97, 5].

Ғ.Абдураҳмонов бу ишида "бадиий асар стили" ва ...увчининг ўзига хос стили" тушунчаларини ўзаро фарқлашга ...ади. Олимнинг талқинига кўра, бадиий асар стили асарнинг ...муни билан, ёзувчининг дунёқараши билан боғлиқ масала ...дир. Ёзувчи стилини ўрганишда ўша адибнинг умумхалқ жонли ...лидан ва анъанавий адабий тилдан қандай фойдаланиши, бу икки ...ни қандай бирлаштириб бориши, бирор бадиий услубни ...тироф ёки инкор этишда ёзувчининг ўзига хос хусусиятларини ...лаш зарур бўлади. Бунда Ғ.Абдураҳмонов бадиий асар ...ини ўрганишда тадқиқотчилар эътиборини қуйидаги ...ларга қаратади: а) ёзувчининг тасвирий воситалардан ...ланиши, б) сўз маъноларининг ўзгариши, в) сўзнинг семантик ...ларидан фойдаланиш, г) синтактик структура, д) нутқий стил ва стилизация муаммолари. Олим бадиий асар тилини таҳлил ...иш орқали ёзувчи ёки шоирнинг бадиий маҳорати, ўзига хос ...уби очилади, шунга кўра ҳар бир бадиий асар тилини чуқур ва ...р тарафлама ўрганиш асосий масалалардан бири бўлиб қолишини ...ида таъкидлайди.

1969 йилда ўтказилган нутқ маданиятига оид анжуманда Ғ.Абдураҳмонов ўзбек тилининг стилистик нормаларини белгилаш ...лари ҳақида долзарб масалани кўтариб чиқди[98]. Бу ишда олим ...ма ва оғзаки нутқ стилларини бир-биридан фарқлашга интилади

[97] Абдураҳмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари ... 1966. – Б. 4-11

[98] Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Нутқ маданиятига оид масалалар (Ўзбек ... маданиятига бағишланган I-республика тилшунослик конференцияси материаллари). – Тошкент ... 1973. – Б. 51-55.

Унинг фикрича, агар ёзма нутқ бадиий нутқ, илмий ну
публицистик нутқ, расмий нутқ ва нейтрал нутқдан иборат бў
оғзаки нутққа нейтрал стиль, тантанали стиль, интим сти
юмористик ва сатирик стиль ҳамда расмий стиллар мансубдир.
шулар асосида адабий тилнинг стилистик нормалари белгилана
Мақолада Ғ.Абдураҳмонов стилистик нормаларни белгилаш
қуйидаги уч усули ҳақида тўхталади: а) стилистик эксперим
усули; б) турли синонимик вариантларнинг қайси бири ти
эканини аниқлаш усули; в) талантли ёзувчи, шоир ва журналист
нутққа онгли муносабатда бўлиш натижасида ўзлари сезма
ҳолда муайян нормалар яратадилар. Буларни ўрганиш ну
маданияти муаммоларини изчилроқ тадқиқ этишга ёрдам беради.

Кейинчалик Ғ.Абдураҳмонов Беҳбудий, Фитрат, Чўлпо
Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом сингари с
санъаткорларининг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши
равнақидаги бебаҳо хизматларини тадқиқ этишга бағишлан
махсус мақолалар ратди. Жумладан, олимнинг таъкидлаши
Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг буюк хизмати шундаки, у
мақолалари, драмаси ва ўқув қўлланмаларида мумтоз адабий т
билан ҳозирги ўзбек адабий тилга яқин турган тилда ижод қилди[99]

Тадқиқотчи олим ҳозирги ўзбек тилининг адабий услу
унинг ички таснифи билан мунтазам шуғулланиб келмоқ
Ғ.Абдураҳмоновнинг таъкидлашига кўра услубнинг амал
турлари умумхалқ тилининг бир қисми сифатида кишил
фаолиятининг маълум соҳасида қўлланадиган ўзига хос т
кўринишларини жамлайди. Лексик, фразеологик, бадиий восита
шевачилик ва бошқа кўринишлар аралашиб қўлланган матнлар ҳ
мавжуд. Олим бундай матнлардаги услубни аралаш услуб д
номлайди[100], бу масала ўзбек услубшунослигида ҳали жидд
кузатишларни талаб қилади. Шунингдек, Ғ.Абдураҳмон
томонидан ёзма нутқ услубини яратувчи лексик, фонет
грамматик воситалар, инверсия, абзац, параллелик, период синга
имкониятлар махсус тадқиқ қилинди[101]. Шуниси муҳимки, ол

---

[99] Абдураҳмонов Ғ. Беҳбудий ва унинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. № 3. – Б. 8.

[100] Абдураҳмонов Ғ. Ҳозирги замон ўзбек тилининг адабий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 19 № 5-6. – Б. 28-36.

[101] Абдураҳмонов Ғ. Ёзма нутқ услубини яратувчи воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. № 3. – Б. 32.



Унинг ана шундай кузатиш натижаларини мактаб ва академик лицейлар учун нашр этилган янги дарсликларига сингдириб юборди[102]. Бу эса бизга устоз олим, академик Ғанижон Абдураҳмоновни ўзбек тили стилистикасининг йирик тадқиқотчиларидан бири дейишга ҳар жиҳатдан асос бўлади.

## МАЗЛУМА АСҚАРОВА

Мазлума Асқарова 1924 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида туғилган. У дастлаб Тошкент шаҳридаги А.С.Пушкин номидаги 32-ўрта мактабда ўқиди. 1937 йилда Тошкент шаҳар 1-педагогика билим юртига, 1940 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига қабул қилинди. Мазлума Асқарованинг ўқиш йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган эди. Бу даврда бўлажак олима бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлади. У 1944 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, аспирантурага қабул қилинади. Таҳсил тугагач, 1948 йилдан шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1964 йилдан 2005 йилгача мазкур кафедрани бошқарди ва умрининг охиригача ушбу кафедра профессори лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келди. Олима 1951 йилда номзодлик[103], 1963 йилда эса докторлик[104] диссертациясини ҳимоя қилди.

Проф.М.Асқарованинг 1965 йилдан кейинги илмий фаолияти, айниқса, самарали бўлди: унинг бевосита иштирокида олий ва ўрта таълим тизими учун яратилган дарслик, дастур ва методик қўлланмаларнинг аксарияти шу даврда ёзилган эди. Олима ҳаммуаллифлигида яратилган "Ўзбек тили" дарслигидан 1968 йилдан ҳозирга қадар таълимнинг барча босқичларида фойдаланиб келинмоқда. У ЎзФА олимлари билан ҳамкорликда "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (1-том, 1965; 2-том, 1966), "Ўзбек тили грамматикаси" (1-том, 1975; 2-том, 1976), "Ҳозирги ўзбек адабий

---

Абдураҳмонов Ғ., Рустамов Ҳ. Она тили. 10-синф учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 128 б. Абдураҳмонов Ғ., Хўжаева Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили, академик лицейлар учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 296 б.

[103] Асқарова М. Деепричастие в современном узбекском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1951. – 22 с.

[104] Асқарова М. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. Автореф. дис. ... доктора. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 48 с.

тили" (1-қисм, 1980) сингари фундаментал тадқиқ...
яратишни фаоллик кўрсатди.

М.Асқарованинг илмий фаолиятида қўшма гап синтаксиси айниқса, эргашган қўшма гап муаммоларини тадқиқ этиш алох... ўрин тутади. Бу йўналишда у "Боғловчисиз боғланган қўш... гаплар" (1955), "Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўшма гапл... (1957), "Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар" (1959), "Ҳози... замон ўзбек тилида қўшма гаплар" (1960), "Эргашган қўш... гапларнинг синонимикаси" (1963), "Ҳозирги ўзбек тилида эргаш... формалари ва эргаш гаплар" (1966), "Қўшма гапнинг кўчир... гапли тури ҳақида" (1981) каби бир қатор монография ва рисола... яратди. Унинг Бишкек (1962), Москва (1964), Уфа (1966), Олма... (1963, 1983) шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманлар... қилган маърузалари эса туркий тиллар синтаксисининг муҳим... мунозарали масалаларига бағишланган эди.

Олима ташаббуси билан ўтган асрнинг иккинчи ярми... мамлакатда ягона бўлган "Мактабгача ёшдаги болаларга тилла... ўргатиш" муаммоли лабораторияси очилган ва у узоқ йил... фаолият кўрсатиб, самарали натижалар берган эди.

Проф.М.Асқарованинг илмий раҳбарлигида 40 га яқин юқо... малакали илмий кадрлар тайёрланган. Улар Ўзбекистоннинг тур... илмий муассасаларида, олий ўқув юртларида самарали фаоли... кўрсатиб келмоқда.

М.Асқарова ўз фаолияти давомида Низомий номид... ТошДПУ ҳамда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти қошид... докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимояс... Ихтисослашган кенгашларда раис, раис ўринбосари ва кен... аъзоси вазифаларида хизмат қилган, 1968 йилдан бошлаб со... Иттифоқ Педагогика Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, 1... йилдан эса Россия Таълим академиясининг ҳақиқий аъзоси эди.

Проф.М.Асқарованинг ўзбек тилшунослиги фани олди... хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолан... "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" (1966), "Ўзбекист... халқ маорифи аълочиси" (1974), "Ҳурмат белгиси" ордени (197... "Мустақиллик" эсдалик нишони (1992) ҳамда "Шуҳрат" меда... (1994) билан тақдирланган.

Атоқли олима, меҳрибон устоз ва мураббий, профес... Мазлума Асқарова 2010 йил август ойида 86 ёшида оламдан ўтди.



# ОЛИМ УСМОНОВ

Атоқли тилшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ... Олим Усмон (1912-1989) умрининг сўнгги йилларигача ... етакчи тилшунос сифатида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида атамашунослик бўлимининг мудири бўлиб хизмат ... Бўлажак тилшунос Олим Усмонов Қирғизистоннинг ... вилоятида таваллуд топган, илм истагида Самарқандга ... эди. У 1930 йилда Самарқанддаги педагогика билим ... аъло баҳолар билан тамомлаб, шу ерда машҳур шоир ... Олимжон билан дўстлашади, унинг маслаҳати билан ... Давлат педагогика институтида таҳсилини давом ... Унинг илмий фаолияти 1935 йилда ЎзР Фанлар ... аспирантурасида ўқиш ва сўнгра шу ерда илмий ходим ... бошланган. 1940 йилда у Тошкент Давлат ... институтини тезкор (экстерн) усулда тугатгач, ЎзФА ... адабиёт институтида илмий ходим ҳамда Ўқувпеддавнашрда ... бошлиғи вазифасида ишлайди. 1942-1943 йилларда ... ФА нашриётини бошқарди. Унинг ташкилотчилик ... айни шу 30-йилларда кенг намоён бўлди. Республика ... топшириғи билан у 1943-1944 йилларда ўша ... зарбдор қурилиши бўлган Фарҳод ГЭС қурилишида, ... Министрлар Кенгаши қошидаги Радиокомитетда фаолият кўрсатади.

Олим Усмонов илмий фаолиятининг асосий даври 1958-1985 ... ЎзФА Тил ва адабиёт институти билан бевосита ...дир. 1946 йилда ҳукумат қарори билан О.Усмонов ЎзФА Тил ва адабиёт институтига ишга юборилади. У 1952 йилгача шу институтнинг луғат бўлими бошлиғи ва катта илмий ходим вазифаларида ишлайди. Айни вақтда, Тошкент Давлат педагогика институтида ўзбек тили тарихи бўйича ўқитувчилик ҳам қилди. ... Усмон ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоийнинг ижоди ва асарларининг тилини ўрганиш билан чуқур шуғулланди.

Устоз О.Усмонов ҳозирги ўзбек тилшунослигининг таниқли намояндалари саналмиш Ғози Олим Юнусов, Солиҳ Муталлибов, ... Турсунов, Собиржон Иброҳимов, Ҳусайн Ғозиев, Сафо...

Зуфаров, Айюб Ғуломов, Зокир Маъруфов, Турсун Иброҳи[illegible] Содиқ Фердаус, Фахри Камол, Хосият Комилова, Фа[illegible] Абдуллаев, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, А.Н.Коно[illegible] В.В.Решетов кабилар билан замондош ва илмий сафдош бў[illegible] фаолият кўрсатди. О.Усмоннинг ўзбек тилшунослиги бў[illegible] бажарган илмий ва педагогик фаолиятини, ёзган асарлари[illegible] шартли равишда бўлса ҳам қуйидагича беш гуруҳга ажра[illegible] мумкин: 1. Ўзбек тили грамматикаси бўйича ёзилган ил[illegible] асарлар. 2. Имло, орфоэпия ва алифбо бўйича ёзилган асарла[illegible] Ўзбек тили тарихига доир илмий ишлар. 4. Лексиколо[illegible] лексикография ва терминологияга доир асарлар. 5. Рус ва ўз[illegible] тиллари ҳамда маданиятларининг ўзаро алоқасига бағишлан[illegible] илмий ишлар.

Маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларида мамлакатими[illegible] мактаб ва маориф соҳасида жуда муҳим вазифалар турган [illegible] Хусусан, еттийиллик таълимни тўла амалга ошириш, ў[illegible] таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, ўрта ва катта ёшд[illegible] аҳоли ўртасида саводсизлик ва чаласаводликни батамом тугат[illegible] бунинг учун эса шу мактаблар ва ҳар хил курсларга мос дас[illegible] дарслик қўлланма ва адабий мажмуалар тузиш ҳамда була[illegible] ёзадиган, тузатадиган муаллифлар жамоасини танлаш, бун[illegible] дарслик ва қўлланмаларни сифатли қилиб нашр этиш каби қа[illegible] масалалар ўша давр учун жуда долзарб эди. Мактабларда ва са[illegible] ўргатиш курсларида нисбатан эски дарсликлардан, ҳар [illegible] қўлланмалардан ҳам фойдаланилар, булар эса баъзан илм[illegible] жиҳатдан анча саёз бўлиб, айрим хато ва чалкашликлардан х[illegible] холи эмас эди. Таълим-тарбия, ўқув-ўқитув ишларидаги бунд[illegible] камчиликлар Республика ҳукуматининг 30-йиллардаги қа[illegible] қарорларида танқид қилинди. Ана шундай даврда Олим Усм[illegible] шахсий кузатишлари асосида бир неча илмий мақолалар эъл[illegible] қилди: «Ўзбек тили грамматикасидаги формализм ва илм[illegible] бузуқликлар ҳақида» («Маданий инқилоб», 1937, 27-сон), «Ўзб[illegible] тили морфологияси» дарслиги ҳақида» («Маданий инқилоб[illegible] 1937, 36-сон), "Ўзбек тили дарслигида феълларининг таснифида[illegible] бузуқликлар» («Маданий инқилоб», 1937, 47-сон) каби илм[illegible] мақолаларида мактабларда ўзбек тили курсини ўқитишда й[illegible] қўйилаётган камчиликлар ҳамда мавжуд дастур, дарслик [illegible] қўлланмаларда учраб турадиган назарий хатолар, чалкашликлар[illegible]



[illegible] танқид қилади. Булар билан кифояланмай, ўзбек тилини [illegible] таҳлил қилиш, уларни рус тили грамматикасининг [illegible] қоидалари билан қиёсий ўрганиш асосида тўлиқсиз ва ўрта [illegible] учун ўзбек тили бўйича ўша вақтда энг яхши деб [illegible] дастурлар ҳамда дарсликлар яратади. Ўзбек тили [illegible] грамматикаси (фонетика ва морфология) бўйича Олим Усмонов ва [illegible] Аисовлар томонидан ўрта мактаблар учун тузилган дарслик [illegible] 1938-1941 йиллар мобайнида қайта ишланиб, тўлдирилиб, тўрт [illegible] марта нашр этилди.

Ҳозиргача ўзбек тилшунослигида кенг қўлланиб [illegible] *ундош, сифатдош, равишдош, аслий сифатлар, [illegible] сифатлар, сифат даражалари, феъл нисбатлари* каби [illegible] ҳамда ўзбек тилидаги мустақил сўз туркумларининг от, [illegible] сон, равиш, олмош, феълга ажратиб тасниф этилиши О.Усмоновнинг ўзбек тили грамматикаси илмига ана шу дарслик [illegible] қўшган янгиликларидир. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу дарслик етти йиллик ва ўрта мактаблар учун ўзбек тили морфологияси бўйича барқарор дарсликлар яратишдаги [illegible] поғона бўлиб хизмат қилди.

Олим Усмон ўзбек тили грамматикаси юзасидан [illegible] давом эттирди. Бу соҳадаги ишлардан, айниқса, айрим морфологик шаклларнинг, хусусан, *-дор, -кор, но-, -ий, -вий* каби бир қатор сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўлланиши ва [illegible] юз берган ўзгаришлар, уларнинг сўзларга [illegible] янгиликларни ёритишга бағишланган қатор мақолалари диққатга сазовордир[105].

О. Усмонов ўзбек тили тарихи билан ҳам узоқ йиллардан буён ижодий равишда шуғулланиб келган эди. Айниқса, ўзбек халқининг ва ўзбек тилининг ташкил топиши ҳамда [illegible] иштирок этган этнолингвистик жараёнларни жуда [illegible] тушуниб, уларни холисона илмий баён қилади. У жуда [illegible] туркий ва туркий бўлмаган уруғ-қабилалардан ташкил топган ўзбек халқи ва тилининг умумтуркий тил тизимидан ажралиб [illegible] ва мустақил халқ ва тил сифатида ташкил топиши,

[105] Олим Усмон. *Кор* аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. № 1. – Б. 38-45; Олим Усмон. [illegible] аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 1. – Б. 51-56; Олим Усмон. Рус[illegible] *не* префикс[illegible] [illegible] ўзбек тилида ифодалашда *но-* префиксининг роли // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. № [illegible] [illegible]калар.

шаклланиши ҳамда ҳудудий тарқалишини бой тарих археологик, этнографик ва антропологик материалларга суян ҳолда изоҳлайди ҳамда бу соҳадаги айрим ғайриилмий ва чалк қарашларни танқид қилади. О.Усмонов ўзбек тили тарихи даврлаштириш бўйича . Ўзининг янги таснифини илм а муҳокамасига ҳавола этади[106]. Бу асарда ўзбек халқи ва унинг т тарихининг жуда қадимги (VI аср - турк хонлиги) даврлари бошлаб то Алишер Навоий давригача бўлган тараққиёт й ҳақида фикр баён қилган бўлса, вақт жиҳатдан аввалроқ ёзил бир қатор асарларини эса Алишер Навоий давридаги эски ўзб адабий тилини ўрганишга бағишлайди. Бу масалалар ёритил бир монография ва саккизта салмоқдор илмий мақолада бу Алишер Навоийнинг ўзбек тили тараққиёти учун олиб бор кураши, бу соҳадаги илмий, амалий ва бадиий хизматлари, уни лисоний қарашлари, ўзбек адабий тилини ривожлантиришда ўрни, бу даврдаги эски ўзбек тили ва унинг асосий хусусиятла каби қатор муаммолар ёритилади. 1947 йилда О.Усмон А.К.Боровков илмий раҳбарлигида "Алишер Навоийни "Муҳокаматул луғатайн" асари ҳақида" мавзуидаги номзодл ишини ҳимоя қилган. Кейинчалик бу тадқиқот рус тилида алоҳи монография сифатида нашр этилган эди.

Кўринадики, ўзбек тили тарихининг бу даврини ҳам олим ў тенгдошлари, умуман ўзбек тилшунослари орасида биринчиларда бўлиб илмий асосда тадқиқ этади. Бу асарларда ҳам О.Усмонов хос бўлган иш усули - ўзбек тили тарихини бевосита ўзбек халқ тарихи билан боғлаб тадқиқ қилиш кўзга яққол ташланиб туради.

70-йилларда О. Усмонов «XIX аср охири ва XX ас бошларидаги ўзбек тили лексикаси» деган мавзу юзасидан кен миқёсли илмий тадқиқот олиб борди. Икки қисмдан иборат бўлга бу илмий иш муваффақиятли якунланди[107].

Олим рус ва ўзбек тиллари ҳамда маданиятларининг ўзаро алоқалари масаласи билан жуда жиддий шуғулланган эди. Унинг бу мавзуга бағишланган йигирмадан ортиқ мақола ва монографияларини кенг илмий жамоатчилик яхши билади. 50-80-

[106] Усмонов О. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир // ТошДУ илмий асарлари. Янги серия СТУ чиқиши. Филология фанлари. 2-китоб. Ўзбек тили масалалари. – Тошкент, 1957. – Б. 186-205.
[107] Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар (XIX асрнинг охири – XX ас бошлари). – Тошкент: Фан, 1981. – 320 б.



йилларда эълон қилинган бу асарларда рус тилининг турли даврларда ўзбек тилига таъсирини ва бу жараёндаги хусусий ва умумий қонуниятларнинг илмий умумлашмалари берилганлигидан ташқари, рус тили ва рус маданиятларини ўзбеклар орасида тарқатиш борасида ўта жонбозлик кўрсатган Сатторхон Абдулғаффоров, Исҳоқхон Ибрат каби ўзбек маърифатпарварларининг фаолиятлари ҳам кенг жамоатчиликка таништирилади. Олимнинг бу борадаги илмий фаолияти ҳам ўзбек тилшунослиги фани тарихида алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, О.Усмонов илмий хизматларининг ўзига хослигини кўрсатади. Шу жиҳатдан, у ўтмишда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда яшаган [illegible] ва миллий маърифатпарвар кишиларнинг жонкуяр илмий тарғиботчиси бўлган эди.

Маълумки, ўзбек тили ниҳоятда кўп шевага эга бўлган туркий [illegible] бири саналади. Бундай ҳолатда адабий тилнинг ёзув ва [illegible] меъёрларини белгилаш ва тўғри илмий-назарий асосга [illegible] ҳолда унинг қоидаларини ишлаб чиқиш мушкул иш эди. 1929-1940 йилларда ўзбек ёзувининг лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтиши эса ўзбек тилида бу масалани (ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан) тезда ҳал қилиш [illegible] янада қийинлаштирди. Ана шундай бир шароитда О.Усмонов бу масала билан ҳам астойдил изланишлар олиб борган ва умрининг охиригача - қарийб 50 йил мобайнида изчил шуғулланиб келган эди.

О. Усмонов имло, орфоэпия ва алифбо масалаларига бағишланган 16 та илмий мақола ёзган, қатор имло луғатлари тузган эди. У 30-йилларнинг охирлари ва 40-йилларнинг бошларида мактаблар учун «Ўзбек тили орфографияси бўйича мақолалар тўплами»ни (ҳамкорликда) тузган. У рус графикаси асосидаги янги ёзувда ҳам имло қоидалари ва луғатлар нашр эттирди. Унинг «Орфографиямизнинг икки проблемаси ҳақида» («Маданий инқилоб», 1938, 17-сон), «Ўзбек тили орфографиясини реформа қилиш ҳақида» (1938), «Янги ўзбек алфавити» (1938, ҳамкорликда), «Стабил орфографияни яратамиз» (1939), «Янги ўзбек алфавити ҳақида» (1939) каби кўплаб мақолаларида мазкур [illegible] чуқур илмий таҳлил қилинган.

Ўзбек адабий тили имлоси, талаффуз қоидалари ҳамда [illegible], унинг назарий ва амалий масалаларини уларнинг

ишланиши ва такомил тарихини О.Усмоновнинг эзгу ме
ҳамда иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. У амалдаги
қоидаларимизнинг тузувчиларидан ва фаол тарғиботчилар
бири бўлган эди.

Халқимизнинг саводхонлигини ошириш билан боғлиқ бў
адабий тилимизнинг бу соҳасини Олим Усмон домла ҳа
долзарб масала деб билган ва уни юзаки, шошмашошарлик б
чуқур илмий-назарий асосга таянмай туриб ҳал қилишга қ
турган.

Ниҳоят, О.Усмоновнинг илмий фаолияти ўзбек
терминологияси, лексикологияси ва лексикографияси билан
чамбарчас боғлиқ. Олим ўзбек тили терминологиясининг наз
асослари билан эса илгари, 30-40-йиллардаёқ шуғулланган ва
бағишлаб бир қанча асарлар ҳам ёзган эди, 70-йилларга кели
иш изчил давом эттирилди[108].

Олим Усмонов туркийшунослик илмида ҳамда Ўзбеки
жамоатчилигига машҳур бўлган йирик луғатшунос олим эди
катта ҳажмдаги беш томлик "Русча-ўзбекча луғат" (1950-1
йиллар)нинг тузувчиларидан ва муҳаррирларидаи бири бўл
1956, 1961, 1964 йилларда мактаблар учун оммабоп қи
чиқарилган "Русча-ўзбекча луғат"лар ҳам у кишин
иштирокида юзага келган. Айниқса, «Интернационал сўз
луғати" (Тошкент, 1959, 1962), «Русча-интернационал сўз
изоҳли луғати» (Тошкент, 1963, 1972, ҳаммуаллиф), «Ижтимо
сиёсий терминлар луғати» (Тошкент, 1976; муҳаррир
ҳаммуаллиф) каби йирик луғатлар ўзбек лексикография
тарихининг олтин фондини ташкил этади.

О.Усмоновнинг илмий-педагогик, ноширлик ва умум
самарали меҳнат фаолияти ҳукуматимиз томонидан бир не
фахрий ёрлиқлар, орден ва медаллар билан тақдирланган. 19
йилда эса Олим Усмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсат
фан арбоби» деган юксак унвон берилган эди.

## ШАВКАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ

[108] Усмонов О., Акобиров С. Ўзбек тили илмий терминологиясининг ривожланиш тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. № 6. - Б. 72-78 ва бошқалар



Филология фанлари доктори, профессор Шавкат Раҳматуллаевич Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигининг фидойи ва намоён вакилларидан биридир. Агар биз олимнинг илмий-педагогик ва мураббийлик фаолиятига назар ташласак, унинг нақадар серқирра эканлигига гувоҳ бўламиз. Аввало унинг ўзбек тили фразеологизмларига хос грамматик, лексик, семантик хусусиятларга бағишланган бир қанча мақолалари, қўлланмалари ва монографияси эълон қилинган эди. Жумладан, "Ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг асосий семантик турлари ҳақида" (1956), "Синтактик таҳлилда фразеологик иборалар устида ишлаш" (1956), "Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлашган фразеологик бирликлар ҳақида" (1957), "Ҳозирги замон ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар грамматик структурасининг бир хусусияти ҳақида" (1961), "От фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг ўзгариши ҳақида" (1963), "Феъл фразеологик бирликларда мослашув" (1964), "Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари" (1966), "Нутқимиз кўрки" (1970), "Ўзбек тилида феъл фраземаларда боғлашув" (1992) каби тадқиқотлари Шавкат Раҳматуллаевни ҳақли равишда мамлакатимизда ўзбек фразеологияси фанининг асосчиси даражасига кўтарди. Олимнинг 1952 йилда Москвада ҳимоя қилган номзодлик иши ҳам, 1966 йилда Тошкентда ҳимоя қилган докторлик иши ҳам ўзбек фразеологияси муаммоларига бағишланган эди. Ш.Раҳматуллаевнинг номзодлик иши ўзбек тилидаги феъл фраземаларнинг грамматик хусусиятларини ўрганиш ишини бошлаб берган бўлса, "Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари" деб номланган докторлик диссертацияси ва шу асосда нашр қилинган монографиясида ўзбек тилидаги фраземаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади. Бу ишда фраземалардаги кўп маънолилик, маънодошлик, вариация, антонимия, шаклдошлик ҳодисалари бой фактик материал (ўттиз мингдан ортиқ карточка) таҳлили асосида чуқур тадқиқ этилиб, фраземаларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги-хусусиятларини текширишга кенг йўл очилган. Бу иш ўзбек тилшунослигина эмас, умуман, туркий тиллар фразеологиясини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳисса сифатида туркийшуносликнинг илмий фондидан муносиб жой олган. Негаки, кўп ўтмай шу иш негизида кейинчалик озарбайжон (Г.Байрамов),

бошқирд (З.Ураксин), татар (Г.Ахунзянов), чуваш (М.Ф.Черно ўзбек (Б.Йўлдошев, А.Э.Маматов, А.Маматов) сингари турк тиллар фразеологияси бўйича докторлик ишлари юзага келди.

Ш.Раҳматуллаев лексиколог олим сифатида ҳам ўзбек ти лексикологиясининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. "Луғав бирликларнинг замонавийлиги жиҳатидан гуруҳланиши номланиши масаласига доир" (1962), "Архаизм ва историз (1963), "Семемаларнинг семалар состави ва семантик боглани масаласи" (1974), "Ҳозирги ўзбек семасиологиясининг айри масалалари" (1977), "Лексик маънони компонентлаб таҳлил қили тажрибасидан" (1978), "Семик таҳлил ва лексик синонимия таърифлаш масаласи" (1979), "Ҳозирги ўзбек тилида омогра омоним ва паронимларнинг айрим типлари тўғрисида" (1981 "Семема – мустақил тил бирлиги" (1984) каби ишлар фикримизнинг яққол далили бўла олади. Бу ишларда олим ўзбе тили лексикологиясида биринчилардан бўлиб луғавий бирликларн семик таҳлил қилиш муаммосини кўтариб чиқди ва муваффақиятл ҳал қилди. Ҳозирги кунда ўзбек тили лексикологияси семасиологиясига оид барча тадқиқотлар асосан шу йўналишд муваффақиятли олиб борилмоқда.

Проф.Ш.Раҳматуллаев ўзбек тили грамматикаси бўйича ҳа салмоқли ишларни амалга оширди. Унинг "Модал сўзлар" (1957 "Ҳозирги ўзбек тилидаги сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар (1957), "Ўзбек тилида грамматик муносабатнинг айри кўринишлари ҳақида" (1968), "Гапга, бирикмага доир айри термин ва тушунчалар" (1968), "Отларда негизмлар" (1971), "О лексемага қўшиладиган баъзи форма ясовчилар ҳақида" (1975), " дек форманти ҳақида" (1977), "Орттирма даража ва утимл феълларда синтактик куршов" (1978) сингари мақолалар Ш.Раҳматуллаевнинг изланиш доираси жуда кенг тилшунос оли эканлигидан далолат беради.

Устоз олим Ш.Раҳматуллаев олий мактаблар учун дарслик в ўқув қўлланмалари яратишда ҳам алоҳида фаоллик кўрсати келмоқда. "Ҳозирги замон ўзбек тили" қўлланмасинин "Фразеология" ва "Модал сўзлар" бўлимлари (1957 Ш.Раҳматуллаев қаламига мансуб эди. Кейинчалик олим "Ҳозирги ўзбек адабий тили" номли ўқув қўлланмасининг "Лексикологи ҳамда фразеология" қисмларини ёзиб, унга ҳаммуаллифлик қилди



(1965, 1975). 1992 йилда бу асарнинг тўлдирилган 3-нашри дарслик сифатида эълон қилинди. Айниқса икки томлик "Ўзбек тили грамматикаси" (1975) учун ёзилган "От категорияси" бўлими (124-170 бетлар) олимнинг ҳамиша назарий жиҳатдан юксалиб борганидан далолат беради. Айниқса, отларга хос грамматик категорияларнинг проф.Ш.Раҳматуллаевга хос илмий таҳлили бу соҳани ёритган олдинги бошқа муаллифларникидан кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Олим олий мактабларда тил ўқитиш ишларининг самарали бўлишига доим алоҳида эътибор бериб келмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида тузилган кўплаб дастурлар, контрол ва курс ишлари тематикалари фикримизнинг далили бўла олади.

Проф.Ш.Раҳматуллаев ўзбек орфографиясининг жонкуяр ислоҳотчиларидан бири сифатида ҳам танилдидир. Олим "Орфографиямиз қоидалари – саводхонлигимиз асоси" (1980) номли рисоласи, "Орфографиямизнинг келажаги ҳақида ўйлар" (1974), "Ўзбек графикаси ва талаффуз нормалари" (1983) сингари кўплаб илмий мақолаларида ўзбек орфографиясининг энг долзарб масалаларини ёритиб берди. У лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбосига ўтиш, шу асосда янги ўзбек орфографияси қоидаларини ишлаб чиқиш ташаббускорларидан бири саналади. Унинг акад.А.Ҳожиев билан ҳамкорликда яратган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги "Ўзбек тилининг имло луғати" (1996; ҳозирги кунда мамлакатимизда саводхонликни мустаҳкамлаш ишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Ш.Раҳматуллаевнинг лексикограф олим сифатидаги фаолияти 1964 йилда нашр этилган "Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати" асари билан бошланган эди. Бу луғат, гарчи шундай луғатларнинг илк намунаси бўлишига қарамай, пухта ва изчил тузилганлиги, фразеологизмларнинг оригинал усулда жойлаштирилиб, қиёсланиб ёритилганлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Олим кейинчалик бу луғатни қайта ишлаб, тўлдириб "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати" (1978), "Ўзбек тилининг фразеологик луғати" (1992) номли салмоқли ишларни нашр эттирди. Бу луғатларда тилимиздаги уч мингга яқин фразеологизмларга семантик, грамматик, нутқий изоҳлар берилиши

бўлиб, улар мамлакатимизда ўзбек фразеологиясини ўқиш-ўқит ишига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек тили лексик қатламининг айр томонларини ёритувчи бошқа бир қанча луғатларнинг муалли саналади. Жумладан, у Н.Маматов ва Р.Шукуров би ҳамкорликда "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати"ни на эттирган эди (1980). Кейинчалик Ш.Раҳматуллаев "Ўзбек ти омонимларининг изоҳли луғати"ни эълон қилди (1984). А антонимлар луғатида 495 антонимик гуруҳга бирлашувчи 1800 яқин антонимик жуфтлик тасвирланган бўлса, омонимлар луғати 497 омоифода остига бирлашувчи 1160 дан ортиқ лексемага из берилади. Бу эса Ш.Раҳматуллаевнинг ниҳоятда меҳнаткаш зукко тадқиқотчи эканлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида олим яна бир муҳим лексикографи ишга қўл урди. У 1997-1999 йилларда ҳамкорликда тў китобчадан иборат "Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати" эълон қилди. Кейинчалик бу ишларни бирлаштириб, қайта ишла тўлдириб "Ўзбек тилининг этимологик луғати" номи билан китобдан иборат салмоқли ишни эълон қилди (2000; 2003; 2009 Ҳозирги вақтда Ш.Раҳматуллаев тилимиз этимологик луғатини қолган томларини яратиш устида жиддий иш олиб бормоқд Проф.Ш.Раҳматуллаев томонидан яратилган "Тил қурилиш бирликлари" (2002), "Ҳозирги адабий ўзбек тили" (2006), "Систе тилшунослик асослари" (2008) каби дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳозирги пайтда мамлакатимизда олий филологик таълимни йўл қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Профессор Ш.Раҳматуллаевнинг муҳаррирлик ва тақризчили фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш ўринлидир. Бу соҳад олимнинг принципиаллик ва синчковлик билан ишлаш тилшуносликка оид кўплаб китобларнинг илмий-назарий жиҳатда етук бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим тилшуносларнин бутуниттифоқ ва минтақавий анжуманларида ҳам тил илминин муҳим муаммоларини кўтариб чиқади. Масалан, у 1959 йилд СамДУда ўтказилган фразеология масалаларига оид 1 бутуниттифоқ симпозиумида ўзбек фразеологиясининг долзар масаларига оид маъруза билан чиқиш қилган, Самарқандд ўтказилган "Фразеологизм ва сўз" мавзуидаги халқаро симпозиум (1971)да ҳам бевосита иштирок этган эди. 1980 йилда Тошкентд



Фрунзе... бутуниттифоқ туркийшуносларининг Ш конференциясида ... Ш.Раҳматуллаев семасиологиянинг муҳим масалаларидан бири семема ҳақидаги оригинал фикрларни ўртага ташлаганди.

Ш.Раҳматуллаев қайси соҳага қўл урмасин, ўша соҳанинг энг ...ларб томонларини топа олади ва уни ўзига хос услубда ёрита олади. Шу жиҳатдан олимни ўзбек тилшунослигида ўзига хос мактаб яратган тадқиқотчилардан бири дейиш мумкин. Проф.Ш.Раҳматуллаевнинг яратган ишлари лингвистика билан шуғулланувчи ҳар бир киши учун бой материалгина бўлиб қолмай, уларни фикрлашга, илмий ижод қилишга ундовчи дастуруламал ҳамдир.

Бугунги кунда Ш.Раҳматуллаевнинг мураббийлик хислатлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида бир неча докторлик ва йигирмадан ортиқ номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Домланинг шогирдларидан кейинчалик Н.Қўчқортоев, А.Цалкаламанидзе, С.Маҳматқулов кабилар докторлик ишларини ҳам ҳимоя қилганлар. Ҳозирги кунда ҳам проф.Ш.Раҳматуллаев ЎзМУ профессори, илмий-таҳрир бўлимининг етакчи ходими сифатида ўз бурчини виждонан ва ...лик билан бажариб келмоқда. У узоқ йиллар ЎзМУ қошидаги докторлик диссертациялари ёқланадиган махсус Илмий кенгаш раиси, республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги илмий-услубий кенгаш раиси, шу вазирликдаги илмий-техника кенгашида тилшунослик шўъбасининг раиси бўлган. Олим узоқ йиллар ЎзМУдаги ўзи асослаган умумий тилшунослик кафедрасини моҳирлик билан бошқарган.

Проф.Ш.Раҳматуллаевга хос фазилатлар ҳақида гапирганда, ...даги илмга чуқур ҳурмат, илмий принципиаллик, виждонлилик, ...лик алоҳида ажралиб туради. Худди шу хислатлар Ш.Раҳматуллаев илмий изланишларининг ҳар бир сатрини, мазмунини, моҳиятини қамраб олади. У ўзи холис, принципиал тадқиқотчи бўлиш билан бирга, ўз шогирдларига ҳам шундай ...лар билан ёндошадиган, уларга ҳам худди шундай олижаноб хусусиятларни сингдира олган меҳрибон устоздир. Зеро, ҳар қандай олим учун энг муҳим нарса илм олдидаги масъулиятни виждонан ...ай олиш, ўз соҳасидаги озгина бўлса-да, янгиликка интилиш ва ...га эришишдир. Шунинг учун ҳам профессор Шавкат Раҳматуллаевни олтмиш йиллик илмий-педагогик фаолиятини

ҳамма босқичларида даврнинг энг юксак талабларига жавоб бе оладиган ҳалол инсон сифатида илмий жамоатчилик жуда ҳурм қилиб келади. 2005 йилда Ш.Раҳматуллаевнинг Юртбошим томонидан "Буюк хизматлари учун" ордени бил тақдирланишининг ўзиёқ ана шу чуқур ҳурмат ва эъзозининг ёрқ намунасидир.

## АЗИМ ҲОЖИЕВ

Айюб Ғулом асос солган ўзбек илмий тилшунослиг байроғининг сарбаланд бўлишида Ўзбекистон Республика Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон фан арбоби, филолог фанлари доктори (1970), профессор (1977) Азим Пўлатов Ҳожиевнинг хизмати беқиёсдир.

Азим Ҳожиев 1933 йилда Тошкентда туғилган. 1956 йил Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филолог факультетини тамомлаб, шу йили аспирантурага ўқишга кирад Бўлажак олимнинг "Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар с сўз бирикмалари", "Яна қўшма сўзлар ҳақида" каби қатор илми мақолалари талабалик йилларида эълон қилинган эди. 1960 йил проф.В.В.Решетов раҳбарлигида "Ўзбек тилида ҳозирги замо феъли формалари" мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилади, 196 йилда эса "Ўзбек тилида тўлиқсиз феъл" мавзуидаги докторли ишини муваффақиятли ёқлаган А.Ҳожиевнинг бундан кейинг тақдири ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти билан боғлиқ бўлд Олим бу институтда кичик илмий ходим (1959-1960), катта илми ходим (1960-1969), директор ўринбосари (1969-1973; 1985-1991 ҳозирги ўзбек тили бўлимининг мудири (1973-1992), институ директори (1991-1998) лавозимларида самарали хизмат қилди. 200 йилда олимга "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвон берилган.

Азим Ҳожиев ўзбек тили морфологияси, сўз ясалиш морфемикасига доир қатор асарларида туркий тилларнинг, хусусан ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти ҳақида кўпроқ фикр юритади Бу асарларида у рус тилшунослигидан андоза олишга қарш курашади. Хусусан, "Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши" (1979 номли китобида рус тилшунослиги таъсирида ўзбек тилида ҳа "форма ясовчи аффикс"нинг "форма ясовчи" ва "форм ўзгартирувчи (ёки сўз ўзгартирувчи)" каби икки тур



жратилаётгани, "форма ясовчи" аффиксларнинг бундай икки турга жратилиши ўзбек тили нуқтаи назаридан назарий асос ва амалий ммиятга эга эмаслигини баён қилади (9-бет). Шунингдек, сўз ркиби юзасидан ўзбек тилшунослигида яратилган асарларни лил қилар экан, бу асарларда рус тилшунослигидаги "корень", "основа" атамаларига кўр-кўрона эргашиш асосида "ўзак" ва "негиз" атамалари пайдо бўлганлиги, ўзак ва негиз унучаларининг чалкаш талқин этилаётганлигининг асосий сабаби сўзнинг морфемик, морфологик ва ясалиш жиҳатдан тузилишлари (структураси) бир-биридан фарқланмаслиги эканлигини таъкидлайди ва уларнинг фарқли томонларини шончли далиллар асосида очиб беради (29-38-бетлар).

Азим Ҳожиевнинг тадқиқ усули реал фактларга таяниш ва ана шу фактлар асосида чуқур илмий хулосалар чиқаришдир. Бу усул тадқиқотчи учун ўзига қадар бошқача талқини топган бир қанча лингвистик ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри баҳолашга имконият яратди. Шунинг учун унинг ҳар бир асарида ўзигача бўлган тилшуносларнинг фикрларига танқидий ёндашув, баҳс-мунозара ва шахсий мулоҳазаси ўз ифодасини топади. Натижада қўшма, жуфт, такрорий сўзларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, бир қатор қўшма аффикс деб қаралаётган аффиксларнинг қўшма аффикс талабига жавоб бермаслиги, қўшма феъл сифатида баҳо берилаётган қатор феълларнинг, хусусан, етакчи ва кўмакчи феъллар бирикувидан ташкил топган феълларнинг қўшма феъл эмаслиги, феъл ясалишининг икки тури: 1) отдан феъл ясаш; 2) феълдан феъл ясаш турлари мавжудлигини эътироф этувчиларни танқид қилган ҳолда, феълдан феъл ясаш сўз ясалиши эмаслиги ишончли далиллар асосида ёритиб берилади.

Азим Ҳожиев учун характерли бўлган синчковлик, ҳар бир лингвистик ҳодисани бой фактик материаллар асосида тадқиқ этиш унга туркий тилларга хос бир қатор лингвистик ҳодисаларни объектив таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш имконини берди. Масалан, ўзбек тилидаги 22 та кўмакчи феълларнинг етакчи феълга қўшилиб, қандай грамматик маънолар ифодалаши асосли ёритилади. Шунингдек, бешта тўлиқсиз феълнинг морфологик тузилиши ва вазифаси алоҳида монографияда ўзбек тилшунослигида илк бор кенг таҳлил қилинган.

Маълумки, жаҳон тилшунослиги тажрибасида луғат ... нақадар сермашаққат иш эканлиги кўпчилик томонидан эът... этилган. Акад.Азим Ҳожиев лингвистик меросининг катт... қисми ўзбек лексикографиясини ривожлантиришга қарати... Олим ўзбек маданий ҳаётида катта воқеа бўлган икки жил... "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (М., 1981), беш жилдлик "Ў... тилининг изоҳли луғати" (Т., 2006-2008)нинг ташкилотчилар... етакчи муаллифларидан бири саналади. Шунингдек, у "Ўзбек ... синонимларининг қисқача луғати" (1963), "Ўзбек синонимларининг изоҳли луғати" (1974), "Ўзбек тили грамм... терминларининг қисқача изоҳли луғати" (1980), "Лингви... терминларининг изоҳли луғати" (1985), "Узбекско-рус... синонимический словарь" (1990), "Узбекско-русский учеб... словарь" (1995), "Ўзбек тилининг имло луғати" (1995), "Ҳози... ўзбек адабий тили фаол сўзларининг изоҳли луғати" (20... "Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати" (2002) синг... қатор луғатларнинг муаллифидир.

Азим Ҳожиев таълим муассасаларида она тилини ўқит... масаласида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, ун... жонбозлиги ва муаллифлигида олий ўқув юртлари филоло... факультетлари талабалари учун "Ҳозирги ўзбек адабий тили"... ўрта мактабларнинг V-IX синф ўқувчилари учун "Она ти... дарсликлари яратилди. Шунингдек, талабалар учун мўлжаллан... "Ўзбек тилида форма ясалиши" (1979), "Ўзбек тилида сўз ясалиш... (1989), "Ўзбек тили сўз ясалиши тизими" (2007) синг... қўлланмалари тил таълими самарадорлигининг ошишида ка... аҳамият касб этмоқда.

Азим Ҳожиев ўзбек филологиясининг равнақ топиши уч... катта ташкилотчилик ишларини ҳам олиб борди. У узоқ йиллар Ў... ФА Тил ва адабиёт институтининг директори ўринбоса... Тилшунослик институти директори лавозимларида фаол... кўрсатган. Бу даврда олимнинг улкан бошқарувчилик фаолия... намоён бўлган эди. Худди шу даврларда унинг ташаббуси ... бевосита иштироки билан икки томдан иборат "Ўзбек ти... грамматикаси" (1975-1976), бир томлик "Ўзбек ти... лексикологияси" (1981), уч томлик "Ўзбек адабий тилини...

---

[109] Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили... қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.



...тараққиёти" (1988-1991) сингари фундаментал асарлар яратилди. Бу асарлар ва Азим Ҳожиевнинг шахсан ўзи томонидан яратилган "Ўзбек тилида кўмакчи феъллар" (1966), "Тўлиқсиз феъл" (1970), "Феъл" (1973), "Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши" (1979) каби китоблар ўзбек тилшунослигининг олтин фондига киритилган.

Олимнинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борган ишлари ҳам ибратлидир. Аввало, у узоқ йиллар Тил ва адабиёт институти қошидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгашга раислик қилди. Азим Ҳожиевнинг илмий раҳбарлигида шу кунга қадар ўндан ортиқ фан докторлари ва қирқдан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди.

Акад.Азим Ҳожиев кейинги ўн йил давомида "Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари" номи билан "Ўзбек тили ва адабиёти", "Филология масалалари" журналлари саҳифаларида йигирмадан ортиқ илмий мақолалар нашр эттирди. Бу мақолалар [illegible] "Ўзбек тили морфемикаси" (1992), Ҳ.Неъматов, Р.Расуловнинг "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" (1995), А.Нурмонов ва бошқаларнинг "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси" (морфология, 2001), Ш.Раҳматуллаевнинг "Тил қурилишининг асосий бирликлари" (2002), Р.Сайфуллаева ва бошқаларнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (морфология, 2005) каби асарларда баён этилган назарий фикрларга асосли илмий муносабат билдириш негизида юзага келган. Ана шу мақолалар негизида кейинчалик олимнинг йирик монографияси эълон қилинди[110].

## АБДУЛЛА СУЛАЙМОНОВ

Абдулла Ҳусаинович Сулаймонов 1894 йилда Россиянинг Ульяновск вилоятига қарашли Новоспасск туманининг Эски Мастяк қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Бошланғич ва ўрта маълумотни Астрахань шаҳрида олгач, 1912 йилдан бошлаб Астрахань ва Ульяновск вилоятлари мактабларида ўқитувчилик билан шуғулланган. Изанувчан педагог ёшларга таълим бериш...

---

[110] [illegible] Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: [illegible], 2010. – 256 б.

билан бирга ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа курсларда малакасини мунтазам равишда ошириб берган эди.

1930 йиллардан бошлаб А.Х.Сулаймонов ўз педаг фаолиятини Самарқанд шаҳрида давом эттирди. Аввало шаҳардаги ўрта мактабларда она тили ва адабиёти фанидан д беради. Ўз билимини ошириш мақсадида у Ўзбекистон Да университети (ҳозирги СамДУ) филология факультетининг ке бўлимида таҳсил олади. Ўқишни муваффақиятли тамомлага аввал СамДПИда ўқитувчи, ўзбек тилшунослиги кафедрасин мудири бўлиб ишлайди, 1956 йилдан умрининг охиригача (19 СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти лавозим самарали фаолият кўрсатади.

А.Х.Сулаймонов ўзи танлаган тилшунослик фанлари "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Ўзбек тили ўқитиш методика соҳаларидан талабаларга чуқур ва атрофлича билим бери ўзининг юксак педагогик маҳоратга эга бўлган, етук мутахас эканлигини яққол намойиш эта олган, ҳамма ҳавас қиладиган до эди.

А.Х.Сулаймонов СамДУнинг энг тажрибали, билимд обрўли педагог ўқитувчиларидан бири бўлиш билан бирга, ўз тилшунослиги соҳасида самарали илмий-тадқиқот ишларини о борган зукко олим ҳам эди. 1949 йилда у У.Турсунов раҳбарлиг "Ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон феъл категорияси" де мавзуда номзодлик ишини ҳимоя қилиб, филология фанл номзоди илмий даражасига эга бўлди. Тез орада унга доцент унвони ҳам берилди. Олимнинг номзодлик иши материалл кейинчалик ҳаммуаллифликда эълон қилинган моногра таркибига киритилган эди[111].

А.Х.Сулаймоновнинг илмий фаолияти ҳозирги ўз тилининг морфология, синтаксис, стилистика каби энг долз муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган эди. Олим ўзбек ада тилининг морфологияси, синтаксиси, услубияти пунктуациясининг муҳим масалаларини илмий-назарий жиҳат чуқур ёритишга бағишланган бир қатор салмоқли илмий-тадқи ишларининг муаллифи саналади. Жумладан, олимнинг ўзбек т

[111] Сулаймонов А., Ҳожиев А., Жўраева Ж. Феъл замонлари. – Тошкент: ЎзФА нашри, 1962. – 124 б.



синтаксисига доир илмий-назарий қарашлари вафотидан кейин ҳаммуаллифликда нашр этилган асарида ўз аксини топган эди[112].

А.Х.Сулаймонов юқори малакали илмий ходимлар етиштириб чиқаришдек машаққатли соҳада ҳам унумли меҳнат қилган эди. Унинг илмий раҳбарлигида Ф.Убаева (1959), А.Абдуллаев (1960), Н.Абдураҳмонов (1962), С.Аслиддинов (1964), Х.Холиёров (1966) каби ёш олимлар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

А.Х.Сулаймоновнинг халқ маорифи ва олий таълим соҳасида эришган ютуқлари муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" фахрий унвонига ҳамда "Халқ маорифи аълочиси" нишонларига сазовор бўлган эди.

Ўз онгли ҳаётининг қарийб ярмини Самарқандда ўтказиб, Ўзбекистонда, хусусан Самарқандда ўрта ва олий таълимнинг, илм-фаннинг, айниқса тилшунослик илмининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олим ва мураббий А.Х.Сулаймоновнинг ёрқин хотирасини шогирдлари чуқур ҳурмат билан эсга оладилар.

## ҲАМДАМ БЕРДИЁРОВ

Профессор Ҳамдам Бердиёров ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида одамларга яхшилик қилиш шиорига қатъий амал қилиб яшаган эди. Шу сабабли у элда яхши инсон, ажойиб педагог, меҳрибон устоз, содиқ дўст, меҳрибон ота, ҳазил-мутойибага ўч ширинсуҳбати жонон киши сифатида ўчмас ном қолдирди.

Ҳамдам Бердиёров 1918 йилда Пахтачи туманига қарашли "Деҳқонобод" ширкатлар уюшмасининг Қурбонкул қишлоғида чорвадор деҳқон оиласида туғилган эди. Ота-онасидан жуда эрта жудо бўлиб, Мирбозордаги болалар уйида тарбияланган эди. Айни иккинчи жаҳон уруши арафасида – 1941 йилда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) филология факультетини тамомлаган Ҳ.Бердиёров Назармат Эгамназаров, Бурхон Турсунов, Қодир Имомов, Улуғ Раҳимов каби ўз тенгдошлари билан бирга кўнгилли бўлиб фронтга, Ватан ҳимоясига отланган эди. Уруш ғалаба билан тугагач, катта лейтенант унвонига сазовор бўлган, жасорати учун "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланган Ҳ.Бердиёров 1946

[112] Абдураҳмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 234 б.

йилдан яна ўзининг жонажон дорилфунуни кучоғига қайта аспирантурада ўқийди, профессор У.Турсуновнинг илм раҳбарлигида 1949 йилда "Ҳозирги ўзбек тилида сўнг кўмакчил мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу ишн расмий хакамларидан бири академик ёзувчи Садриддин Айн бўлган эди[113].

Ҳ.Бердиёров ўтган асрда қарийиб 40 йил давомида Самарқа университетида тилшунос олим сифатида толиби илмла "Тилшуносликка кириш", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Умум тилшунослик" каби фанлардан моҳирлик билан дарс беради. 19 йилда Ҳ.Бердиёров СамДУда янги умумий тилшунос кафедрасини асослайди ва унга умрининг охири (1984 йил октябр)гача мудирлик қилади. Тажрибали педагог, меҳрибон ус сифатида Ўзбекистонда филолог кадрлар тайёрлаш иш Самарқанд тилшунослик мактабининг ривожига муносиб ҳи қўшгани учун 1979 йилда унга профессорлик илмий унв берилган эди.

Домла ўзининг қарийб ўттиз йиллик умрини тилимизда *"юлдузни бенарвон урмоқ", "тепа сочи тикка бўлмоқ", "пич мой устида"* каби фразеологизмларни, *бугунги ишни эртага қўй.., темирни қизиғида бос, қолган ишга қор ёғар* сингари мақол, мата ҳикматли ибораларни тўплаш, уларни изоҳлаш, илмий-назари жиҳатдан тадқиқ этиш ва бундай тил бирликларининг луғатларин яратиш ишига бағишлади, бу соҳага оид ўнлаб китоблар чо этди[114]. Профессор Ҳ.Бердиёров республикамизда илк бо яратилган паремиологик луғатнинг ҳам муаллифи эди[115].

Домладан таълим олган ёшлар орасидан кейинчалик жуд кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиққа Худойберди Дониёров, Абдужаббор Мухторов, Эрнст Бегмато Раҳматулла Қўнғуров, Холмирза Холиёров, Ғайбулла Саломо Назар Ражабов, Раззоқ Расулов, Фатҳиддин Исҳоқов, Жўрабо Ҳамдамов, Эргаш Қиличев, Ҳолиқ Абдураҳмонов, Тўра Нафасо

---

[113] Бердиёров Ҳ. Биринчи оппонентим // Л.йўли, 1978 йил, 8 апрел.

[114] Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 1-қисм. - Самарқан СамДУ нашри, 1976. – 124 б.; Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материалла 2-қисм. – Самарқанд, СамДУ нашри, 1976. – 112 б.; Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси доир библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, СамДУ нашри, 1977. – 40 б.; Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 3-қисм. – Самарқанд, СамДУ нашри, 1983. – 58 б. бошқалар.

[115] Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.



Бозорбой Ўринбоев, Обрўй Эшмуродов, Лола Абдуллаева, Абдужаббор Дониёров, Усмон Санақулов, Бердақ Юсупов, Суюн Каримов, Босим Тўйчибоев, Жўлибой Элтазаров, Муродқосим Абдиев, Қаршибой Усмонов, Тоҳир Қурбонов сингари таниқли олимлар шулар жумласидандир.

Бугина эмас, мамлакатимизнинг, хусусан Зарафшон воҳасининг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, Ҳамдам Бердиёров домладан таълим-тарбия олган ва ундан кўп яхшиликлар кўрган ўқитувчиларга, мактаб-маориф ва маданият ходимларига, журналистларга дуч келасиз. Бу заҳматкаш зиёлилар ҳозирги кунда ҳам домлани миннатдорлик билан эслайдилар.

Масалан, меҳнат фахрийси, таниқли маорифчи, кўп йиллар Пахтачи туманида халқ маорифи бўлимининг мудири, мактаб директори сифатида фаолият кўрсатган Қойиддин Низомов шундай эслайди: "Мен 1946-1951 йилларда СамДУнинг филология факультетида ўқидим. Менинг талабалик пайтларим оғир йиллар эди. Мамлакат эндигина урушни тугатиб, тинч қурилиш даврига қадам қўйган, ҳаётда иқтисодий танглик, етишмовчилик ҳукмрон эди. Ана шундай оғир йилларда Ҳ.Бердиёров бир майизни қирқка бўлиб ейишни ўргатар ва бу соҳада ҳам унинг ўзи кўпчиликка намуна кўрсатар эди. Қийинчиликлар ўтади-кетади. Келажагимиз, албатта, порлоқ бўлади, деб биз – ёшларга далда берар эди. У жуда кўп ўқитувчиларнинг ҳақиқий устозидир".

Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор раис Шамси Назаров хотираси ҳам диққатга лойиқ: "Мен ҳам Ҳамдам акадан таълим олиш бахтига муяссар бўлганман. Домла бировнинг ютуғидан, хусусан, шогирдининг ютуғидан қувонарди. Ғаразни, бахилликни, ичи қораликни билмас, гуруҳбозликдан ва бемаъни тарафкашликдан нафратланарди. У пок, хушчақчақ, ҳалол яшаган инсон эди. Ҳамдам ака ҳақиқий дўст-биродар эди. Домланинг олижаноб инсоний фазилатлари Шароф Рашидов, Орзу Маҳмудов, Бектош Раҳимов каби таниқли жамоат арбоблари томонидан ҳам ғоят қадрланар эди. Мен бунга бир неча бор шахсан гувоҳ бўлганман".

Домланинг яна бир шогирди, профессор Бозорбой Ўринбоев ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади: "Ҳамдам Бердиёров ўзбек тилшунослигининг деярли барча соҳаларида қалам тебратган, ўз истеъдоди ва қобилиятини синаб кўрган забардаст тадқиқотчи эди

У каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай меҳрибон эди. Ҳамда ҳамдам бўлган даврада ҳар доим кулги, хушчақчақли хушнудлик ҳукм сурар эди. Кулганида ҳам ҳам юракдан, б овоз билан кулар эди. Ўта футбол ишқибози ва моҳир шах эди. Ҳар қандай об-ҳавода, ҳар қандай транспортда ва ҳар к йўлда юриш қобилиятига эга киши эди"[116]. Домланинг тилшунослигининг ривожида, айниқса, ўзбек фразеолог фразеографияси тараққиётида алоҳида ўрни бор[117].

Дарҳақиқат, проф.Ҳ.Бердиёровнинг ўрганса, ўрнак арзийдиган хислатлари кўп эди. Таниқли шоир Наз хотиралари ҳам ана шундан далолат беради. Назармат "Мен би Ҳамдамжон хушчақчақ ва ширин сўз йигит, тиришқоқ ва и чанқоқ талаба, дўст қадрига етадиган ва ўз фикрини дадил оладиган инсон эди. Ҳамдамжон ўзининг халқ ва Ватан олди фуқаролик бурчини чуқур хис этарди", - деган эди. Кўрина Ҳамдам Бердиёров фақат тилшунослик муаммоларини оддий тадқиқ этиш ва талабаларга қуруқ маъруза ўқиш билан ўрала қолган тор маънодаги биқиқ одам эмас эди. Унинг фаолият қизиқиш доираси кенг, фикри теран, эҳтироси жўшқин, д биродарлари жуда беҳисоб эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими, профе Ҳамдам Бердиёровнинг номини абадийлаштириш соҳасида вилоятда муайян тадбирлар амалга оширилган. Самар шаҳридаги кўчаларнинг бирига, Пахтачи туманидаги умумтаълим мактабига унинг номи берилган. 1998 йилда СамД унинг хотирасига бағишлаб илмий анжуман ўтказилган ва анжуман материаллари алоҳида китоб шаклида чоп этилган 2010 йилда "Ҳамдам Бердиёровнинг илмий мероси ва ўз тилшунослиги масалалари" номли илмий мақолалар тўплами на этилди.

1991 йилда Пахтачи туманидаги мактабга устоз Ҳ.Бердиё номини қўйишга бағишланган йиғилишда иштирок этган таник жамоат арбоби Бектош Раҳимов шундай сўзларни айтган э "Ҳамдам ака ҳар қанча улуғланса арзийди. Чунки у ҳурматга лой

[116] Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Уч аллома – уч забардаст устоз // Услубшуносликнинг долзарб муаммо Халқаро илмий анжуман материаллари. - Самарқанд, СамДУ нашри, 1999. – Б. 151-152.
[117] Йўлдошев Б., Вафоева М. Ўзбек фразеологияси муаммолари профессор Ҳамдам Бердиёров талқини Услубшуносликнинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. - Самарқанд, Сам нашри, 1999. – Б. 52-57



...ди. Ана шунинг учун Ҳамдам Бердиёров номи ушбу илм ...ганга жуда-жуда ярашиб турибди... Энди шу мактаб ...чиларига бир илтимосим бор: Катта домла номидаги мактаб ...ига асло доғ туширманглар. Ҳамдам акадан ибрат олиб яхши ...лар, одоб-интизомда бошқаларга намуна бўлинглар. Халқни, ...ни жон дилдан севиб, сидқидилдан меҳнат қилинглар, доимо ... интилинглар. Ана шунда, жон болаларим, сизлар ҳам ...нинг етук кишилари бўлиб етишасизлар, домла Бердиёровдек ...к ҳурматига сазовор бўласизлар".

Профессор Ҳамдам Бердиёровнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ... авлод учун доимо ибрат мактаби бўлиб келган. Домла ўзининг ...н ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишлари, яратган илмий ...ари, кўплаб истеъдодли шогирдлари, дўст-у ўртоқлари, ...ин шакар фарзанд-у невaралари қалбида яшаб келмоқда.

Шундай қилиб, комил инсон, етук тилшунос олим, профессор Ҳамдам Бердиёровнинг бой илмий меросини тўплаш, қайта нашр ...ш, домла ҳақидаги замондошлари ва шогирдларининг хотираларини алоҳида китоб ҳолида эълон қилиш ҳозирги давр ...ларини илм-фанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият ...б этади.

## ХУДОЙБЕРДИ ДОНИЁРОВ

Худойберди Дониёров 1927 йил апрель ойида Тошкент ...нинг Бекобод туманидаги Уяс қишлоғида оддий меҳнаткаш ...сида таваллуд топган. Қишлоғидаги ўрта мактабни тугатгач, 1946 йили Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлайдиган махсус билим ...да сиртдан таълим олган.

1944-1946 йилларда Х.Дониёров ўзи яшаган қишлоғидаги ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Билимга чанқоқлик уни 1946 йилда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)га етаклади. Университетнинг филология факультетини 1951 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, 1951-1954 йилларда Москва Давлат университетида аспирантурада таълим олди ва 1954 йилда "Ўзбек ...нинг бахмал шеваси" мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилади. Шундан кейин у СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кейинчалик доцент лавозимида самарали фаолият кўрсатди.

Х.Дониёров 1969-1979 йилларда Сирдарё Давлат педагог институтининг ректори лавозимида ишлади. 1979 йилдан Сам ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори, 1984-1991 йил давомида эса умумий тилшунослик кафедрасининг муди лавозимида ишлади.

Х.Дониёров педагогик қаолият билан бир қаторда илм тадқиқот ишларини ҳам изчил давом эттирди. Олимнинг иж жуда серқирра бўлиб, дастлабки даврларда адабий-бади маънавиятимизнинг назарий масалалари билан, айни адабиётшунослик, фольклоршунослик, бадиий услуб масала билан шуғулланди ва бу соҳада жиддий муваффақиятга эриш С.Мирзаев билан ҳамкорликда ёзилган ва "Ўқитувчи", "Фа адабиёт ва санъат нашриётлари томонидан чоп этилган "( санъати" (1963), "Ўзбек совет адабиёти" (1969), "Ҳозирги ўзб адабиёти" (1978), Б.Йўлдошев билан ҳамкорликда яратил "Адабий тил ва бадиий стиль" (1988) каби монография дарсликлари, ўша пайтларда коралaнган "Алпомиш" досто ҳақидаги жасоратли чиқишлари унга катта шуҳрат келтирди.

Х.Дониёров ижодий фаолиятининг асосий қисмини ўзб тилшунослиги, жумладан, шевашунослик соҳасидаги илм тадқиқотлар ташкил этади. Олим шу соҳадаги кўп йилл кузатишлари натижасида 1977 йилда "Шарқий қипчоқ шевалари уларнинг ўзбек адабий тилидаги иштироки" мавзуидаги доктор диссертациясини муваффақиятли ёқлаган эди. Х.Дониёровни "Ўзбек халқининг шажара ва шевалари" (1968) асари ўзбек халқи унинг тили тарихига оид нодир илмий тадқиқот санала "Ж"ловчи диалектларни ўзбек адабий тили билан қиёслаб ўргани тажрибасидан" (1975), "Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлар (1977), "Қипчоқ диалектларининг лексикаси" (1979) ном монографияларида қипчоқ шеваларининг ғарбий ва шарқ йўналишларини ўрганиш асосида ўзбек диалектларининг ҳозир адабий тилнинг шаклланиши ва тараққиётидаги ўр тилшуносликда биринчи марта кенг таҳлил қилиб берилган э Шу билан тилшунослар ва тарихчилар орасида ўзб қипчоқларининг умумтуркий тиллар оиласидан ажралиб чиқ туркий-ўзбекларга келиб қўшилиши даври ва унинг ўзбек ти тараққиётидаги роли масаласида ягона фикр бирлиги бўлмаган б



пайтда Х.Дониёров ушбу асарлари билан мунозарали ва муҳим масалага якун ясади.

Шевашунос-этнограф олим Х.Дониёров ўзбек тили тарихини ўрганиш бўйича ҳам анчагина илмий тадқиқотлар олиб борган эди. "Навоий ва ўзбек адабий тили" (1972), "Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари" (1977), "Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси" (1985), "Алишер Навоий – тилшунос олим" (ҳаммуаллиф, 1991) каби бир қатор рисолалари ва ўнлаб илмий мақолалари ана шундай асарлар қаторига киради. Олим "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (1-қисм, 1980) номли дарсликнинг илмий нашри муаллифларидан бири ҳам эди. Сермаҳсул олим умри давомида икки юз элликдан ортиқ илмий ва илмий-методик характердаги мақолалар эълон қилди. Бу тадқиқотларида ҳалқимиз ва тилимиз тарихига доир гоят қимматли фикрларни баён этиш билан бирга ёшларни меросимиз ва тилимизга оид тарихий манбаларга, диалект ва шеваларга ҳамда ўзбек адабий тили тараққиётига давр талаби нуқтаи назаридан ёндошиб, уларни чуқурроқ ўрганишга даъват этган эди.

Проф.Х.Дониёров яратган асарлар ҳозирги кунда ёш тилшунослар, магистрантлар ва талабалар учун асосий дарслик ва қўлланмалардан бири бўлиб қолган.

Х.Дониёровнинг малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва ўзбек тилшунослиги фанини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У бир қатор орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган эди. Шунингдек, у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлган эди. Ана шундай таниқли олим, тажрибали педагог орзу-ниятлари айни амалга ошаётган ва ижоди гуллаб яшнаётган бир пайтда – 1991 йилда 64 ёшида вафот этди. Проф.Х. Дониёровнинг дўстлари, кўплаб шогирдлари ва ҳамкасблари серғайрат олим ва моҳир педагог, саҳий ва бағри кенг инсонни ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оладилар. Олим ўн йил ректорлик қилган Гулистон Давлат университетининг ташаббуси билан 1997 ва 2004 йилларда "Профессор Худойберди Дониёров илмий мероси ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди[118], кейинчалик

[118] Атоқли олим, профессор Худойберди Дониёров таваллудининг 70 йиллиги ... илмий амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 1997. – 152 б.; "Профессор Худойберди Дониёров илмий

"Худойберди Дониёров ва ўзбек тилшунослиги" деб номла монография нашр этилди[119]. Проф.Х.Дониёровнинг бой ва серқ илмий мероси келгусида янада чуқурроқ тадқиқ этилиши лозим

## АБДУЖАББОР МУХТОРОВ

Абдужаббор Мухторов 1926 йилда Самарқанд шаҳрида к хунарманд оиласида туғилган. 1939 йилда тўлиқсиз ўрта макта тугатгач, дастлаб ишчилар факультетида, 1940 йилда Самарқанд ўқитувчилар институтида ўқишни давом эттирди. У вақтда иқтисодий аҳволнинг оғирлиги туфайли у вақтинча ўқиш тўхтатиб, 1942-1944 йиллар давомида Самарқанд туманидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Илмга бўлган катта ҳавас қизиқиш уни 1944 йилда Ўзбекистон Давлат университети (ҳози СамЛУ)га етаклаб келади ва у университетнинг филоло факультетига ўқишга киради. 1948 йилда ўқишни тамомла ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги аспирантурага тавс этилади. Айни замонда А.Мухторов собиқ М.Горький номид Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек ти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

А.Мухторов 1951 йилда аспирантурани тугатгандан кей университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида иш қолдирилади. 1967 йилгача шу кафедрада ўқитувчи, кат ўқитувчи, доцент ва 1962-1964 йилларда эса факультет дека ўринбосари лавозимларида ишлайди. 1954 йилда проф.У.Турсун раҳбарлигида "Ўзбек тилида боғловчилар" мавзусида номзодл диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

А.Мухторов 1967 йилдан С.Айний номидаги Самарқа Давлат педагогика институти ташкил этилиши муносабати били ушбу олий ўқув юртига ишга таклиф этилади ва у ерда ўзб тилшунослиги кафедрасининг мудири сифатида фаолият кўрса бошлайди. Ташкилотчи олим 1978-1981 йилларда ўзбек тили адабиёти факультетининг декани лавозимида ишлайди. У жамо ишлари билан биргаликда ўзбек тилшунослиги муаммоларига о

мероси ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзуидаги илмий-амалий анжуман материалл (2004 йил 28 май). – Гулистон, 2004. -72 б.

[119] Тўйчибоев Б., Мухаммаджонов Ш. Худойберди Дониёров ва ўзбек тилшунослиги. – Гулистон: ГулДУ нашри, 2008. – 160 б.



илмий-тадқиқот фаолиятини ҳам изчил давом эттиради. 1954-1970 йилларда олим "Ўзбек тилида феъл даражалари", "Ўзбек тилида ... ловчилар", "Ўзбек тилида сўзларнинг ясалиши", "Ҳозирги замон ўзбек тилининг баъзи масалалари" каби ўзбек ...нинг долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор илмий ва илмий-методик характердаги ишлар нашр эттиради. Кўп йиллар давомида ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикасининг морфология бўлимидан ўқиган маърузаларини, шунингдек, шу соҳа бўйича яратган илмий ишларини мукаммаллаштириб талабалар учун ўқув қўлланмаси яратиш устида иш олиб боради. Натижада 1960 йилда унинг У.Турсунов билан ҳамкорликда олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун "Ҳозирги замон ўзбек тили" (морфология) қўлланмаси нашр қилинади. Олимнинг У.Турсунов ва Ш.Раҳматуллаев билан ҳамкорликда янги дастур асосида тайёрлаган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" китоби республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари филология факультетлари сиртқи бўлим талабалари учун қўлланма сифатида тасдиқланиб кўп минг нусхада нашр қилинади. 1975 йилда, кейинчалик 1992 йилда эса мазкур қўлланманинг қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи ва учинчи нашри дарслик сифатида эълон қилинади. Дарсликнинг 20,0 босма тобоқ ҳажмида тайёрланган сўнгги нашри (1992) тилшунослик бўйича янги илмий-назарий фикрлар асосида бойитилганлиги билан характерланади. Бу китоб республика илмий-педагогик жамоатчилиги томонидан муносиб баҳоланди ва талабалар учун кўп йиллардан бери асосий қўлланма сифатида хизмат қилиб келмоқда.

А.Мухторов ўз илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек тили тарихи масалаларини ўрганиш билан ҳам жиддий шуғулланди. Бу соҳада кўп йиллар давомида олиб борган кузатишлари асосида 1971 йилда "Ўзбек тилида сифатдош формаларининг ривожланиш тарихи" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1972 йилда А.Мухторов профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг "Ўзбек тилида сифатдош формаларининг тараққиёти тарихи" мавзуси бўйича ўнлаб илмий-назарий мақолалари турли илмий тўпламларда нашр этилган ҳамда "Фан" нашриётида чоп этиш учун шу мавзуда йирик монография тайёрланган эди. Афсуски айрим сабабларга кўра бу монография чоп этилмай

нашриёт архивида қолиб кетди. У.Санақулов билан ҳамкорли ёзилган ва 1995 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ўз адабий тили тарихи" номли ўқув қўлланмасидан айни пайтда ол ўқув юртлари талабалари асосий материал сифатида фойдалан келмоқдалар.

А.Мухторов ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик фаолия давомида юздан ортиқ илмий ва илмий-методик характерда мақолалар ёди ва бир неча ўқув-методик қўлланмалар яратд уларнинг умумий ҳажми 200 босма тобоқдан ортади.

А.Мухторов малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрла соҳасида ҳам баракали меҳнат қилди. Унинг бевосита илми раҳбарлигида ва оппонентлигида ўндан ортиқ тадқиқотч номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

А.Мухторовнинг тилшунослик фанини ривожлантириш илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлар республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланган. У би қатор орден ва медаллар билан мукофотланган. Олим "Оли таълим аълочиси", "Маориф аълочиси" фахрий нишонларига ха эга эди.

Проф.А.Мухторов 2000 йилда оламдан ўтди. Устознинг қили улгурмаган ишлари фарзандлари ва шогирдлари томонидан даво эттирилмоқда, устоз хотираси уни билган ва қадрлаган инсонла қалбида яшаб келмоқда.

## РАҲМАТУЛЛА ҚЎНҒУРОВ

Ўзбек тилшунослиги масалаларини тадқиқ этиш, дарслик қўлланма ва луғатлар яратишда ўзининг камтарона меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшган заҳматкаш олимлардан бири, филологи фанлари доктори, профессор Раҳматулла Қўнғуровдир.

Бўлажак олим 1933 йилда Жиззах вилоятининг Фориш туманида дунёга келган, Жиззахнинг педагогика билим юртини тугаллагач, 1951 йилда ўзбек тили ва адабиёти сирларини чуқурроқ эгаллаш мақсадида Самарқандга келган ва шу йили ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетига ўқишга кирган эди. У талабалик йилларидаёқ тилшунослик муаммолари билан шуғуллана бошлади. Унинг "Алишер Навоийнинг "Чор девон"ида келишик категорияси" номли илмий мақоласи малакавий битирув



иши асосида юзага келган бўлиб, "Талабалар илмий ишлари тўплами" (1959)да эълон қилинган эди.

Р.Қўнғуров 1962 йилда машҳур тилшунос олим, профессор Улуғ Турсунов илмий раҳбарлигида "Ҳозирги ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар" мавзуидаги номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилади. Кейинчалик бу иш 1966 йилда "Фан" нашриёти томонидан "Ўзбек тилида тасвирий сўзлар" номи билан алоҳида монография сифатида нашр қилинади.

1962 йилдан умрининг охиригача Р.Қўнғуров СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида самарали илмий-педагогик фаолият билан шуғулланди, 1971 йилдан умрининг охиригача (1995) кафедра мудири, профессор (1982-1995) бўлиб ишлади.

Р.Қўнғуров мамлакатимизнинг қамрови кенг тилшунос олимларидан бири эди. У ўзбек тили грамматикаси, стилистикаси, топонимикаси, лексикографияси, диалектологияси, нутқ маданияти соҳалари ривожига ўзининг ўттиздан ортиқ монография ва ўқув қўлланмалари, уч юзга яқин салмоқдор илмий ҳамда илмий-оммабоп мақолалари билан сезиларли ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олим ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳали очилмаган қўриқ бўлиб келган соҳа – грамматик стилистика, хусусан, морфологик стилистика билан жиддий шуғулланди. Ушбу фаолиятнинг натижаси сифатида олимнинг "Ўзбек тили стилистикасидан очерклар" (1975), "Ўзбек тилининг тасвирий воситалари" (1977), "Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари" (1981), "Ўзбек тилида от стилистикаси" (1983) сингари салмоқли монографик тадқиқотлари, кўплаб илмий мақолалари нашр этилган эди. Ана шу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ олимнинг "Ўзбек тилида форма ясовчи морфемаларнинг семантик ва стилистик хусусиятлари" мавзуидаги докторлик диссертацияси майдонга келган эди. Р.Қўнғуров 1975-1976 йилларда нашр этилган икки жилдлик "Ўзбек тили грамматикаси" номли фундаментал тадқиқотнинг муаллифларидан бири саналади. Ана шу муҳим тадқиқотнинг "Тасвирий сўзлар" ва "Ундовлар" қисмларини ёзиб берган эди.

Р.Қўнғуров ўзбек тилшунослигида луғат тузишдек машаққатли соҳада ҳам салмоқли ишларни амалга оширган. Олимнинг ўз сафдошлари билан ҳамкорликда яратган "Ўзбек

тилининг чаппа луғати" (1969), "Ўзбек тилининг морфем луғ (1977), "Зулфия поэзияси тилининг луғати" (конкорданс, I номли ишлари ўзбек луғатшунослиги ҳазинасидан муносиб олган.

Р.Кўнғуров ўзбек тилшунослигида бадиий асар т стилистика ва нутқ маданияти соҳаларининг шаклланиши ва суръатлар билан ривожланишига ўзининг салмоқли улуш қўшган эди. Унинг бу соҳадаги самарали изланишл ҳаммуаллифликда яратилган "Ўзбек тили стилистикаси" (19 "Ўзбек тилининг функционал стиллари" (1984), "Нутк маданиятининг асослари" (I-II-III қисмлар, 1985, 1986, 1987), "Бадиий текстни лингвистик таҳлили" (1990), "Нутқ маданияти ва услуби асослари" (1992) номли бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари ўзининг илмий якунига эга бўлган эди. Бу ишлардан ҳозир ҳ олий ўқув юртларида, ўрта мактаб, лицей ва коллежларда ўзб тили нутқ маданияти ва услубиятини ўқитишда ке фойдаланилмоқда.

Р.Кўнғуров Олма-ота (1976), Тошкент (1980), Ашгабад (1984 Бишкек (1988) шаҳарларида ўтказилган ҳамдўстлик мамлакатлар туркийшуносларининг II, III, IУ, У конференцияларида маърузалари билан фаол иштирок этган эди. Домла узоқ йилл ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ва СамДУ ҳузуридаг Ихтисослаштирилган илмий кенгашларнинг аъзоси, кейинчали раиси сифатида фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз учун жуда кўпла юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисс қўшди. Домла ўттиздан ортиқ номзодлик ва докторлик ишларинин расмий оппоненти сифатида сўзга чиққан, ёш олимларнинг ўниб ўсишига яқиндан кўмаклашган эди. Домланинг ана шундай кўмаг асосида етишиб чиққан Ёрмат Тожиев, Абдуҳамид Нурмонов Эрнст Бегматов, Миразиз Миртожиев, Зарифбой Дўсимов, Алижон Мамажонов, Абдимурод Маматов, Ғани Зириллаев, Суюн Каримов Жўлибой Элтазаров каби қатор олимлар ҳозирги вақтда фан докторлари, профессорлар сифатида мамлакатимиз тилшунослиги ривожига самарали ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Р.Кўнғуров тажрибали мутахассис, билимдон тилшунос олим сифатида ёш тадқиқотчиларга ҳар доим ўзининг илмий-методик ёрдамини аямай келган, унинг бевосита илмий раҳбарлигида ўн бир киши номзодлик ва икки киши докторлик диссертациясини ҳимоя



...ган эди. У билимдон ва зукко олим, талабчан, зийрак, эътиборли ...мда меҳрибон устоз сифатида Самарқандда ўзига хос ...лубшунослик мактабини асослаган эди.

Раҳматулла Кўнғуровнинг самарали илмий-педагогик ва ...жамоатчилик фаолияти муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ ...маорифи аълочиси", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" ...фахрий унвонларига эга эди. Олимдан яхши асарлар, бир-биридан ...кобил фарзандлар, шогирдлар мерос бўлиб қолди.

## ЭРНСТ БЕГМАТОВ

Эрнст Азимович Бегматов 1936 йил июнь ойида Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида зиёли оиласида туғилган. Отаси Азимхон ака ўша йилларда Тошкент вилоятининг Қовунчи, Янгийўл, Фарғона, Наманган вилоятининг турли туманларида ...рих ўқитувчиси, мактаб директори, туман халқ маорифи бўлими мудири лавозимларида хизмат қилган. Онаси Тожинисо опа ҳам мактабларда она тилидан дарс берган. Уруш бошлангач, Бегматовлар оиласи 1941 йилда ота юрт бўлмиш Чимкент вилояти Туркистон туманидаги Қарноқ қишлоғига кўчиб боришади. Э.Бегматовнинг ёшлик йиллари мана шу қишлоқда ўтди. Кўп ўтмай Азимхон акани урушга сафарбар этишди ва у 1944 йилда Харьков шаҳри остоналарида ҳалок бўлди. Отадан ажралган Э.Бегматов уруш даврининг оч-юпунлик, хорлик ва хўрлик, отасизлик армонларининг барча кўргиликларини бошидан кечирди. У 1955 йилда Қарноқ қишлоғидаги ўзбек ўрта мактабини аъло баҳолар билан битирди.

Адабиётга бўлган ҳавас уни Самарқанд шаҳри сари ундади ва у 1955-1959 йилларда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида ўқиди ҳамда машҳур адабиётшунос ва тилшунослар В.Абдуллаев, У.Турсунов, Х.Дониёров, А.Мухторов, Ҳ.Бердиёров, Н.Шукуров, М.Юнусов, Б.Валихўжаев, С.Мирзаев, Т.Маҳмудов, А.Сулаймонов ва бошқаларнинг таълимидан баҳраманд бўлди.

Э.Бегматов 1959 йилда университетни аъло баҳолар билан тугатади ва бир муддат Самарқанд вилоятининг Пайарик туманидаги 53-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берди, кейинчалик Тошкентга келиб, "Ўрта ва олий мактаб" (ҳозирги

"Ўқитувчи") нашриётида ишлади. У 1961 йилда ЎзФА Тил адабиёт институтининг хозирги ўзбек тили бўлимига кичик илм ходим лавозимига ишга қабул қилинади ва ўшандан б Э.Бегматов шу институтда кичик илмий ходим (1961-1967), ка илмий ходим (1967-1974), бўлим мудири (1975-1986), етакчи илм ходим (1986-1990), бош илмий ходим (1990-1991), директорни илмий ишлар бўйича муовини (1991-1996), бўлим мудири (19 йилдан) лавозимларида хизмат қилиб келмоқда.

Э.Бегматов 1962-1965 йиллар давомида ўзбек ономастика муаммолари билан жиддий шуғулланди, ўзбек исмлари, лақаб тахаллуслари, фамилия ва отаисмларининг бой материалнари синчковлик билан тўплади, тарихий ва этнографик манбалар бил танишди, ўзбек антропонимларининг тарихи, луғавий-маънов хамда грамматик хусусиятларини тадқиқ қилди. Бу изланишл унинг 1965 йилда йирик тилшунос олим Фахри Кам рахбарлигида химоя қилинган "Ўзбек тили антропонимикас мавзуидаги номзодлик диссертациясига асос бўлди[120].

Э.Бегматов ўзбек исмлари ва топонимларининг, шунингд атоқли от бошқа типларининг фактик материалларини тўпла билан тинимсиз шуғулланиб келмоқда. Ҳозирга қадар у тўплаш муваффақ бўлган ва муаллиф ихтиёридаги махсус картотекада қай қилинган исмлар миқдори 20.000 дан ошади. Шу асосда оли "Номлар ва одамлар" (1966), "Киши исмлари имлоси" (1970 "Ўзбек исмлари имлоси" (1972), "Литературные имена и фамили узбекских авторов в русской транскрипции" (ҳаммуаллиф, 1981 "Ўзбек исмлари" (1991), "Исм чиройи" (1994), "Ўзбек исмлар маъноси" (2007; 2010) номли китоблар, юздан ортиқ илми мақолалар яратди. Олимнинг Қ.Хуррамов (1981), С.Найимо (1984), Ғ.Сатторов (1991), Х.Холмўминов (1993), Ш.Ёқубов (1994) Ю.Хўжалапасова (1995), Н.Улуғов (1997), О.Мўминова (2000) М.Турдибеков (2001), Ў.Орипов (2003), А.Арслонов (2005) Р.Нуриддинова (2006), К.Марқаев (2006), Р.Худойберганов (2008) сингари бир қатор шогирдлари ўзбек антропонимикаси ва топонимикасига доир номзодлик ишларини, Н.Хусанов (1996) ва Н.Улуғов (2010) эса докторлик диссертацияларини химоя қилганлар. Шунга кўра Э.Бегматов ҳақли равишда ўзбек

[120] Бегматов Э.А. Антропонимика узбекского языка. Автореф. дис…канд. филол. наук.- Ташкент, 1965. – 28 с.



ономастикасидаги антропонимика соҳасининг илмий асосчиси деб тан олинган.

1966 йилда ЎзФА Тил ва адабиёт институтида Нутқ маданияти бўлими ташкил қилинган ва унга проф.С.Иброҳимов мудир қилиб тайинланган эди ва у Э.Бегматовни ана шу бўлимда бирга ишлашга таклиф қилди. Ана шу илмий йўналишнинг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқишга Э.Бегматов жуда кўп куч сарфлади. Бунинг самараси сифатида олимнинг "Нутқ маданияти ва адабий норма" (1973), "Буржуача суханбозликнинг реакцион моҳияти" (ҳаммуаллиф, 1974), "Нотиқлик маҳорати" (1979), "Ўзбек имлоси" (ҳаммуаллиф, 1979), Нотиқнинг нодир бойлиги" (1980), "Адабий талаффуз маданияти" (1982), Нутқ гавҳари" (1984) номли бир қанча илмий-оммабоп рисолалари майдонга келди. Э.Бегматовнинг бевосита иштирокида нутқ маданияти бўлими "Адабий норма ва нутқ маданияти" (1983), "Ўзбек нутқи маданияти очерклари" (1988) номли йирик тадқиқотлар яратди; Э.Бегматов А.Маматов билан ҳамкорликда уч қисмдан иборат "Адабий норма назарияси" номли монографияни нашр эттирди (1997; 1998; 2000), М.Турсунпўлатов билан ҳамкорликда "Ўзбек нутқи маданияти асослари" (1992) ўқув қўлланмасини, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев билан ҳамкорликда "Нутқ маданияти ва услубият асослари" (1992) номли дарслигини эълон қилди. Шунингдек, Э.Бегматов ўша вақтда институтда яратилган "Ўзбек тилининг имло луғати" (1976), "Ўзбек тили лексикологияси" (1981), "Ўзбек адабий талаффуз луғати" (1984) каби салмоқли ишларнинг ҳаммуаллифларидан бири саналади.

Э.Бегматов лексикани ўрганиш бўйича бошлаган ишларини давом эттириб, ўзбек тили лексикасининг луғавий қатламларини назарий аспектда янада чуқурроқ таҳлил қилди ва "Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари" номли йирик монографияси (1985)ни нашр эттирди. Ана шу фундаментал тадқиқот олимнинг докторлик диссертациясига асос бўлиб хизмат қилди[121]. Э.Бегматов 1989 йилда филология фанлари доктори илмий даражасига, 1990 йилда эса профессор унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва порлоқ келажак сари қадам ташлаши кўпчилик олимлари қатори

[121] Бегматов Э.А. Собственный пласт лексики современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. доктора филол. наук - Ташкент, 1988 – 48 с.

проф.Э.Бегматовни ҳам янги илмий ечимларга ундади ҳа[...] илҳомлантирди. Жумладан, олимнинг мустақиллик давр[...] топонимик тизимни меъёрлашга доир илмий қарашлари "Истиқ[...] ўлкасининг топонимик сиёсати" номли мақолалари (1997)да, "Ж[...] номлари – маънавият кўзгуси" номли рисоласи (1998[...] умумлаштирилган эди. Олимнинг бевосита иштирокида "Ўз[...] ономастикаси терминларининг изоҳли луғати" (2006), "Ўз[...] исмлари ўқув луғати" (2007), "Ўзбек ономастикаси" (библиограф[...] кўрсаткич, 2008) яратилган.

## АБДУЗУҲУР АБДУАЗИЗОВ

Абдузуҳур Абдумажидович Абдуазизов 1938 йил янва[...] ойида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўр[...] мактабни тамомлагач, икки йил заводда ишлаган. 1956-19[...] йилларда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти инглиз[...] тили факультетида ўқиган. Ўқишни тамомлагач, шу институт[...] инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсата бошлади. 196[...] 1964 йилларда армия сафида хизмат қилган. 1965 йилд[...] аспирантурада ўқиган. 1967 йилдан бошлаб Тошкент чет тилл[...] педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафед[...] мудири лавозимларида ишлаган. 1967 йилда номзодлик ишини[122] 1974 йилда докторлик ишини[123] химоя қилган. А.Абдуазиз[...] АҚШнинг Мичиган ва Нью-Йорк (Буфалло) университетлари[...] (1969, 1978 йиллар), Афғонистоннинг Қобул университетида (19[...] 1983 йиллар) умумий тилшунослик курсларидан маърузал[...] ўқиган. Олим "Умумий тилшунослик" (1979), "Тилшунослик[...] кириш" (1981), "Введение в языкознание" (1983) номли дарслик[...] ўқув қўлланмаларининг ҳаммуаллифидир. Шунингд[...] проф.А.Абдуазизов "Элементы общей и сравнитель[...] типологической фонологии" (1982) номли йирик монография[...] нашр этилган. Олим "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияс[...] номли ўқув қўлланма яратди (1992). 2010 йилда бу асарни тўлдирилган иккинчи нашри эълон қилинди. Шунингдек, олимни[...]

[122] Абдуазизов А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков (на осн[...] рентгенографических данных). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1967. – 25 с.
[123] Абдуазизов А. К типологии фонологических систем (на материале английского и узбекского язык[...] Автореф. дис. ... доктора филол. наук. – М., 1974. – 48 с.



"Тилшунослик назариясига кириш" номли дарслиги (2010) ҳозирги вақтда ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А.Абдуазизов ҳозирги кунда ЎзМУда инглиз тили кафедрасининг профессори сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

## БОЗОРБОЙ ЎРИНБОЕВ

Таниқли ўзбек тилшунос олими, филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоевдир. У 1936 йил июнь ойида Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғида туғилган. Тўлиқсиз ўрта маълумотни Ғазира қишлоғидаги Алишер Навоий номли 11-мактабда олди. 1950 йилда Самарқанд шаҳар ўрлар педагогика билим юртига, 1954 йилда Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Университет ўзбек филологияси факультетини 1959 йили тугатиб, Жомбой тумани мактабларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва директор (1959-1961), СамДУ аспиранти ва катта лаборанти (1961-1965), Қарши давлат педагогика институти доценти (1965-1967), Самарқанд давлат педагогика институти доценти, кафедра мудири, декан, проректори ва ректори (1967-1974), Жиззах давлат педагогика институти ташкилотчиси, ректори (1974-1992), СамДУ профессори (1986-1990), Самарқанд кооператив институти кафедра мудири (1992-1995), Самарқанд чет тиллар институти кафедра мудири (1995-1997), 1997 йилдан буён Самарқанд давлат университетида Матншунослик маркази, Илмий кутубхона бош директори, 2001 йилдан эса ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори вазифасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Б.Ўринбоев 28 ёшида номзодлик, 40 ёшида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Б.Ўринбоев фан ташкилотчиси сифатида СамДПИда, кейинчалик ЖиззахДПИда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси, умумий тилшунослик, эски ўзбек ёзуви ва Шарқ тиллари каби кафедраларнинг ташкил этилиши ташаббускори бўлди. СамДУда унинг ташаббуси билан матншунослик илмий тадқиқот лабораторияси ташкил этилди, ана шу лаборатория саъйи ҳаракати билан "Сўфизм атамалари изоҳли луғати", "Алномини"

достонида фразеологизмлар таъбири" каби асарлар яратилди нашр этилди.

"Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория" (1964) мавзуида номзодлик иши ҳам, "Ўзбек сўзлашув нутқи синтакси масалалари" (1976) номли докторлик иши ҳам сўзлашув нут муаммолари таҳлилига бағишланган эди. Олимнинг назарид сўзлашув нутқи ҳар бир мукаммал тилнинг пойдевори, у ҳеч б грамматик қоидаларга сиғмайди. Б.Ўринбоев биринчи бўлиб муаммоларни тадқиқ этишга қўл урди, салмоқли ишларни амал оширди ва, айтиш мумкинки, мамлакатимизда сўзлашув нутқин тадқиқ этишнинг ўзига хос илмий мактабини асослади.

Б.Ўринбоев сўзлашув нутқи муаммолари билан дастлаб ўзбе тилидаги вокатив формаларни ўрганиш жараёнида дуч келди. Ў номзодлик иши (1964) ва шу асосда яратилган "Ҳозирги ўзбе тилида вокатив категория" номли монографияси (1972)да оли сўзлашув нутқига тегишли бўлган вокатив формада келувч сўзларнинг қисқарган ҳолда, ҳеч қандай қўшимчасиз қўлланиш хусусиятларини, вокатив формаларнинг ҳосил қилинишид интонациянинг ролини, оила-қариндошлик атамаларининг вокати асосини, вокатив формаларнинг синтактик функцияларини чуқу тадқиқ этди. Шу ишнинг охирги боби вокатив гаплар таҳлилиг бағишланган эди. Бу эса Б.Ўринбоевга сўзлашув нутқи синтаксис муаммоларини тадқиқ этишга дебоча визфасини бажарди, чунк вокатив гаплар, асосан, сўзлашув нутқи ҳодисаси бўлиб, ула жиддий таҳлил объекти бўлмай келарди. Б.Ўринбоев вокати гапларнинг таркиби, уларнинг ундалмалардан фарқи, ўзига хо хусусиятлари ва таснифини ўрганар экан, сўзлашув нутқ синтаксиси масалалари билан жиддий шуғулланиш лозимлигин чуқур ҳис этди. Шундан кейин олимнинг "Ўзбек тили сўзлашу нутқи синтаксиси масалалари" номли монографияси юзага келд (1974). Бу ишда сўзлашув нутқида фаол қўлланувчи диалоги репликалалар, параллелизмлар, иловали қурилмалар ва сўз гапларнинг характерли функционал-семантик ва структурал синтактик белгилари халқ оғзаки ижоди ва драматик асарларда олинган характерли мисоллар асосида ёритиб берилган эди. У 197 йилда худди шу номдаги докторлик ишини ҳимоя қилди ва ш билан ўзбек тилшунослигида сўзлашув нутқи муаммоларин комплекс тадқиқ этишга кенг йўл очилди. Шундан кейинги ўтти



беш йил давомида проф.Б.Ўринбоевнинг шу муаммога оид қирқдан ортиқ ишлари юзага келди. Бу ишларнинг айримларини келтиришнинг ўзиёқ сўзлашув нутқи тилшунослик илмида нақадар серқирра ва долзарб муаммо эканлигини тасаввур этишга имкон беради: "Сўзлашув нутқида гап бўлаклари тартиби" (1976), "Синтаксический строй узбекский разговорной речи" (1978), "Сўзлашув нутқи" (1979), "Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби" (1991), "Сўзлашув нутқида келишик қўшимчаларининг алмашиниб қўлланиши" (2002) ва бошқалар.

Шуниси муҳимки, проф.Б.Ўринбоев сўзлашув нутқининг кичик бир муаммосини бирор мақоласидаги кўтариб чиқади-ю, худди шу масалани кенгроқ таҳлил қилишга шогирдларини даъват этади. Масалан, домланинг бир шогирди ўзбек сўзлашув нутқи лексикасини тадқиқ этган бўлса, яна бир шогирди бадиий матннинг сўзлашув нутқи хусусиятларини ўрганди. Б.Ўринбоевнинг бир шогирди сўзлашув нутқи услубидаги гап бўлаклари тартибини тадқиқ этган бўлса, яна бир шогирди сўзлашув нутқи фразеологизмларини жиддий ўрганди. Ҳозирги вақтда домланинг илмий раҳбарлигида яна бир неча аспирант ва тадқиқотчилар ўзбек сўзлашув нутқи муаммоларига оид ўз тадқиқотларини давом эттирмоқдалар.

Профессор Б. Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи масалалари билан атрофлича шуғулланиши уни стилистика муаммолари сирлари сари етаклайди: Натижада олимнинг "Ўзбек сўзлашув нутқи стилистикаси" (1983), "Навоий асарларида тасвирий воситалар" (1990), "Функционал услубият ва унинг моҳияти" (1992), "Ғафур Ғулом асарларида афоризмлар" (2002), "Ғафур Ғулом асарларининг лингвопоэтикаси" (2003) сингари йирик ишлари юзага келди.

Проф.Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи ва стилистика муаммолари билан жиддий шуғулланиши уни нутқ маданияти ва нотиқлик санъати муаммоларини тадқиқ этишга ундайди. Олимнинг тасаввурида тил маданияти, нотиқлик санъати тарихий ҳодиса, ўзини филолог деб ҳисоблаган ҳар бир киши бу билим сирларидан хабардор бўлмоғи лозим. "Нутқ ва нотиқ" (1973), "Оғзаки сиёсий агитация ва нутқ маданияти" (1977), "Нутқ маданияти ва уни шакллантиришда мактабнинг роли" (1980), "Нотиқлик маҳорати" (ўқув қўлланма,1984), "Нутқ маданияти

кўникмасини шакллантириш омиллари" (2002), "Ўзбек ну маданияти асослари" (2005) каби илмий мақола, монография қўлланмалар Б.Ўринбоевнинг илмий иқтидори накадар те эканлигидан далолат беради.

Нутқ маданияти меъёрини белгилашда диалектларн сезиларли ўрни бор. Б. Ўринбоевнинг илмий изланишлар диалектология масалалари ҳам алоҳида ўрин тутади. "Ўзбек ти турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари" (1985), "Ўз сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар ва уларни халқ шевала билан қиёсий ўрганишдан тажрибалар" (1991), "Садридд Айнийнинг диалектизмга муносабати" (2003) каби ишлар шу жумласидандир.

Проф.Б.Ўринбоев тилимиз тарихи билан ҳам жидд шуғулланиб, устози профессор У.Турсунов билан ҳамкорлик "Ўзбек адабий тили тарихи" дарслиги (1982; 1995) ни ярат Кейинчалик бу масаладаги изланишларини янада чуқурлаштири такомиллаштириб борди: Натижада "Ўзбек адабий тили тари очерклари" (1969), "Навоий ва ўзбек адабий тили (197 "Тилшунослик тарихи" (1985), "Ўзбек тилшунослиги тарих (1999), "Бобур-тилшунослик олим" (1993), "Қадимги турки битиглар" (2001) сингари қатор ўқув қўлланмалари юзага келди.

Проф.Б.Ўринбоевнинг илмий изланишларида ўзбек тил этимологияси ва топонимияси масалаларига ҳам катта эътибо берилган. Домла *"Соғарж"*, *"Сирдарё"*, *"Жомбой"* каб топонимларнинг этимологиясига оид махсус илмий мақола яратди, Жиззах, кейинчалик Самарқанд вилояти топонимларини изоҳли луғатини нашр эттирди, шогирди О.Ҳолиқов била ҳамкорликда мамлакатимизда илк бор "Мактаб топоними луғати"ни тузиб эълон қилди (2004).

Мустақиллик шарофати мамлакатимизда диний эътиқод муносабат ўзгарди. Натижада ўзбек адабий тилида исломи лексиканинг қўлланиш доираси кенгайди. Бу э проф.Б.Ўринбоевга сўфизм атамаларини тўплаб, алоҳида луға сифатида нашр этиш имконини берди (1998). Кейинчалик бу луға яна тўлдирилиб, "Комиллик истилоҳлари" номи билан нашр этилд (2002). Шунингдек, олим тасаввуф илмининг билимдони Боб Худойдоди Вали ҳаёти ва ижодий меросига оид янг



маълумотларни тўплади ҳамда уларни кенг оммалаштиришга муваффақ бўлди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси масалалари ҳам проф. Б.Ўринбоев эътиборидан четда қолмади. Бу масалага бағишлаб, бир дарслик ва ўттиздан ортиқ ўқув қўлланмалари, маърузалар матни, илмий мақолалар яратди. Булар қаторига "Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан лекциялар" (сўз бирикмаси ва содда гап,1990), "Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар" (қўшма гаплар, 1991), "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (синтаксис, 2001), "Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар" (2003), "Синтактик муносабатлар" (2005) каби салмоқли ишларни киритиш мумкин.

Маълумки, ҳозирги пайтда мактаб дарсликлари мустақил республикамизнинг таълим дастури ва стандарти талаблари асосида қайта ишланмоқда. Проф.Б. Ўринбоев ана шу эзгу ишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Натижада у таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2- ва 3-синфлари учун "Ўзбек тили" дарслигини яратди. Ҳозирги пайтда ана шу дарсликлар мамлакатимиздаги барча тожик мактабларида кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, олим мактабда тил ўқитиш методикаси билан алоқадор қуйидаги ишларни эълон қилди: "Ўзбек тилини ўқитишнинг айрим муаммолари" (1993), "Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари" (ўқитувчлар учун қўлланма, 2001), "Она тили ва адабиётидан синф ва мактабдан ташқари ишлар (2002) кабилар. Проф.Б.Ўринбоев узоқ йиллардан буён Самарқанд вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди. У институт тингловчиларига "Она тили ўқитишни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари", "Она тили ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этиш", "Комил инсон тарбиясида она тили предметининг ўрни" каби мавзуларда мароқли маърузалар ўқиди, айрим институт ходимлари билан ҳамкорликда илмий-услубий ишлар яратди, уларнинг илмий тадқиқотларига раҳбарлик қилди.

Проф.Б.Ўринбоев шаҳримизнинг энг фаол зиёлиларидан бири саналади. У кўп йиллардан буён Самарқанд шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги топонимик объектларга ном қўйиш комиссиясининг аъзоси сифатида жуда кўплаб кучаларнинг

номларини давр талабларига мос равишда миллийлаштири[illegible] ишига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, домла радио [illegible] телевидение орқали саломлашиш одоби, кийиниш ва нутқ сўзла[illegible] одоби, устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида мароқли суҳбатла[illegible] мулоқотлар ўтказиб келмоқда.

## АБДУҲАМИД НУРМОНОВ

Мутафаккир шоир Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулис[illegible] ёхуд ахлоқ" асарида "ҳифзи лисон" деган мўътабар ибора учрай[illegible] А.Авлонийнинг фикрича, "дунёда ҳар бир миллатнинг тили адабиётини сақламоғига ҳифзи лисон деб аталади".

Дарҳақиқат, дунёдаги ҳар бир миллат ўз она тупроғи шаҳар ва қишлоқларини, моддий бойликларини ўзгалардан ҳим[illegible] қилишдан ташқари унга ҳаёт, орзу-умидлар, кези келганда аччиқ сабоқлар, ўгитлар берган она тилисини ҳам ғанимлард[illegible] ёвлардан мудом кўз қорачиғидек асраб келади.

Лашкарбошиларнинг қаҳрамонлиги, подшоҳларн[illegible] салтанати унутилиши, таназзулга юз тутиши мумкин, лекин [illegible] мулки посбонларининг, етакчиларининг ишлари ҳеч қачон эсд[illegible] чиқмайди. Она тилининг мавқеи, шон-шуҳрати учун курашиш [illegible] ҳамиша эзгу, олижаноб иш саналиб келинган.

Шу маънода оладиган бўлсак, филология фанлари доктор[illegible] профессор Абдуҳамиид Нурмоновнинг фаолияти ҳар томонлан таҳсинга лойиқдир.

А.Нурмонов 1942 йил май ойида Андижон вилояти Балиқ[illegible] туманида миришкор деҳқон оиласида туғилган. 1963 й[illegible] Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги ФарғонаДУ) та[illegible] филология факультетини тамомлайди, шундан кейин икки й[illegible] (1963-1965) шу институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси[illegible] ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1965-1966 йилларда армия сафи[illegible] хизмат қилади, 1966-1967 йилларда эса Балиқчи туманида[illegible] мактабларда она тили ва адабиёти фанларидан дарс беради. 196[illegible] 1976 йилларда А.Нурмонов Андижон давлат педагогика институ[illegible] ўзбек тилшунослиги кафедрасида аввал ўқитувчи, кейин кат[illegible] ўқитувчи, доцент бўлиб ишлайди. 1973 йилда проф.А.Ғулом[illegible]



раҳбарлигида номзодлик ишини ҳимоя қилади[124]. 1977 йилдан А.Нурмонов АндижонДПИ (ҳозирги АндижонДУ)да педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетининг декани вазифасида ишлайди. 1982 йилда ўзбек тили синтаксисини систем тадқиқ этишга оид монографияси эълон қилинади[125] ва шу асосда олим 1983 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади.

У АндижонДУда карийб 45 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Ўқитувчи, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифаларида ишлади, кафедра мудири, декан, проректор лавозимларини сидқидилдан бажарди. Ҳозирда у университетнинг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказининг декани, умумий тилшунослик кафедрасининг профессори лавозимларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

А.Нурмоновнинг олим сифатида шаклланишида ўзбек илмий грамматикасининг асосчиси, профессор А.Ғуломовнинг хизматлари жуда катта. Бугунги кунда республикамизнинг исталган жойидан проф.А.Нурмоновнинг тарафдорларини, ҳамфикр ҳамкасбларини топиш мумкин.

А.Нурмонов ўзбек тили тарихида янги саҳифа очаётган, унинг систем тилшунослик деб аталган кейинги сифат босқичига кўтараётган мукаммал тадқиқотчилардан биридир. У ўзбек тилининг фонетика, лексикология, морфология, синтаксис соҳаларида иш кўраётган тадқиқотчи олимлар билан баравар баҳслаша оладиган синчков олим, тенгсиз билим соҳиби саналади.

Олимнинг турли йилларда нашр этилган "Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида" (1980), "Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси" (ҳаммуаллифликда, 1981), "Гап ҳақида синтактик назариялар" (1985), "Лингвистик белги хусусиятлари ҳақида" (1992), "Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси" (1993), "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси" (ҳаммуаллифликда, 1-қисм, синтаксис, 1995; 2-қисм, морфология, 2001), "Тилшунослик ва табиий фанлар" (2001), "Ўзбек тилшунослиги тарихи" (2002), "Структур тилшунослик" (2006), "Умумий тилшунослик" (2007), "Тилшунослик назарияси" (2008),

[124] Нурманов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1973. - 24 с.

[125] Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Монография. - Ташкент: Фан, 1982. - 144 с.

"Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари" (2009) "Лингвистик тадкикот методологияси ва методлари" (2010) каб фундаментал асарлари республикамиз олий ўкув юртларида асоси дарслик хамда ўкув-услубий кўлланмалар сифатида кең фойдаланилмокда.

А.Нурмонов "Таълим тўғрисидаги Қонун" ва "Кадрла тайёрлаш миллий дастури" талаб ва эхтиёжларини ўз вақтид бажариб келаётган олимларимиздан бири саналади. Унин проф.А.Ҳожиев, проф.Н.Маҳмудов, Н.Аҳмедов, Н.Орифжонов Д.Набиевалар билан ҳамкорликда 1992-1995 йилларда, 2007 йилда кейин нашр этиб келинаётган 5-, 6-, 7-, 8-, 9-синфлар учун "Он тили" дарслиги, 2001 йилдан буён нашр этилаётга ҳаммуаллифликдаги академик лицейлар учун мэлжалланган у қисмдан иборат "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслиги фикрмиизнинг ёркин далили бўла олади. У "Сорос" халқар жамияти билан ҳамкорликда яратилган "Ҳозирги ўзбек тили фао. сўзларининг изоҳли луғати"нинг ташаббускори ва муаллифларида бири саналади[126]. Буларнинг барчаси проф.А.Нурмоновнин тиниб-тинчимас, ҳамиша ҳозиржавоб, қалами ўткир иадқиқотч олим эканлигидан далолат беради.

Агар сарҳисоб қиладиган бўлсак, у бугунга қадар ўттизда ортиқ дарслик ва ўкув кўлланмалари, илмий-оммабоп рисолалар, у юздан ортик илмий ва илмий-услубий мақолалар яратганлиги маълум бўлади. Проф.А.Нурмоновнинг яна бир фаолияти диққатга сазовор. Шу кунга кадар у ўнга яқин фан доктори, ўттиздан ортик фан номзоди тайёрлади. Фарғоналик Ш.Искандарова, М.Ҳакимов, андижонлик А.Собиров, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Юсупова, ангренлик Д.Лутфуллаева, самарқандлик Ж.Элтазаров, наманганлик Х.Усмонова каби фан докторлари проф.А.Нурмоновнинг салоҳиятли шогирдлари саналади. Олдинда эса М.Саидхоновнинг семиотика, О.Тожиевнинг синтактика, У.Раҳимовнинг прагматика, А.Раҳимовнинг синергетика муаммоларига доир докторлик ишлари ҳимояга тайёрланмоқда. А.Нурмоновнинг оиласини етук тилшунослар оиласи дейиш мумкин. Унинг катта қизи Д.Набиева фан доктори, кичик қизи

[126] Ҳожиев А., Нурмонов А., Зайнобиддинов С., Кокрен К., Саидхонов С., Собиров А., Куронов Д. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарк, 2001. – 336 б.



Д.Нурмонова эса фан номзоди, невараси С.Нурмонова лингвистика (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича магистратурада таълим олмоқда.

Проф.А.Нурмонов бугунги кунда айни кучга тўлган, илмий жиҳатдан бақувват тадқиқотчига айланган, мулоҳаза қамрови кенг, энг муҳими, ҳозиржавоб тилшунос олим даражасига етган пайтда турибди. У ҳозирги ўзбек тилшунослиги тарихида ўз овозига, йўналишига эга бўлиб бораётган Андижон тилшунослик мактабига асос солди ва уни ҳар жиҳатдан шакллантирди. Ўйлаймизки, бу илмий мактаб келгусида янада кенгроқ ривож топади, проф.А.Нурмонов эса шу илмий мактабнинг саркори, етакчиси сифатида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритади.

## НИЗОМИДДИН МАҲМУДОВ

Ўзбек тилшунослиги тараққиётига салмокли ҳисса қўшиб келаётган зукко олимлардан бири, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Мамадалиевич Маҳмудовдир.

1951 йил январ ойида Наманган вилоятининг Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида туғилган Низомиддин Маҳмудов 1968 йилда Фарғона вилояти Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғидаги ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетига ўқишга киради ва 1974 йилда факультетни имтиёзли диплом билан тугатади. Ўша йилнинг ўзида Тошкент давлат маданият институтининг ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлаган эди. 1981 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТошДПУ)нинг умумий тилшунослик кафедрасида катта ўқитувчи, рус гуруҳларида ўзбек тили кафедраси мудири, 1989-1996 йиллар давомида ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг декани лавозимида ишлади. 1996-2000 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида етакчи, сўнгра бош консультант лавозимида фаолият кўрсатди. 2000-2005 йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари, 2005-2010 йилларда Низомий номидаги ТошДПУнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири бўлиб ишлади. 2010 йил март ойидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н.Маҳмудов серқирра ижод соҳибларидан бири санала
Олимнинг ўзбек тили лексикологияси, лексикографияс морфологияси, синтаксиси, лингвопоэтикаси, нутқ маданияти яна бир қанча соҳаларга доир қатор асарларининг ҳар бири алоҳи илмий-назарий аҳамиятга эга.

Н.Маҳмудовнинг илк тадқиқоти ўзбек тилида шаклий тежа маҳсули бўлган эллипсис ҳодисасини ёритишга бағишланди. Оли 1978 йилда "Ўзбек тилида эллипсис" мавзуидаги номзодл диссертациясини ёқлади. Тилшунослик назариясининг з марказий муаммоларидан бири бўлган лисоний бирликларни шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат масаласи зук тадқиқотчини узоқ йиллар ўзига жалб қилган эди. Бу борада тинимсиз изланишлар ўз самарасини берди. 1984 йилда "Ўзб тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметри мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазку диссертация туркийшуносликда синтактик семантика йўналишид амалга оширилган биринчи тадқиқот эди.
Олимнинг А.Нурмонов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева била ҳамкорликда яратган "Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси" (1992) номли китобида энг муҳим синтактик бирликлар - содда га ҳамда қўшма гапларнинг мазмуний тузилиши, мазку бирликларнинг шаклий-грамматик тузилишга муносабати улардаги мувофиқлик ва номувофиқлик ҳолатлари таҳлил этилган Ушбу тадқиқот кенг илмий жамоатчилик томонидан илиқ кути олинди. Муаллифнинг "Тил ва маданият" (1992), "Ўзбек тилинин назарий грамматикаси" (ҳаммуаллифликда, 1995) китоблари шунингдек "Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтакти асимметрия" (1984) монографиясидаги назарий ва амали масалалар тилшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосид ёритилган бўлиб, улар ўзбек тилшунослиги ривожига муноси ҳисса бўлиб қўшилди.

Низомиддин Маҳмудов олий ўқув юртлари, академик лицей в умумтаълим мактабларида тил ўқитишнинг сифат в самарадорлигини ошириш бўйича ҳам баракали меҳнат қили келмоқда. Айниқса, унинг раҳбарлигида умумтаълим мактабларининг 5-, 6-, 7-, 9-синфлари учун яратилган она тил дарсликлари тил ўқитишдаги баъзи бир мавзуларнинг дарсликлард турлича талқин этилишига чек қўйди. Шу сабабли ҳам мазку



дарсликлар бир неча йиллардан буён қайта-қайта нашр қилиниб, бугунги кунда ҳам ёшларни тил таълимига ошно этишга хизмат қилиб келмоқда. Олимнинг бакалавриат босқичидаги талабалар учун яратган "Ўқитувчи нутқи маданияти" дарслиги (2007, қайта нашри - 2009) ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Н.Маҳмудов 1990 йилдан хозиргача Республика ўқув-методик марказида она тили бўйича ўқув-методик кенгаш аъзоси сифатида яратилаётган дарслик ва қўлланмаларнинг юқори илмий-методик даражада бўлиши учун саъй-ҳаракат кўрсатиб келмоқда. Олим ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш бўйича тузилган хукумат комиссияси аъзоси сифатида она тилимиз равнақининг чинакам жонкуяри эканини амалда кўрсатди. У ўзининг бир қатор илмий ва публицистик мақолаларида ўзбек тилининг чексиз имкониятларини, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини мунтазам равишда кенг жамоатчиликка ҳавола қилиб келмоқда. Давлат мақомини олган тилимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз мавқеини эгаллашига ёрдам берувчи "Ўзбек тилида иш юритиш" китоби муаллифларидан бири ҳам Н.Маҳмудовдир. Ушбу қўлланма "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан уч марта қайта нашр этилди.

Н.Маҳмудов фаолиятида лексикографик тадқиқотлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг "Маданий-оқартув ходимлари учун қисқача изоҳли луғат" (ҳаммуаллифликда, 1983), "Ёзув тарихидан қисқача луғат маълумотнома" (1990), "Маданий-маърифий ишлар русча-ўзбекча атамалар луғати" (ҳаммуаллифликда, 1990), "Ўзбек тилини ўрганамиз" расмли луғати (ҳаммуаллифликда, 1991), "Комиллик калити. Маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча луғат" (ҳаммуаллифликда, 2006) сингари луғатлари маънавий-маърифий ва ўқув жараёнларида муносиб ўринга эга бўлди. Унинг туркиялик тилшунос Эртуғрул Яман билан ҳамкорликда яратган "Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат"и (1993) луғатчилигимизда катта воқеа бўлди. Бу луғат учун олим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро Маҳмуд Кошғарий мукофотига сазовор бўлди.

Н.Маҳмудов ташкилотчи олимлардан бири бўлиб, у 1993-1995 йилларда Низомий номидаги ТошДПИ, 1998-2007 йилларда ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги

докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар химоя
бўйича ихтисослашган кенгаш раиси сифатида педагогика ва ўзб
тилшунослиги соҳаларининг ривожланишига салмокли ҳис
қўшди. У қирқдан ортиқ докторлик ва номзодлик ишларига илм
раҳбарлик ва расмий оппонентлик қилди.

Олим илмий-ижодий фаолиятида нафақат тилшунослик, бал адабиётшунослик, адабий танқид, публицистика, таржимонл кабы қирралар ҳам алоҳида ажралиб туради. Шоир ва адибларни тил маҳорати, сўз қўллаш санъати ҳақидаги "Сўзни қайл сайлагандек севиб сайла", "Сўз масъулияти", "Навқиронлар сў навқирон бўлсин", "Қалбимнинг байроғидир сўз", "Сўз сийрат "Сўз ва соз" сингари ўнлаб мақолалари, "Ўзимиз ва сўзим рисоласи сўз эстетикаси масалаларига бағишлангандир. Уни Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳ Мақсуд Шайхзода асарлари лингвопоэтикасига бағишланг ишлари алохида таҳсинга сазовор. У 1991 йилдан буён Ўзбекисто Ёзувчилар уюшмаси аъзосидир.

Мустақил давлатимиз обрў-эътибори кун сайин ортиб, буту дунёга танилаётган ҳозирги даврда давлатимиз фани шуҳратин ўзбекистонлик олимлар иқтидори ва илмий салоҳиятини намойи этаётган олимлардан бири Низомиддин Маҳмудовдир. Уни инглиз, рус, турк, татар тилларида нашр этилган ишлари, айнико АҚШда мазмуний синтаксисга оид катта мақоласининг чо этилиши, шунингдек, туркиялик тилшунос Муҳиддин Гуму "Профессор Низомиддин Маҳмудов" деган мақоласини эълс қилиб, ўзбек олимининг халқаро обрўсини эътироф этиц юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Забардаст олим ўзининг бир мақоласида таъкидлаганиде "Умуман, филологнинг сўз инкишофи йўлидаги бутун саъ ҳаракатлари, асосан, икки мақсадни кўзда тутади, янъ биринчидан, яхлит тил дарахтининг моҳиятини, бу дарахт соя остидаги бадиий-руҳий ором тилсимини англаш ва англатиш иккинчидан, шу тарзда жамият аъзоларига тилдан оқилона ифода талабига тамомила уйғун ҳолда фойдаланиш йў йўрикларини ишлаб чиқиш, уларда зарофатли сўз сезгиси



тарбиялашдан иборат"[127]. Бу мақсадга эришиш йўлида олимнинг ўзи нечоғлик заҳмат чекаётганлиги муаллифнинг кўп йиллик изланишлари меваси бўлмиш тўрт юздан ортиқ асарларидан, уларнинг салмоғидан кўриниб турибди.

## ҲАМИД НЕЪМАТОВ

Ҳамид Ғуломович Неъматов 1941 йил ноябрь ойида Бухоро шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. У 1961-1966 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) Давлат университетининг шарқшунослик факультетида таълим олган. 1967 йилдан Бухоро Давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)нинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ассистент (1967-1970), ўқитувчи ва доцент (1970-1974) сифатида фаолият кўрсатган. 1967-1970 йилларда Ҳ.Неъматов Санкт-Петербургда акад.А.Н.Кононов раҳбарлик қилган шарқшунослик бўлимида аспирантура курсини ўтаган, кейинчалик 1974-1975 йилларда шу бўлимнинг докторанти бўлган. 1970 йилда номзодлик[128] ва 1978 йилда докторлик[129] диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳ.Неъматов БухДПИ ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент (1975-1979), кечки ва сиртқи таълим бўйича проректор (1980-1982) лавозимларида ишлаган. 1982-2003 йиллар давомида ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири вазифасини бажарган. Ҳозирги кунда БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида ўттизга яқин киши докторлик ва номзодлик ишларини ҳимоя қилганлар. Олимнинг "Ўзбек тилининг тарихий лексикологияси" (1987), "Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII веков" (1989), "Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси" (1992), "Тил ва нутқ" (1993), "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" (1995), "Она тили таълими мазмуни" (1996) каби асарлари ҳозирги кунда таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

[127] Нурмонов А., Умаров А. Ўзликни сўздан топган олим // Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич биобиблиография. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. Б. 5-36.

[128] Нигматов Х.Г. Морфология тюркского глагола по материалам Словаря Махмуда Кашгарского. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Л., 1970. – 23 с.

[129] Нигматов Х.Г. Морфология языка восточно-тюркских памятников XI-XII вв. Автореф. дис... доктора филол. наук. – Баку, 1978. – 48 с.

Маълумки, тилшунослик фанининг тараққиётини янги ти фактларини қайд этиш эмас, балки мавжуд илмий далилларн янгича тамойиллар асосида қайта кўриб чиқиш белгилайди Проф.Ҳ.Неъматов тилшунослик фанининг заҳматкаш вкилларида бирисифатида тил фактларини оддий қайд этиш орқали ҳеч қачо тилнинг асосий хусусиятларини очиб бериш мумкин эмаслигин жуда яхши тушунади. Шунинг учун у ўз илмий фаолиятинин бошиданоқ эмприк тилшуносликда ҳукмрон бўлга "кашфиётчилик" кайфиятидан тамомила воз кечди ва ўз илми йўналиши асосига янги тил фактларини йиғишни эмас, мавжуд ти фактларини янгича талқин қилиш тамойилини қўйди. Бу тамойилн амалга оширишга интилган олим ўз олдига қуйидаги икки қоидаг амал қилишни мақсад қилиб қўйди:

1. Тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш: тил ички яширин ва мавҳум ҳодиса бўлиб, уни англаш ва тасаввур қилиш мумкин, нутқ эса тилнинг ташқи моддий шаклда намоён бўлиши, оғзаки, ёзма турли шартли белгилар воситасида юзага чиқишидир. Олимнинг бу ҳақдаги илмий қарашлари шогирди О.Бозоров била ҳамкорликда ёзилган рисоласида асосли равишда ёритиб берилга эди[130].

2. Тил ҳодисаларини тадқиқ этишда диалектик қонуниятларига сосланиш: ҳар қандай тил бирликлари ўзиг ўхшашлари ва боғлиқлари билан муносабатдагина ўз моҳиятин намоён қилади. Бироқ, бу тил бирликлари фақа муносабатлардагина мавжуд деган гап эмас, балки тил бирликлар субстанция бўлиб, бундай муносабатларга қадар ҳам мавжуддир Уларнинг зиддиятли иккиланган табиати турли хил парадигмаларг кира олиш имкониятларини беради, тил бирликлари ҳаёти в тараққиётининг асосий шарти ҳам ана шу билан белгиланади.

Проф.Ҳ.Неъматов зҳнинг серқирра илмий-педагоги фаолиятида ана шу икки қоида амалини тилшуносликнинг барч соҳалари (фонетика, морфемика, сўз ясалиши, лексикология, морфология ва синтаксис)да муваффақиятли синаб кўрди ҳамд жуда салмоқли натижаларни қўлга киритди. Бу эс проф.Ҳ.Неъматов номини ҳозирги замон ўзбек тилшунослигининг фирик вакилларидан бири қаторига кўтарди. Олим ўзининг қир

[130] Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 3-28.



йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида республикамизда ўзига хос тилшунослик мактабини вужудга келтирди. Ана шу мактабнинг забардаст вакиллари Одилжон Бозоров, Раъно Сайфуллаева, Муҳаббат Қурбонова, Бахтиёр Менглиев, Шоҳида Шаҳобиддинова кабилар филология фанлари доктори даражасига кўтарилди. Шу мактабнинг яна бир вакили Асқар Ғуломов эса ил ўқитиш услубияти бўйича педагогика фанлари доктори бўлди. 30 га яқин тадқиқотчилар домланинг бевосита илмий раҳбарлигида ёки ҳакамлигида фан номзоди илмий даражасига эришдилар.

80-йиллардан бошлаб проф.Ҳ.Неъматовни мактабда она тили фанини ўқитиш муаммолари ўзига жалб этди. У республикада ташкил этилган "Ўзбек тили" доимий анжуманининг асосчиларидан бири, "Она тили"дан тузилган янги дастурлар муаллифи, 5-9-синфлар учун чиқарилган "Она тили" дарслигининг асосий ижодкори саналади. Унинг бу дарсликлари синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўн-ўн беш йил давомида таълим жараёнида узлуксиз фойдаланилди.

Проф.Ҳ.Неъматов ўзининг 20 га яқин монографиялари, илмий рисолалари, ўқув қўлланмалари, юздан ортиқ мақолалари билан ўзбек тилшунослиги нуфузини бутун жаҳонга танитган олимлардан бири саналади. Унинг кўмагини, беғараз ёрдамини ҳис этмаган бирор тилшуносни республикамизда топиш қийин.

## НЕЪМАТ ТУРНИЁЗОВ

Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, Самарқанд давлат чет тиллар институти умумий ва амалий тилшунослик кафедрасининг профессори, Неъмат Қаюмович Турниёзовдир. У 1940 йилнинг феврал ойида Самарқанд вилояти Пахтачи туманига қарашли Дўнг қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди. У 1957 йилда тумандаги Қудрат Суюнов номли ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, ўша йилдаёқ Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети филология факультетининг француз тили бўлимига ўқишга киради.

Н.Турниёзов 1962 йилда университетни тугатгач, шу илм даргоҳининг чет тиллар кафедрасида ўқитувчилик лавозимида фаолият кўрсата бошлади. 1968 йилда Тошкент давлат чет тиллар институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1971 йилда француз ва

ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматикаси бўйича номзодл диссертациясини ҳимоя қилади.

Н.Турниёзов 1971-1978 йилларда СамДУнинг француз лотин тиллари кафедрасининг мудири, 1978-1985 йилларда эса ч тиллар факультетининг декани вазифасида самарали фаоли кўрсатди.

Н.Турниёзов 1986 йилда Москва шаҳрида собиқ Иттифо Фанлар академияси Тилшунослик институтининг Илмий кенгаши "Ҳозирги ўзбек адабий тилида гипотактик қурилмаларни синтактик деривацияси" мавзусида докторлик диссертациясин муваффақият билан ёқлади ҳамда шу билан у мамлакатимизд синтактик деривация муаммоларининг ўрганилишини бошла берди.

Шундан буён профессор Н.Турниёзов чорак аср давомид тилнинг деривацион қонун-қоидаларига асосланган ҳолда эргаш гапли қурилмалар (гипотаксис) ва кичик синтаксис бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу соҳада олимнинг диққатини жалб қилган муаммолардан бири – тил бирликларнинг микросинтагматик муносабатлари бўлиб, бу соҳада туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳанузгача салмоқли ишлар амалга оширилмаган эди. Проф.Н.Турниёзов ўзбек тили материаллари асосида гап таркибида кичик синтагматик муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни анча кенг таҳлил қилиб берди.

Проф.Н.Турниёзов чинакам изланувчан, шогирдпарвар, бағри кенг олимлардан биридир. Унинг шу кунгача 140 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Булар орасида "Француз ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш бўйича очерклар" (1980), "Гап ва унинг структураси" (1983), "Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашган қўшма гап тузилмасининг шаклланиш тамойиллари" (1985), "Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш" (1988), "Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш" (1990), "Ўзбек тили структур-функционал синтаксиси асослари" (ҳаммуаллифликда, 1993), "Назарий грамматикадан очерклар" (1998), "Функционал синтаксисга кириш" (Тошкент, 2003, ҳаммуаллифликда) "Матн лингвистикаси" (2004), "Тилшуносликка кириш" (2006), "Ўзбек тили" (2007, ҳаммуаллифликда) каби ўндан ортиқ монография ва ўқув қўлланмалари бор.



Проф.Н.Турниёзов айни пайтда бакалавр талабалар ва магистрларга "Тилшуносликка кириш", "Умумий тилшунослик", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Матн лингвистикаси", "Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари" каби курслардан сермазмун маърузалар ўқиш билан бирга, иқтидорли талаба ва магистрларнинг илмий ишларига, магистрлик диссертацияларига маҳорат билан илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу кунгача унинг бевосита илмий раҳбарлигида 7 ёш илмий ходим муваффақият билан номзодлик диссертациясини ҳимо қилди, яна 3 киши номзодлик, 2 киши докторлик диссертацияларини якунлаш арафасида турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда домла ишлаётган СамДЧТИ умумий ва амалий тилшунослик кафедрасида "Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари" мавзусида республика гранти асосида фундаментал илмий тадқиқотлар бажарилмоқда. Ўтган икки йил ичида мазкур фундаментал лойиҳа доирасида республика миқёсида илмий-назарий конференция ўтказилди, Х.Хайруллаевнинг "Тил бирликларининг поғонали муносабати" (2008), "Нутқ бирликларининг поғонали муносабати" (2008), Б.Турниёзовнинг "Тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси" (2008) мавзусидаги монографиялари эълон қилинди, Н.Турниёзовнинг "Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари" (2008) номли ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди, "Структур синтаксис асослари" (2009, ҳаммуаллифликда) номли йирик монография нашр этилди.

Н.Турниёзов ҳозирги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институти умумий ва амалий тилшунослик кафедрасининг профессори сифатида институтнинг барча жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда, унинг бевосита раҳбарлигида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказилаётир. Домла Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш раиси, Ўзбекистон жаҳон тиллари институтидаги Ихтисослашган кенгашнинг аъзоси сифатида мамлакатимизда ёш филолог кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Проф.Н.Турниёзов ўзбек тили синтактик қурилишининг етук билимдони сифатида мамлакатимизда синтаксис соҳасида бажарилган М.Қурбонова, С.Маҳматкулов, Д.Лутфуллаева, Ҳ.Усмонова ва З.Худойбергановаларнинг докторлик диссертацияларига расмий ҳакамлик қилган.

## МАҚСУДА СОДИҚОВА

Таниқли тилшунос олима Мақсуда Содиқова 1925 йил Тошкент шаҳрида туғилган. У заҳматли, ёркин ва мароқли ҳа йўлини босиб ўтди. Унинг ўрта мактабни битириши ва мустақ ҳаётга қадам қўйиши даҳшатли уруш йилларига тўғри келган эд М.Содиқова ўн икки ёшли синглиси Матлуба билан ўша йиллар Тошкентга кўчирилган "Госзнак" фабрикасида ишлади. Тиришқо меҳнатсевар ёш қизни тезда шу фабриканинг 4-секциясига йўриқ (инструктор) қилиб тайинлайдилар. Ўқишга, ўз билимин оширишга иштиёқи баланд бўлган М.Содиқова 1943 йил Тошкентдаги кечки педагогика институтининг ўзбек тили адабиёти факультетининг кечки бўлимига ўқишга киради.

М.Содиқова 1948 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолд педагогика институтини муваффақиятли тамомлаб, ўрта мактабд ўқитувчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ўрта мактабд ишлаш жараёнида М.Содиқова тилшунослик муаммолари била жиддий шуғулланишга аҳд қилди ҳамда 1950 йилда А.С.Пушки номидаги тил ва адабиёт институтига лаборант сифатида ишг келди. Тиришқоқ, ўз устида тинимсиз ишлашни ёқтирадига М.Содиқовани тезда институтнинг луғат бўлимига кичик илми ходим сифатида ишга ўтказишади. Бўлажак олима 1951-1955 йилд беш жилдлик "Русча-ўзбекча луғат" ва бир томлик "Ўзбекча-русч луғат" учун материал тўплаш, уларни системалаштириш ишид фаол иштирок этди. Бу заҳматли меҳнат бўлажак тилшуно олиманинг сўзларни изоҳлаш, уларнинг маъно қирраларин фарқлаш соҳасида етарли билим ва тажриба тўплашига сабабч бўлди. М.Содиқова луғатлар устида ишлаш жараёнида тузилажа фразеологик луғатлар учун ҳам материаллар тўплаб борди. Ана ш меҳнатнинг самараси сифатида 1972 йилда туркийшуносликда ил марта "Русча-ўзбекча фразеологик луғат" майдонга келди. Б луғатда беш мингга яқин русча фразеологизмлар келтирилиб, ула ўзбек тилига таржима қилинган, луғат мақолалари бади адабиётлардан олинган иллюстратив материаллар била бойитилган эди.

Маълумки, таржимачилик . соҳасидаги энг қат қийинчиликлардан бири у ёки бу тилда кенг тарқалга



фразеологизмлар, мақол ва маталларни бошқа бир тилга аслиятга мом равишда таржима қилишдир. М.Содиқова ана шу хайрли ва машаққатли иш – рус ва ўзбек тилларидаги *"оёғи тортмайди", "оёғи билан эмас, оғзи билан юради", "одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди", "мушук-сичқон ўйнамоқ", "кўча хандон, уй зиндон", "кўнглида кири йўқ", "нонини туя қилиб бермоқ", "на иссиққа кўнади, на совуққа"* сингари уч мингга яқин ибораларнинг муқобил вариантларини аниқлашга жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. Ана шу меҳнатнинг самараси сифатида "Русча-ўзбекча фразеологик луғат" (1972), "Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат" (1989), "Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати" (1993), "Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати" (1994) номли асарлар майдонга келди ҳамда ўзбек фразеографиясининг хазинасидан муносиб жой олди. Мустақиллик йилларида олима замон талабига мос равишда "Ўзбекча-русча-инглизча луғат" яратиш устида иш олиб борди. Шунингдек, келажакда олима мукаммал, яъни тўла уч тилли фразеологик луғат тайёрлашни кўзлаб ишламоқда.

М.Содиқова фақат луғатчилик соҳасида эмас, тилшуносликнинг морфология, нутқ маданияти, лексикология, услубшунослик каби соҳалар юзасидан ҳам самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Олима 1963 йилда йирик тилшунос, профессор С.Иброҳимов раҳбарлигида "Ҳозирги ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сифатлар" деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. М.Содиқова сифат сўз туркуми ҳақидаги ўзининг илмий-назарий фикрларини кенгайтириб, тўлдириб 1974 йилда "Ҳозирги ўзбек тилида сифат" номли йирик монографиясини эълон қилди. Шунингдек у икки томлик "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (1965-1966), "Ўзбек тили грамматикаси" (1975-1976) номли фундаментал тадқиқотларнинг "Сифат" мавзуига оид қисми муаллифи саналади.

70-йиллардан бошлаб М.Содиқова ўзбек услубшунослиги ва нутқ маданияти муаммолари билан шуғулланиб келади. Олима ўзбек тилида феъл туркумининг услубий хусусиятларини тадқиқ этиб, ўнлаб илмий мақолалар ва 1975 йилда "Феъл стилистикаси" номли монография яратди. Ана шу ишларни жамлаб М.Содиқова 1990 йилда "Ўзбек тилида феъл стилистикаси" мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Шу асосда мамлакатимизда яна бир йирик услубшунос олима

шаклланди. М.Содиқова услубшуносликка оид илмий-оммабоп ишлар яратиш, матбуот, радио ва телевидение орқали нутқ маданиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг "Сўздан сўзнинг фарқи бор" (1966), "Нутқ этикаси" (1972), "Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам" (1972) сингари рисолалари ана шундай изланишлар меваси сифатида юзага келган эди. Мақсуда опа кўп йиллар бадиий таржима масалалари ҳам шуғулланган. "Мард йигит", "Етти қарға", "Холмогорлик бола", "Бўрон кампир", "Эртаклар" сингари қатор китоблар М.Содиқова таржимасида нашр этилган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти остонасида бундан 55 йил муқаддам оддий лаборант сифатида иш бошлаган Мақсуда Содиқова бугунги кунда профессор, тилшунослик соҳасида йирик олималардан бири даражасига эришди. Халқимизда "қанот жуфт бўлса, парвоз баланд бўлади", деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳар қандай кишининг муваффақияти, ютуғи энг аввало оиласига, турмуш ўртоғига боғлиқ. Агар М.Содиқованинг биринчи қаноти тинимсиз изланиш, тунларни тонгга улаб қилган заҳматли меҳнати бўлса, унинг иккинчи мустаҳкам қаноти турмуш ўртоғи, мамлакатимизнинг йирик ва кекса тилшуноси, академик Шоназар Шоабдураҳмонов эди. Фикри ёркин замондошимиз, баркамол инсон, заҳматкаш олим, академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг фанга фидойилиги, изланувчанлиги умр йўлдоши Мақсуда опага ҳам ибрат намунаси бўлди. Бу оила ярим аср мобайнида олти қизни ўстириб воясига етказди. Ҳозирги вақтда уларнинг барчаси олий маълумотли, Нодирахон эса физика-математика фанлари номзоди. Ҳозирги вақтда неваралар бобо ва буви изларидан бориб, илм-фан сирларини эгалламоқдалар. Оиланинг катта невараси Зулхумор Қосимова Тошкент Давлат педагогика университетини тамомлаб, ҳозирги вақтда шу илм даргоҳида фаолият кўрсатмоқда. Яна бир невара Беҳзод Абдулхайрихонов Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган, ҳозир АҚШда тил ўрганиш билан банд. Акмал Фатхуллахўжаев эса Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олган, ҳозирги вақтда АҚШ билан ҳамкорликда юртимизда ташкил этилган қўшма корхонада таржимонлик қиляпти.



Профессор Мақсуда Содиқованинг мамлакатимизнинг барча шаҳарларида, жумладан Хоразм воҳасида, Самарқанду Бухорода ҳам шогирдлари, сафдошлари кўп. Улар ана шу бағри кенг устознинг кўмагидан, беғараз ёрдамидан баҳраманд бўлишган.

## ЁРМАТ ТОЖИЕВ

Ёрмат Тожиев 1940 йил май ойида Фарғона вилоятининг Бешариқ туманига қарашли Ропқон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1947-1957 йилларда ўз қишлоғидаги ўрта мактабда таълим олди. 1957 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) абитуриенти бўлди, лекин омади чопмади. Шундан кейин у қишлоғига қайтиб, ҳайдовчилик курсини тугатади, чилангарлик билан шуғулланади. Сўнгра ўз хоҳиши билан Мирзачўлга йўлланма олиб, у ерда ҳам ҳайдовчилик қилади. 1959-1962 йилларда ҳарбий хизматда бўлади. 1962 йилда ТошДУ филология факультетига ўқишга киради. 1967 йилда университетни имтиёзли диплом билан битиради ва шу йили ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи сифатида ишга қолдирилади. Шундан буён Ё.Тожиев шу кафедрада самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ё.Тожиевнинг илмий фаолияти ҳам шу ерда бошланди. 1974 йилда проф.А.Ғуломов раҳбарлигида "Ўзбек тилида эга эканлик ва эга эмаслик маъноларини ифодаловчи аффикслар синонимияси" мавзуида номзодлик, 1991 йилда эса "Ўзбек тилида аффиксал синонимия" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади, 1978 йилда доцентлик, 2003 йилда эса профессорлик унвонига сазовор бўлди. Қирқ беш йиллик фаолияти давомида "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курсининг деярли барча бўлимлари, "Нутқ маданияти ва услубият асослари", "Ўзбек тилшунослиги тарихи", "Сўз ясаш ва қўллаш", "Нутқ сифатлари", "Матн тилшунослиги", "Грамматик стилистика", "Назарий грамматика асослари" каби ихтисослик фанларидан маърузалар ўқиди. Кўп йиллар давомида олим А.Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида "Тил ўқитиш методикаси" фанидан маърузалар ўқиб келмоқда.

Ё.Тожиев республика матбуотида, илмий журнал ва тўпламларда грамматик стилистика ва нутқ маданияти, сўз ясалиши ва сўз таркиби, морфемика, этимология, бадиий асар тили, бадиий

асар лингвопоэтикаси, терминларни тартибга солиш, ўз
тилшунослиги тарихи каби тилшуносликнинг долзарб муаммол
юзасидан ўз қарашларини дадил баён қилиб келмоқда.

Ё.Тожиевнинг ижтимоий фаолияти ҳам диққатга сазов 1970-1980 йилларда филология факультетида тарбиявий иш бўйича декан ўринбосари, 1980-1985 йилларда факультет касa уюшмаси раиси, 1989 йилда ўқув ишлари бўйича дек ўринбосари, 1993 йилдан ТошДУ ҳузуридаги докторл диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси илмий котиби, 2000 йилдан Ўзбекистон ФА Тил ва адаби институти ҳузуридаги докторлик диссертациялари ҳимояси ихтисослашган кенгаш аъзоси каби вазифаларни бажариб келмоқд

Ё.Тожиев "Ўзбек тилида аффиксал синонимия (сиф ясовчилар)" (1981), "Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффиксл синонимияси (отларнинг ясалиши, от ясовчилар)" (1987), "Ўзб тилида аффиксал синонимия (феъл ясалиши, феъл ясовчилар, фе шакллари ҳосил қилувчилар)" (1992), "Нутқ маданияти ва услуби асослари" (ҳаммуаллиф, 1992), "Ўзбек нутқи маданияти услубият асослари" (ҳаммуаллиф, 1994), "Ўзбек тили морфемикаси" (1999), "Ҳуқуқшунос нутқи маданияти, услубияти атамашунослиги асослари" (1-II-қисмлар, 2002-2004), "Ўзбек тили" (2004), "Ҳуқуқшунос нутқи маданияти ва нотиқлик" (2008) каби бир қатор монография, қўлланма ва дарсликлар муаллифидир.

Проф.Ё.Тожиев малакали кадрлар тайёрлаш ишига ҳа жиддий эътибор бериб келмоқда. Олимнинг бевосита раҳбарлиги 16 киши номзодлик ва бир киши докторлик ишини ҳимоя қилган Ҳозирги вақтда яна 2 нафар аспирант ва 2 нафар докторант унин раҳбарлигида илмий изланиш олиб бормоқда. Ўз фаолият давомида юздан ортиқ илмий ишга тақриз ёзган, кўплаб нашрларг муҳаррирлик қилган, 20 дан ортиқ номзодлик ва докторли диссертацияларига расмий хакамлик қилган.

## ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОЕВ

Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори профессор Ҳамидулла Орипович Дадабоевнинг XI-XV асрла



ўзбек терминологияси тарихини тадқиқ этиш соҳасида алоҳида ўрни бор.

Ҳ.Дадабоев 1947 йил сентябр ойида Тошкент вилоятига қарашли Чимён қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, 1966-1971 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) роман-герман факультетида ўқиб, уни тугатгач, ўзи ўқиган университетда 1971-1977 йилларда немис тилидан дарс берди, айни пайтда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида Олий педагогика курслари тингловчиси бўлди. 1977-1980 йилларда Ҳ.Дадабоев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспиранти бўлди, 1980-1981 йилларда шу институт лаборанти, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти лаборанти (1981-1982), кичик илмий ходим (1982-1984), катта илмий ходим (1984-1987) каби вазифаларда ишлаб келди. 1987 йилдан 1998 йилгача ЎзР ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Туркийшунослик бўлими мудири ва айни пайтда ўриндошлик асосида Низомий номидаги ТДПИ "Умумий тилшунослик", "Эски ўзбек тили ва ёзуви" кафедраларида катта ўқитувчи, профессор вазифасини бажарувчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Ҳ.Дадабоев 1981 йилда проф.А.Н.Баскаковнинг илмий раҳбарлигида "Эски ўзбек тилида ҳарбий терминлар" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди[131]. 1991 йилда бу иш жамоавий монографиянинг алоҳида қисми сифатида рус тилида нашр этилди[132]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ҳ.Дадабоев "XI-XIУ аср туркий ёзма ёдгорликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий терминология" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган эди[133].

Ҳ.Дадабоев ўз илмий фаолиятини нуфузли олий ўқув юртларида қизиқарли маърузалар ўқиб, ҳақиқий изланувчан олим-педагогик сифатида изчил давом эттирди. У 1998 йилдан 2000 йилгача Тошкент автомобиль-йўллар институти "Ўзбек ва рус тиллари" кафедрасининг мудири сифатида фаолият кўрсатди. 2000

[131] Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 22 с.

[132] Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке // Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 5-84

[133] Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в письменных памятниках XI-XIУ вв. Автореф. дис. ... доктора филол. наук. – Ташкент, 1991. – 48 с.

йилдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Милл университети "Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикас кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳ.Дадабоев илмий фаолиятининг асосий қисми қадимги, эс туркий, эски ўзбек ёзма ёдгорликлари тили, улардаги тур соҳаларга оид терминлар тарихи, этимологиясини аниқлаш бил боғлиқ тадқиқотлардир. Унинг илмий, тарихий, адабий манбалар қўлланган қатор дипломатик, ижтимоий-сиёсий, ҳарби иқтисодий, солиқ соҳалари билан боғлиқ терминлар тарихи устид олиб борган қатор монографик тадқиқотлари, элликдан орти илмий мақолалари туркийшуносликда, ўзбек тили тарихид алоҳида саҳифа очди. Олимнинг бу соҳага оид монографи тадқиқотлари ўзбек тили тарихий лексикологияси соҳасида янг фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади. Ҳ.Дадабоевнинг чет эл ва республика илмий журнал ва тўпламларида чоп этилган илми мақолалари терминология тарихи билан боғлиқ соҳа терминлари, уларнинг этимологиясига бағишланган эди. Масалан, олимнинг "Эски ўзбек обидаларида мўғулча сўзлар" номли мақоласида *ҳиравул* – илғор отряд, авангард; *чағдавул // чингдавул* – қўшиннинг орт қисми, арьергард; *йанкавул* – қўшиннинг қанотини химоя қилувчи тўда; *болжар* – ҳарбий юриш олдидан қўшин тўпланадиган жой; *бурангар // барангар* – қўшиннинг ўнг қаноти; *жувангар* – қўшиннинг чап қаноти; *олжар* – қўшиннинг жанговар сафарга чиқиши ҳақидаги ҳукмдорнинг фармони; *будал* – ҳарбий қисмларнинг дам олиш мақсадида тўпланадиган жойи каби этимологик жиҳатдан мўғулча бўлган сўзларнинг маъноси, уларнинг Алишер Навоий, Бобур асарларида қўлланиш хусусиятлари асосли таҳлил қилинган[134]. Олим истеъдодининг яна бир қирраси тарихий манбалар тадқиқотчиси сифатидаги самарали фаолиятидир. Хусусан, XI-XIУ асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳолат, ўша давр дипломатик муносабатлари, давлат бошқарув тизими, унда Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати каби масалалар унинг илмий фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Олимнинг шу соҳаларга оид "Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати" номли рисоласи (1996) ва қатор илмий мақолалари шулар жумласидандир.

[134] Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6. – Б. 32-38.



1983-1985 йилларда нашр этилган тўрт жилдлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"ни тузишда қатнашиб, катта тажриба тўплаган Ҳ.Дадабоев тарихий лексикологияга оид қатор илмий монографиялар ёзиш билан бирга, тилимиз тарихи учун зарур бўлган яна бир йирик фундаментал манба – 16 босма табоқдан иборат "Тарихий-ҳарбий терминлар луғати" (2003)ни тузиб нашр эттирди. 2008 йилда бу луғатнинг иккинчи, тўлдирилган нашри эълон қилинди. Бу луғатда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қўлланган уч мингдан ортиқ ҳарбий терминларнинг изоҳи берилган. Мазкур луғат нафақат ўзбек луғатшунослигида, балки туркийшуносликда ҳам дастлабки намуна сифатида характерлидир[135]. Ҳ.Дадабоевнинг бевосита ташаббуси билан ЎзМУда 2002 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта "Тилшуносликнинг долзарб масалалари" мавзуида республика илмий-назарий анжумани ўтказиб келинмоқда. Бу анжуманнинг тадқиқот кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, 2008 йилдаги 4-анжуманда "Маҳмуд Кошғарий – 1000 ёшда", "Умумий тилшунослик", "Лексикология", "Шевашунослик ва топонимика", "Фонетика ва грамматика" каби шўъбалар фаолият кўрсатган эди. 2010 йилда ўтказилган У-анжуманда эса "Фонетика, фонология", ""Лексикология, семасиология", "Ономастика", "Грамматика", "Нутқ маданияти ва услубият масалалари", "Бадиий асар тили, лингвопоэтика", "Матн қурилиши ва матн таърифи", "Туркология масалалари", "Компьютер лингвистикаси ва таълим" сингари шўъбаларда мазмунли маърузалар тингланди[136]. Проф.Ҳ.Дадабоев кафедрада фаолият кўрсатиб келаётган атоқли тилшунос олимлар, таниқли устозлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг юбилейларини юксак савияда уюштириш ишларига ҳам бош-қош бўлиб келмоқда. Жумладан, 2006 йилда "Буюк хизматлари учун" орденининг соҳиби, ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг асосчиси Шавкат Раҳматуллаев таваллудининг саксон йиллик тантаналари ўтказилишида Ҳ.Дадабоевнинг алоҳида ҳиссаси бор[137]. Домлининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор "Ўзбек адабий

[135] Дадабоев Ҳ. Тарихий-ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент: Университет, 2008. – [illegible] б.

[136] Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). У-чиқиши. – Тошкент: "Академнашр", 2010. - 256 б. Масъул муҳаррир: проф.Ҳ.Дадабоев.

[137] Шавкат Раҳматуллаев – атоқли тилшунос. Масъул муҳаррир: Ҳ.Дадабоев. – Тошкент: Университет, 2006. – 76 б.

тили лексикаси тарихи" номли йирик монографик тадқиқ яратишга киришилди ҳамда унинг дастлабки қисми эълс қилинди[138].

Ҳ.Дадабоевнинг юқори малакали филолог-тилшунс мутахассислар тайёрлашда ҳам ўрни беқиёсдир. Шу кунга қадар у нафар фан номзоди ва 2 нафар фан доктори тайёрлади. Айни пайтд олим яна 5 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациясига илми раҳбарлик қилмоқда.

Ҳ.Дадабоев узоқ йиллар ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК филология фанлари бўйича эксперт-кенгаши аъзоси ва илмий котиби сифатида фаолият олиб борган эди. Ҳозирги вақтда Республика Таълим маркази "Она тили" Илмий-методик кенгаши раиси, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси тарих фани бўйича илмий маслаҳат кенгаши ходими, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли ихтисослашган кенгаш аъзоси, шунингдек, Республика "Давлат тили ҳақида"ги қонун ҳамда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосини татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Тил комиссияси аъзоси ҳамдир. Домла терминологияга доир Самарқандда яратилган айрим ишларга масъул муҳаррирлик қилган[139]. У бир неча йилдан буён ЎзР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган Илмий кенгашнинг семинар раиси сифатида жуда кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишлари самарали якунланишига беминнат хизмат қилиб келмоқда.

## ТЎРА НАФАСОВ

Ўзбек тили топонимикасининг асосчиларидан бири, таниқли ўзбек номшунос олими Тўра Нафасовдир.

Тўра Нафасов 1938 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Давтош қишлоғида зиёли оиласида туғилган. У дастлабки таълимни қишлоғидаги бошланғич мактабда олган. 1955 йилда қўшни қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлаб, бир йил ўз

[138] Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). – Тошкент: Фан, 2007. – 156 б.
[139] Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган тарихий-ҳуқуқий атамаларнинг қўлланилиши бўйича услубий қўлланма. Тузувчилар: Мукимов З.Ю., Турсунова О.Ф. Масъул муҳаррир: Дадабоев Ҳ. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 138 б.



қишлоғида ўқитувчилик билан шуғулланди, кейинчалик Самарқанддаги жисмоний тарбия педбилим юртида ўқиди. 1963 йилда СамДУнинг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, Қарши давлат педагогика институтига ишга қабул қилинади. У талабалик йилларида СамДУда ўзбек тилшунослиги тўгарагини бошқарди ҳамда У.Турсунов, А.Сулаймонов, А.Мухторов, Ҳ.Бердиёров, Х.Дониёров, В.Эгамов, Р.Қўнғуров каби таниқли олимлардан тилшунослик сирларини ўрганди.

Маълумки, топонимика ономастиканинг энг йирик ва муҳим соҳаларидан биридир. Т.Нафасов эса ўзбек тилшунослигида ҳудудий топонимия масалаларини ўрганиш ишини бошлаб берган олим саналади. У Қашқадарё вилояти ҳудудидаги мингдан ортиқ ойконимлар, гидронимлар, оронимлар, микротопонимлар тўплаб тадқиқ этди, шу асосда 1968 йилда проф.С.Иброҳимов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1963 йилдан бошлаб Т.Нафасов ҚаршиДУ (1992 йилгача ҚаршиДПИ)да ўқитувчи, катта ўқитувчи (1968), доцент (1969-1990), декан ўринбосари (1991-1995), декан (1996-1998), кафедра мудири (1986-2003), профессор (1990 йилдан) лавозимларида фаолият кўрсатиб келди. 1993-1997 йилларда у СамДУ ҳузуридаги К 0870622 рақамли номзодлик илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси бўлди. 1989-1996 йилларда Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик объектларни номлаш комиссиясига раислик қилди ҳамда Қарши шаҳридаги 500 га яқин кўчалар ва маҳаллаларнинг тарихий номларини қайта тиклади, шу асосда шаҳар микротопонимиясини миллийлаштирди ва маҳаллийлаштирди. "Давлат тили ҳақидаги қонун" чиққан даврдан бошлаб Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тил комиссияларининг аъзоси сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Проф.Т.Нафасовнинг илмий раҳбарлигида О.Бегимов (1998), Э.Жабборов (1999) каби тадқиқотчилар филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияларини ҳимоя қилганлар. У ўнга яқин ёш тадқиқотчининг илмий ишларига расмий ҳакамлик қилган, ўндан ортиқ илмий тўпламлар унинг масъул муҳаррирлигида чоп этилган.

Т.Нафасов моҳир ташкилотчи сифатида жуда кўплаб илмий анжуманлар ўтказилишига раҳбарлик қилди. Жумладан, Қаршида

1989 йилда "Ўзбекистон ономастикаси" мавзуидаги бутунитти илмий анжуман ўтказилган эди.

У ономастикага бағишлаб турли илм ва таълим масканлари ўтказилган илмий анжуманларнинг фаол иштирокчиси санала Масалан, Хельсинки шаҳрида ўтказилган ХУП халқаро ономасти конгресси (1990), Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлган Миллатлараро туркий халқлар маданияти конгресси (199 Москвада бўлган "Тарихий номлар – маданият ёдгорлиг мавзуидаги халқаро конференция (1996), Боку (1986, 1988), Бишк (1988, 1989), Тбилиси (1991), Волгоград (1989), Нукус (1990), У (2000) шаҳарларида ўтказилган илмий анжуманларда ўзбек туркий тиллар ономастикасининг долзарб назарий, амали муаммолари ҳақида маърузалар билан иштирок этган.

Т.Нафасовнинг топонимияга оид тадқиқотларида жо жойларининг аппелятив лексикадан фарқ қиладиган хусусиятлари изчил ёритилган. Олимнинг "Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи" (1985), "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати" (1988), "Қишлоғингиз нега шундай аталган?" (1989), "Ўзбек номномаси" (1994), "Бойсун топонимикаси" (1997), "Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати" (2007), "Ўзбек тилининг талаффуздош сўзлари ўқув изоҳли луғати" (2007), "Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари" (2008), "Қашқадарё қишлоқномаси" (2009), "Чироқчинома" (2010), "Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари" (2011) каби асарларида мамлакатимиз топонимларининг, диалектал сўзларнинг асоси хусусиятлари таҳлил қилинган. Т.Нафасовнинг биргин "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати"да 1,5 мингдан орти этнотопонимларнинг изоҳи келтирилган.

Проф.Т.Нафасов кенг қамровли тадқиқотчи олимларимиздан биридир. У "Лингвистик таҳлил" (1978, 1981), "Ҳозирги ўзбе адабий тилидан лаборатория машғулотлари" (1986) каби бир қатор ўқув қўлланмалари яратган. Олим Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари топонимларини йиғиш ва тадқиқ этиш жараёнида воха аҳолисининг сўзларини хам тўплаб борди ҳамда бундай сўзларнинг ўн мингга яқинини "Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари" номи билан 2011 йилда нашр эттирди. Воҳа оғзаки ижоди намуналарини яратувчиларидан бешик қўшиқларини ёзиб олиб, "Ўзбек аллалари" номли китоби (1994)ни яратди, келиной термаларини тўплаб китоб



ҳолига келтирди, бахши шоир Рўзи Қултўраевдан Тўмарис она ҳақидаги "Ойсулув" номли катта ҳажмли достонни ёзиб олди. Т.Нафасов мўътабар мураббий сифатида республикамиз тилшунослари, шогирдлар ва талабалар ўртасида чуқур ҳурмат қозонган.

## ВАҲОБ ЭГАМОВ

Университетни ва собиқ Самарқанд Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини сўнгги эллик йил ичида тугатган ва профессор Ваҳоб Эгамовдан сабоқ олган ҳар бир кишидан ўзининг талабалик йиллари, устозлари хусусида сўрасангиз, улар бу домланинг исмини алоҳида ҳурмат билан тилга олиб, "тили билан дили бир ажойиб инсон, билимдон ва дилкаш олим эди", дея эслашади. Бунда албатта чуқур маъно бор, ўзининг тўғри сўзлиги, билими, дунёқараши ва меҳнатсеварлиги билан дўстлари, танишлари ва шогирдлари орасида катта обрў қозонган инсон тўғрисидагина халқ доимо ана шундай олқишлаб сўзлайди.

Ваҳоб Эгамов 1941 йилдан умрининг охиригача халқ маорифи соҳасида жон куйдириб меҳнат қилган, йирик педагог, тилшунос олим ва мураббий эди. У Фориш туманининг Қоратош қишлоғида 1925 йилда камбағал деҳқон Эгам Бекпўлатов хонадонида дунёга келган эди. 1939 йилда ёш В.Эгамов қишлоқда тўлиқсиз ўрта маълумот олгач, Жиззахдаги педагогика билим юртида таълим олди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган В.Эгамов 1941 йил сентябрдан бошлаб Форишдаги 26-мактабда ўқитувчилик қила бошлаган. Ёш ўқитувчи уруш йилларидаги фидокорона меҳнати учун 1946 йилда "Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун" медали билан тақдирланган эди.

Ўз билимини оширишга интилган ёш педагог 1944-1945 йилларда Самарқанд ўқитувчилар тайёрлаш институтида сиртдан таълим олиб, диплом олишга муваффақ бўлган эди. Интилувчан йигит уруш тугаши билан 1946 йилда ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) нинг филология факультетига ўқишга киради. 1950 йилда университетни имтиёзли битирган тиришқоқ В.Эгамовни ўша йилнинг ўзидаёқ аспирантурада ўқишга олиб қоладилар. Ўша вақтда Самарқанд тилшунослик мактабининг сардори Улуғ Турсунов ўз шогирдига Ғаллаоролдаги ўзбек шеваларини тадқиқ этишдек муҳим мавзуни номзодлик иши сифатида тавсия қилган эди. Ёш олим В.Эгамов

Ғаллаорол туманидаги барча қишлоқларни бирма-бир кезиб чиқ бу ердаги аҳолининг тили, тарихи, этнографиясига оид муҳ маълумотлар тўплади, уларни саралаб ўзининг дастлабки илм мақолаларини ёзди. Дилкаш, одамларга тезда эл бўлиб ке оладиган домла ўша йиллардаёқ ўзининг феъл-атвор билимдонлиги, очиқ кўнгиллиги ва одамийлиги билан тум аҳолиси орасида жуда яхши таассурот қолдирган эди.

1955 йилда В.Эгамов "Ўзбек тилининг Ғаллаорол шеваси мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимо қилди. Бу иш ўша йилларда ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасин комплекс тадқиқ этиш йўлида қўйилган дастлабки дадил қадам эди Олим ўзининг шевашуносликка доир илмий изланишларин шундан кейин ҳам тўхтатмади, қипчоқ шеваларининг синтакти хусусиятларини тадқиқ этишга доир йигирмага яқин илмий мақолалар яратди, 1970 йилда В.Эгамовнинг "Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол шеваси" номли йирик монографияси босмадан чиқди. Бу йирик тадқиқот уч катта бўлимни ўз ичига олади. Унинг дастлабки бўлимида Ғаллаорол шевасида сўзлашувчи аҳолининг тарихи, этник таркиби, Ғаллаорол ва унинг атрофи жой номларининг этимологияси ҳақида фикр юритилади. Иккинчи бўлимда эса Ғаллаорол шевасининг унли ва ундошлар тизими, бу шева вакиллари нутқида кенг тарқалган фонетик ҳодисалар характерли мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган (22-55-бетлар). Ишнинг асосий қисми Ғаллаорол шевасининг ўзига хос морфологик хусусиятлари таҳлилига бағишланган (56-103-бетлар). Тадқиқотнинг энг муҳим фазилатларидан бири шундаки, унда шеванинг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини кўрсатувчи қўшимча матнлар, мақоллар ва эртаклар илова тарзида келтирилган (119-128-бетлар).

В.Эгамов 1959-1969 йиллар давомида СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцентлик лавозимида ишлади. 1969 йилнинг декабрь ойидан янгидан ташкил этилган С.Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг декани лавозимида фаолият кўрсатди. Ўн йил давомида бу факультетни бошқарган В.Эгамов ўзининг талабчан ва моҳир раҳбар, олий таълимнинг жонкуярларидан бири эканлигини намойиш этган эди. Шунинг учун унга 1977 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими деган



фахрий унвон берилган эди. Шундан кейинги йилларда В.Эгамов СамДПИда ўзбек тилшунослиги кафедрасининг, кейинчалик ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири сифатида актив фаолият кўрсатган эди. Шуларни инобатга олиб, собиқ Иттифоқ ОАКи ташкилотчи ва сермаҳсул олимга 1988 йилда профессорлик илмий унвонини берди. Худди шу йили проф.В.Эгамовнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис)" номли асари Тошкентда "Ўқитувчи" нашриёти томонидан кўп минг нусхада нашр этилган эди. Бу ишда ўзбек тили грамматик қурилишининг синтактик тизими изчил ёритилган бўлиб, гап, унинг тузилишига ва ифода мақсадига кўра турлари, содда ва қўшма гаплар, гап бўлаклари, бир бўлакли ва икки бош бўлакли содда гапларнинг грамматик табиати қисқа ва асосли таҳлил қилинганлиги билан ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу ишда, айниқса, эргашган қўшма гапнинг турлари, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар, мураккаб қўшма гап ҳамда унинг кўринишлари ихчам ва содда шаклда изоҳлаб берилган. Домланинг ўзининг сўнгги чорак асрлик умрини ўзбек халқ шеваларининг синтактик хусусиятларини изчил ўрганишга бағишлаган эди. Унинг бу масалага доир эълон қилган кўп илмий мақолалари ўзбек шеваларининг синтактик табиати ҳақида яхши тасаввур беради.

1992 йилда СамДПИ университетга қўшилгач, устоз тилшунос олим В.Эгамов умрининг охиригача (1996 йилгача) СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори сифатида самарали фаолият кўрсатди, талабаларга "Ўзбек диалектологияси", "Ҳозирги ўзбек адабий тили" (синтаксис) сингари асосий фанлардан дарс берди, уларнинг малакавий битирув ишларига моҳирлик билан раҳбарлик қилди, университет ва шаҳар миқёсида жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди. Проф.В.Эгамов ўз ҳаёти давомида бир қанча ёш олимларнинг номзодлик ишларига расмий ҳакамлик қилган, йигирмага яқин илмий тўплам ва монографияларнинг масъул муҳаррири бўлган эди. Домладан яхши китоблар, ажойиб шогирдлар мерос бўлиб қолди.

## ЖЎРАБОЙ ҲАМДАМОВ

СамДУнинг истеъдодли тилшунос олими, камтар ва заҳматкаш инсон Жўрабой Ҳамдамов тимсолида энг фазилатларга бой баркамол зиёлини кўриш мумкин. Домланинг ўзи

ҳам, иши билан сўзи ҳам покиза. Бинобарин, у ҳаржиҳатдан кўпчиликка, хусусан, ўзини илм-фанга, сўз санъатига бағишлаган ёшларга ўрнак-намунадир. Ҳамкасблари, дўстлари Жўрабой аканинг дилкаш суҳбатига тўйишмайди, талабалар эса домланинг дарси тугамаса экан, деб орзу қилишади.

Бўлажак олим Жўрабой Ҳамдамов 1929 йилда Андижон шаҳри яқинидаги Хартум қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг болалиги П-жаҳон уруши йилларига тўғри келган эди. Ёш Ж.Ҳамдамов 1940 йилдан бошаб жамоа хўжалигида ҳисобчи, клуб мудири, ёшлар бригадасининг бошлиғи вазифаларида ишлаган, 1944-1946 йилларда эса қишлоқдаги алоқа бўлими бошлиғи, солиқ агентлиги ҳисобчиси бўлган. Уруш даврида фронт ортидаги ана шундай фидокорона меҳнати туфайли Ж.Ҳамдамов кейинчалик бешта медал билан мукофотланган эди.

Ёшликдан меҳнатда тобланган Ж.Ҳамдамов 1946 йилда қишлоқдаги ўрта мактабни муваффақиятли якунлаб, Самарқандга ўқишга келади. Худди шу йили у ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) филология факультетига ўқишга киради. 1946-1951 йилларда Ж.Ҳамдамов ўз сафдошларидан билимга чанқоқлиги, берилган вазифаларни ҳалол-покиза бажариши билан ажралиб турди. шунинг учун у беш йил давомида гуруҳ сардори, ўзбек тилшунослиги тўгарагининг фаол иштирокчиси сифатида устозлари назарига тушди. 1951 йилда университетни имтиёзли диплом билан туғаллаган ёш, изланувчан йигитни устозлари кафедра қошидаги аспирантурада ўқишга олиб қолишади. Шундан кейин ёш олимнинг янги куч ва матонат билан илмий изланишлар олиб бориш, мақолалар ёзиш, тилшуносликка оид турли хил мунозараларда иштирок этишдек самарали фаолияти бошланади. Жумладан, 1951-1952 йилларда ўзбек тилининг янги имло қоидалари эълон қилиниб, улар матбуотда кенг муҳокама қилинади. Ана шу мунозарада ёш олим Ж.Ҳамдамов ўз устозлари У.Турсунов ва Ҳ.Бердиёров билан ҳамкорликда иштирок этиб, марказий газета – "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози")да катта мақола билан чиқиш қилади. 1952 йил 14 майда ўша газетада эълон қилинган "Ўзбек тили орфографияси ҳақида бизнинг мулоҳазаларимиз" номли мақола ёш олимнинг дастлабки иши бўлиб, худди шу иш уни тилшунослик оламига олиб кирган эди. Шундан кейин ёш тадқиқотчи аспирантнинг "Тилшунослик



соҳасидаги илмий изланишларни янада кенгайтирайлик" (1952), "Тил тўғрисидаги таълимот" (1953), "И.Ўктамнинг "Кечирилмас гуноҳлар" пьесаси ҳақида" (1954), "Катта аҳамиятга молик муҳим ҳужжат" (1956) сингари қатор сермазмун мақолалари республика ва вилоят миқёсидаги матбуот органларида эълон қилинди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ёш иқтидорли олим Ж.Ҳамдамов Самарқанд тилшунослик мактабининг сардори, проф.У.Турсуновнинг тавсияси билан ўзбек тилшунослиги учун жуда долзарб мавзу бўлган – XIX асрда ўзбек тилига русча ўзлашмаларнинг кириб келишининг этнолингвистик асослари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг худди шу мавзуга оид "Муқимий асарларида русча элементлар ҳақида" (1957), "Фурқат ва рус тили" (1959), "Фурқат ва Муқимийнинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги хизматларига доир" (1960), "Завқий асарларида русча сўзлар" (1961), "Завқий асарларида русча сўзларнинг ишлатилиш хусусиятлари" (1962), "XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилидан сўз қабул қилишнинг экстралингвистик сабаблари" (1962), "Рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг ўзбек тилига морфологик жиҳатдан мослашуви" (1963), "Рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг ўзбек тилига фонетик жиҳатдан мослашуви" (1964) сингари салмоқли ва мазмундор илмий мақолалари эълон қилинди. Ана шу ишларнинг натижаси сифатида 1963 йилда Ж.Ҳамдамов СамДУ Илмий кенгашида "Ўзбек тилида русча лексик ўзлашмалар тарихидан" (XIX асрнинг иккинчи ярми материаллари асосида) мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу ишга расмий ҳакамлар академик В.Абдуллаев ва йирик тилшунос Олим Усмон жуда юксак баҳо бердилар.

60-йиллардан бошлаб Ж.Ҳамдамов ўзбек тили тарихи, эски ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари, туркий тиллар тарихий лексикологияси ва лексикографияси муаммолари билан изчил шуғулланди. Буни олимнинг 60-80-йилларида СамДУ илмий тўпламларида нашр этилган "Ўзбек адабий тилининг отахони" (1966), "Алишер Навоийнинг грамматик қарашлари" (1981), "Навоий сўз хазинаси луғатларда" (1977), "Муҳокаматул лугатайн"нинг стилистикасини ўрганиш учун аҳамияти (1983), "Алишер Навоий асарлари тилининг айрим энг характерли морфологик хусусиятлари" (1990)

"Навоийдаги бир жўғрофий атаманинг лексикографик талқини" (2000), "Ўзбек тили тарихини ўрганишда "Муҳокамату-луғатайн"нинг аҳамияти ҳақида" (2001) сингари йигирмадан ортиқ илмий мақолалари ҳам тўла тасдиқлайди. Заҳматкаш олим эски ўзбек тилида равишдош шаклларининг эволюцион тарихини чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратди. Олимнинг худди шу мавзуга доир "Ўзбек тилида равишдош формаларининг шаклланиши масаласига доир" (1977), "Ўзбек тилида равишдошларнинг бошқа сўз туркумларига ўтиши" (1978), "Ўзбек тилида *–гунча ва –гач* формантли равишдошлар" (1979), "*-гач, -гунча* формантли равишдошларнинг синтактик функцияси" (1985), "*-а/-й* формантли равишдошларнинг синтактик ва стилистик функцияси" (1987), "*-гали / -гали* формантли равишдошнинг маънолари ва синтактик функцияси" (1988), "XIУ аср ёзма обидалари тилида равишдош формаларининг стилистик хусусиятлари" (1989), "Равишдошнинг феълларнинг ясалишидаги роли (тарихий аспектда)" (1990), "*-(и)б* формантли равишдош боғланган қўшма гап биринчи қисмининг кесими позициясида" (1991), "Равишдошнинг эргаш гап кесими позициясида келиши" (1992), "-(и)б формантли равишдошнинг уюшиқ кесим вазифасида қўлланилиши" (1993) сингари қатор илмий мақолалари СамДУ илмий тўпламларида нашр этилди. Ж.Ҳамдамов кейинчалик ана шу мақолалардаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, "Ўзбек тилида равишдош" номли йирик монографик тадқиқот яратди (2000). Бу асар ўзбек тилшунослигидаги равишдошлар тарихий эволюцияси, семантикасига оид ҳозирча ягона йирик тадқиқот саналади.

Проф.Ж.Ҳамдамовнинг айрим географик номлар, этнонимлар, грамматик формалар этимологиясига доир изланишлари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, олим "*Уйғур*" этнонимининг этимологияси Маҳмуд Кошғарий талқинида" деб номланувчи мазмундор маърузаси "Девону луғатит" асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани (2001) иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотган эди. Олим "*Ургут*" сўзининг этимологиясига доир" (2001), "Ўзбек тилида кўрсатиш олмошларининг шаклланиши ва тараққиёти" (2001), "Ўнлик сонлар этимологияси ҳақида" (2002), "Эски ўзбек тилида гумон олмошларининг эволюцияси" (2002), "Бирлик сонларнинг



этимологияси масаласига доир" (2003) каби мақолаларида бир қанча топонимлар, этнонимлар ва грамматик шакллар этимологияси, уларнинг келиб чиқиши ва тараққиёт эволюцияси ҳақида анча ишонарли фикр-мулоҳазаларни билдира олган.

Проф.Ж.Ҳамдамов ярим асрдан буёи филолог талабаларга "Ўзбек тили тарихи", "Туркий филологияга кириш", "Ўзбек адабий тили ва эски ўзбек ёзуви", "Ўзбек тилининг тарихий морфологияси", "Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси" сингари асосий фанлардан юксак савияда маърузалар ўқиб келди. Олим ўзининг ана шу фанлар бўйича ўқиган маърузаларини уч катта қисмда нашр эттирди (1999-2001). 2002 йилда нашр этилган "Ўзбек тили тарихи" номли ўқув қўлланмада ўзбек тили тарихини ўрганишга асос бўладиган манбалар ҳақида маълумот берилган, ўзбек тили тарихининг ўрганилиши, бунда "Девону луғотит турк"нинг аҳамияти, ўзбеклар ва ўзбек тилининг тарихий илдизлари, ўзбек миллий тилининг шаклланиш жараёни, ўзбек тили тарихини даврлаштириш муаммолари, ўзбек тилининг туркий тиллар орасида тутган ўрни, Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили каби мавзулар бўйича асосли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш президумининг 2004 йил 26 июндаги 43-сонли қарори билан Ж.Ҳамдамовнинг "Ўзбек тилининг тарихий морфологияси" номли йирик ҳажмли ўқув қўлланмаси нашр этилган. Ҳозирги вақтда бу иш мамлакатимизда етук филолог кадрлар тайёрлашда, уларни тилимиз морфологик тизимининг тарихий тараққиёти билан таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ж.Ҳамдамовнинг эски ўзбек тилидаги хитойча, мўғулча, ҳиндча, арабча ўзлашма сўзлар этимологиясига доир илмий изланишлари ҳам мутахассислар эътиборини жалб этиб келмоқда. Жумладан, олимнинг "Ўзбек тилида ўзлашма гумон олмошлари" (2002), "Ўзбек тилида хитойча лексик ўзлашмалар" (2007) сингари бир қанча мақолалари янги факт ва далилларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ж.Ҳамдамов кўп йиллардан буён магистрантларга "Этимология ва этимологик таҳлил усуллари" номли танланма фан бўйича маърузалар ўқиб келмоқда. [illegible]

юқори малакали филолог мутахассисларга сўзларни ва грамматик формаларни чуқур этимологик таҳлил қилиш, уларга сўз ҳамда грамматик шаклларнинг тарихий тараққиётини, эволюциясини аниқлаш сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳозирги вақтда синчков олим ўзининг ана шу маърузалари негизида “Этимологик таҳлил усуллари” номли ўқув қўлланмаси яратиш устида иш олиб бормоқда.

Заҳматкаш олим, профессор Жўрабой Ҳамдамов ҳамон илмий изланишда. У ҳозир ҳам тинимсиз ўқиш ва ўрганишни саодат деб билади.

## НОСИР АБДУРАҲМОНОВ

Кексаликни гоҳида инсон умрининг кузи дейдилар. Бу фаслда умр деган чорфасл сарҳисоб қилинади, босиб ўтилган ҳаёт йўлига назар ташланади, эришилган ютуқлар ғурури ва лаззати такрор ва такрор ҳис қилинади, ушалмаган орзулар, ҳали қўл тегмаган ишларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланади, умр давомида йўл қўйилган айрим нуқсонлар ақлу тажриба тарозисида қайта-қайта ўлчаб кўрилади, инсон зотининг олдига қўйиладиган қуйидаги сингари мангу саволларга жавоб қидирилади: Нега дунёга келдим? Нималарга эришдим? Қандай ишларни амалга оширдим? Ҳаётимдан қониқдимми?

Таниқли туркийшунос олим, университетимиздаги ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори Носир Абдураҳмонов ҳам ўзининг саксон йиллик умрини сарҳисоб қилаётганда ўз олдига ана шундай саволларни қўйиб қарийиб олтмиш беш йиллик илмий-педагогик йўлини бир назардан ўтказмоқда.

Носир ака 1927 йил декабр ойида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Нурак қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келган. Икки ёшида отасидан айрилган Носир ака амакиси Абдулҳаким Раҳмонбердиев қўлида, кейинчалик ўгай ота ва тоғалари қўлида тарбияланган, етимликнинг аччиқ аламларини бошидан кечирган эди. 13 ёшида Носир ака колхоз йўлланмаси билан Самарқанд шаҳридаги 8-сон касб-ҳунар мактаби(ФЗО)га ўқишга юборилади.Ана шундан кейин унинг ҳаётида янги босқич бошланади.

1940-1941 йилларда ФЗОда таълим олган Н.Абдураҳмонов уруш туфайли ўқишга тўхтатишга ва қишлоғида, кейинчалик



Фарҳод ГЭС қурилишида ишлади, уч йил фронт орти ишларига жалб қилиниб, Россиянинг Самара вилоятига жўнатилади. Машъум урушнинг тугаганлигини ўша Самарада эшитди. урушдан кейин ҳам бир йил давомида ўша ерда қурилиш батальонида ҳисобчи бўлиб ишлаган Носир ака 1946 йилга қишлоғига қайтиб келди ва 1947 йилда ўрта мактабни тамомлаган Н.Абдураҳмонов 1940 йилларда ўзи орзу қилган дорилфунунга ҳужжат топширади.

1947-1952 йилларда Н.Абдураҳмонов ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида таълим олади. Ўша пайтларда ЎзДУнинг бу факультетида машҳур олимлар – проф.А.Саъдий, проф.У.Турсунов, проф. В.Абдуллаев, проф.Ю.Ю.Авалиани, доц.А.Сулаймонов, доц. Ҳ. Бердиёров, доц. М.Юнусов кабилар ишлашар эди. Ана шу олимларнинг илмидан баҳра олган Н.Абдураҳмоновнинг кўнглида филолог олим бўлишдек орзуси туғилгани каби, устозлар кўнглида бу зуваласи пишиқ, оғир меҳнат машаққатини бошидан кечирган йигитни аспирантурага жалб этиш ташаббуси пайдо бўлди, устозлар уни ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги аспирантурада ўқишга таклиф қиладилар. Аслида сиртқи аспирантура учун имтиҳон топширган ёш тадқиқотчини кундузги бўлимга ўқишга қабул қиладилар. Устозлар ишончи тўла оқланди: 1962 йилда Н.Абдураҳмонов таниқли тилшунос олим А.Сулаймонов раҳбарлигида Туркманистон Давлат университети илмий кенгашида “Ўзбек тилида жуфт сўзлар” мавзусидаги номзодлик ишини муваффақият билан ҳимоя қилади. Шу йилдан эътиборан у ўзбек тилшунослиги капфедрасига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинди.

Домла кафедрада қарийб қирқ беш йил давомида “Қадимги туркий тил”, “Ўзбек тили ўқитиш методикаси”, “Ўзбек тили тарихи”, “Туркий тилларнинг қиёсий-та́рихий грамматикаси”, “Туркий филологияга кириш”, “Ҳозирги турк тили” сингари назарий ва умумтуркологик фанлардан талабаларга сабоқ бериб келди. Унинг “Ўзек тилида жуфт сўзлар” (1969) номли монографияси ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда шу мавзуда ёзилган ягона йирик илмий тадқиқот саналади. Бу ишда жуфт сўзларнинг ясалиши, структураси, маъно хусусиятлари кенг таҳлил қилинган эди. Домла тажрибали мактаб ўқитувчиси сифатида биринчилардан бўлиб тил ўқитиш методикаси масалалари билан

жиддий шуҳулланди ҳамда “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” (197 номли ўқув қўлланмасини нашр эттирди.

Н.Абдураҳмонов ўз илмий-педагогик фаолиятининг асос қисмини туркий тилларнинг грамматик қурилишини чуқур тадқ этишга, шу мавзуга доир дарслик ва ўқув қўлланмалари ятатиш сарфлаб келмоқда. Домланинг икки қисмдан иборат “Қадим туркий тил” номли дарслик-қўлланмаси “Ўқитувчи” нашриёт томонидан икки марта (1989, 1996) кўп минг нусхада нашр этилган Проф.Б.Ўринбоев билан ҳамкорликда яратилган “Турки филологияга кириш” номли ўқув қўлланмаси (2002) эса ҳозирг кунда мамлакатимизда шу фан бўйича муҳим ишлардан бир саналади. Н.Абдураҳмонов талабаларга ҳозирги турк тилининг фонетикаси, грамматикаси бўйича ҳам кўп йиллар давом давомида мароқли амалий машғулотлар олиб борган. Унинг шу соҳадаги таълимини олган У.Санақулов, Б.Тўйчибоев, Б.Бафоев, Б.Юсупов, Ж.Элтазаров сингари қатор тадқиқотчилар кейинчалик йирик туркийшунос олимлар фан номзодлари ва докторлари бўлиб етишдилар. Домла тил тарихига доир бир қанча номзодлик диссертациялари ҳимоясида расмий ҳакамлик қилган.

Серғайрат олимнинг туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси муаммоларига оид қирқдан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари “Советская тюркология”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Зиёкор”, “Халқ таълими”, “Тил ва адабиёт таълими” сингари журналларда, илмий тўпламларда нашр этилган. Домла мамлакатимизда лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбоси ва имлосининг забардаст тарғиботчиларидан ҳам бири саналади. Бу соҳада домла томонидан яратилган услубий қўлланмалар ҳозирги кунга қадар филологик таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Олимнинг ана шундай баракали илмий-педагогик фаолиятини инобатга олиб, СамДУ Илмий кенгаши 1995 йилда унга университет профессори деган унвон берди.

Н.Абдураҳмоновнинг уруш ортидаги хизматлари, олий таълим, маориф ва фан равнақига қўшган хизматлари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган. У “Шавкатли меҳнати учун”, “Ғалабанинг 30 йиллиги”, “Ғалабанинг 40 йиллиги”, “Меҳнат фахрийси”, “Шуҳрат” медаллари, республика, вилоят, шаҳар ва университет раҳбариятининг кўплаб Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.



Халқимизда “интилганга толе ёр”, деб бежиз айтилмаган. Фориш туманининг олис тоғ қишлоғидан фан ва маориф хизматига отланган ёшгина йигит бугунги кунда таниқли олим, ёшларнинг меҳрибон устози профессор Носир Абдураҳмонов университетда ва мамлакатимиз филологлари орасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор.

Носир аканинг оиласи Самарқанд шаҳридаги Навбаҳор маҳалласининг намунали оилаларидан бири саналади. Турмуш ўртоғи Зевар янга Абдураҳмонова ўттиз йил шаҳардаги 9-ўрта мактабда она тили ва адабиётидан дарс берган, ҳозир нафақада. Улар Носир ака билан олти ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандлар турли соҳаларда ишлаб ота-онага мададкор бўлиб келмоқдалар. Носир ака эса янга билан йигирмадан ортиқ невара, бешта чевара ардоғида яратганга шукр қилиб яшаб келмоқда.

## АЛИЖОН МАМАЖОНОВ

Профессор Алижон Мамажонов ўзбек тилининг синтактик қурилиши, мураккаб синтактик бирликларнинг тил тизимидаги ўрни, синтактик услубият бўйича салмоқли ишларни амалга оширган сермаҳсул олимлардан бири саналади. Олим кейинги қирқ йилдан буён ҳозирги ўзбек тилидаги гапларни тузилишига кўра қуйидаги беш структурал типга ажратиб жиддий таҳлил этиш билан изчил шуғулланиб келмоқда: 1. Содда гаплар – содда ёйиқ ва содда йиғиқ гаплар. 2. Мураккаб гаплар – таркибида ажратилган сифатдош, равишдош оборотлари, ажратилган гап бўлаклари мавжуд бўлган конструкциялар. 3. Қўшма гаплар – таркиби икки предикатив бирликдан иборат бўлган синтактик конструкциялар. 4. Периодлар – таркиби иккидан ортиқ предикатив бирликларнинг бирикувидан тузилган конструкциялар. 5. Йирик синтактик бирликлар – грамматик жиҳатдан мустақил бўлган гапларнинг умумий мазмун талаби билан бирикуви натижасида ҳосил бўлган синтактик бутунликлар.

А.Мамажоновнинг 1975 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси “Ўзбек тилида периодлар” мавзусига бағишланган эди. Бу ишда олим эргаш гапли конструкцияларнинг типлари, уларнинг мураккаб структурал кўринишлари ҳозирги ўзбек адабий тилида бир неча эргаш гапли конструкциялар ҳамда бир неча бош

гапли периодларнинг алоҳида-алоҳида синтактик ходи эканлигини ва уларнинг янада мураккаблашган моделлари – б неча эргаш ва бош гапли турлари мавжудлигини фактик далилл асосида исботлашга муваффақ бўлган эди[140].

Олимнинг фикрича, мураккаб синтактик қурилмалар ўзб тилининг тарихий тараққиёти натижасида, ўз ички қонуниятлар асосида вужудга келган мураккаб синтактик ва структур қурилиш деб қараш мақсадга мувофиқдир. Бу тадқиқ А.Мамажоновни қўшма гаплар, жумладан йирик синтакти бирликлар услубияти билан жиддий шуғулланишга даъват этди Олим мураккаб синтактик қурилмаларни услуб жиҳатдан жуд қулай ҳисоблаб, йирик синтактик бирликлар ана шу эхтиёж туфайли юзага келганлигини ҳамда уларнинг қўлланиш доираси жуда кенг бўлиб, исталган нутқ стилида учраши мумкинлигини таъкидлаб кўрсатади. А.Мамажонов тўғри қайд қилганидек, "йирик синтактик бирликлар ёзма адабиёт маҳсулидир. Улар бадиий нутқда тасвирлаш учун қулай бўлган ҳамда ёзувчининг индивидуал хусусиятларини кўрсатувчи ва белгиловчи воситадир"[141].

А.Мамажоновнинг илмий фаолиятида "Қўшма гап стилистикаси" номли монография ва шу асосда ҳимоя қилинган "Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари" номли докторлик диссертацияси алоҳида ўрин тутади[142]. Монографияда тадқиқотчи стилистиканинг энг биринчи вазифаси тил ва нутқ бирликларининг эмоционал-экспрессив функциясини кўрсатиб беришдан иборат, деб ҳисоблайди. Олимнинг талқинига кўра, тилдаги грамматик ва стилистик нормаларни пухта ўзлаштириб олиш нутқ маданиятини эгаллаб толиш йўлларидан биридир. Тадқиқотда қўшма гапда қўлланувчи анафора, эпифора, инфора, антитеза, параллелизм, эллипсис каби синтактик-стилистик фигураларнинг функционал белгилари, қўшма гап шаклларининг илмий, расмий, бадиий, публицистик ва оғзаки-сўзлашув стилларида қўлланиш имкониятлари анча кенг ва асосли ёритиб берилган. Монографиянинг энг характерли томони

[140] Мамажонов А. Паратактик-гипотактик алоқали периодлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. № 2. – Б. 27-31; Мамажонов А. Аралаш эргашиш // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. № 2. – Б. 81-84.
[141] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. № 5. – Б. 65.
[142] Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 112 б.; Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка. Автореф. дис… доктора филол. наук. – Ташкент, 1991. – 59 с.



шундаки, қўшма гапларда мазмуний параллелизм – синонимия ва синтактик полисемия ҳодисаларининг бой услубий имкониятларга эга эканлиги анча кенг таҳлил қилинган.

А.Мамажонов синтактик синонимия доирасини анча кенг тушунади. Олимнинг талқинига кўра, содда ва қўшма гап шакллари орасидаги синонимия (*Мен ёш тўкиш бекорлигини биламан // Мен биламан: ёш тўкиш бекор* каби), содда гап ва суперфразали синтактик бутунликлар орасидаги синонимия (*Ёшлар даврга муносиб бўлмоқлари лозим // Ёшлар ўзлари яшаётган даврга муносиб бўлмоқлари лозим* каби), қўшма гап турлари орасидаги синонимия (*Йўлда Алимардон кўриниб, у ноқулай аҳволга тушди // Йўлда Алимардон кўрингач, у ноқулай аҳволга тушди* каби) бир-биридан кескин фарқ қилади.

А.Мамажонов докторлик ишининг сўнгги боби периоднинг услубий хусусиятлари таҳлилига бағишланган. Унда периодларнинг предмет, воқеа-ҳодисалар белгиларини бирлаштириш, яхлитлаш, ўхшатиш, қиёслаш, конкретлаштириш каби услубий маъно хусусиятларига эга бўлиши таҳлил қилинган.

Шундай қилиб, проф.А.Мамажонов кейинги ўттиз беш-қирк йил давомида ўзбек тилшунослигида қўшма гап стилистикаси муаммоларининг йирик тадқиқотчиларидан бири даражасига кўтарилди.

## РАЪНО САЙФУЛЛАЕВА

Раъно Абдурауфовна Сайфуллаева 1949 йилда Бухоро шаҳрида зиёли оиласида туғилган. У 1966 йилда Тошкентдаги 76-ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетига ўқишга кирган ва уни 1971 йилда имтиёзли диплом билан тугатган.

Р.Сайфуллаева дастлаб Тошкент шаҳридаги мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. 1975 йилда эса ТошДУнинг филология факультетига методист лавозимига ишга жойланади. 1980 йилдан шу университетнинг тилшунослик кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1982 йилда проф. [illegible] илмий раҳбарлигида "Ҳозирги ўзбек адабий тилида [illegible] гаплар синонимияси" мавзуида номзодлик, 1993 йилда "Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг шаклий-вазифавий [illegible]" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Р.Сайфуллаева 1994 йилда ТошДУ факультетлараро ўзбек тили кафедрасининг мудири лавозимига сайланди. 1995 йилда эса у профессорлик унвонини олишга муваффақ бўлди. У ўзининг докторлик иши билан ўзбек тили синтаксисига маълум даражада янгилик киритди. Олима томонидан гап ва унинг турларига берилган таснифда рус тилидан кириб келган (SP), яъни эга+кесим қолипи асосида эмас, балки ўзбек тилининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, содда гап асосига кесимнинг олиниши таклиф этилади.

Р.Сайфуллаева 20 дан ортиқ дарслик, монография ва ўқув қўлланмалари, икки юзга яқин илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифидир. "Ҳозирги ўзбек тилида уюштирувчи элементлар" (1990), "Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат" (1991), "Синонимия простых повествовательных предложений в современном узбекском литературном языке" (1991), "Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини" (1993), "Она тили", 8-синф учун дарслик (ҳаммуаллиф, 2002-2006), "Она тили", 9-синф учун дарслик (ҳаммуаллиф, 2006), "Ҳозирги ўзбек тили" (ҳаммуаллиф. 2007), "Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг субстанциал тадқиқи" (2007), "Замонавий ўзбек тили" (I-II-қисм, ҳаммуаллиф, 2008-2009) каби қатор монографиялари, дарсликлари шулар жумласидандир. Олима раҳбарлигида шу кунгача йигирмага яқин номзодлик ва битта докторлик диссертацияси ёқланган.

Проф.Р.Сайфуллаева 1994-2004 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК)нинг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган эди. 2002 йилдан буён у ЎзМУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

## УСМОН САНАҚУЛОВ

Таниқли тилшунослик олим, филология фанлари доктори, профессор Усмон Субҳонқулович Санақулов СамДУ филология факультетида ўқиб юрган талабалик йилларидаёқ (1958-1963) устозлари Улуғ Турсунов, Абдулла Сулаймонов, Абдужаббор



Мухторов, Ҳамдам Бердиёров, Худойдерди Дониёров, Жўрабой Ҳамдамов каби олимларнинг кўмагида тил тарихи муаммолари, айниқса Алишер Навоий асарлари тилини ўрганишга жуда қизиқиш билан қаради. Ана шу қизиқишлар таъсири ўлароқ бўлажак олим 1968-1971 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида аспирантурада ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарининг тил хусусиятларини ўрганишга киришди. Бунинг учун ёш тадқиқотчи Алишер Навоий асарлари тилига доир А.К.Боровков, А.Н.Кононов, О.Усмонов, А.М.Шчербак, С.Н.Иванов, П.Шамсиев, И.Султонов сингари олимларнинг илмий асарларини кунт билан ўрганди, "Муҳокамат ул-луғатайн" асарининг қўлёзма нусхаларини П.Шамсиев, О.Усмоновлар томонидан нашр этилган нусхалари билан қиёслаб чиқди.

Ёш олимнинг бу соҳадаги дастлабки жиддий изланишларидан бири илмий раҳбари, проф.Э.Фозилов билан ҳамкорликда ёзган мақоласи эди[143]. Бу мақолада Алишер Навоий асарлари тилини ўрганишда "Бадоеъ ал-луғат", "Абушқа", "Луғати Навоий", "Мабоне ул-луғат", "Санглоҳ" каби лексикографик асарларнинг, А.Вамбери, И.Кунаш, Д.Росс, Дж.Клосон, А.К.Боровков, П.Шамсиев, О.Усмонов, С.Ғаниева, Қ.Каримов, А.Рустамов каби олимларнинг хизматлари далиллар асосида очиб берилган. Шу билан бирга мақолада Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш соҳасида К.К.Юдахин, Ф.Абдуллаев, С.Е.Малов, А.М.Шчербак каби олимлар томонидан амалга оширилган ишлар таҳлилига ҳам алоҳида ўрин берилган. Шуниси муҳимки, бу ишда Алишер Навоий асарлари тилини ўрганишга эндигина киришаётган М.Раҳматуллаева, Х.Дониёров, Қ.Самадов, Э.Умаров, Б.Бафоев сингари ёш тадқиқотчиларнинг дастлабки илмий изланишлари ҳам таҳлилга тортилган ҳамда бундай ишлар улуғ шоир асарлари тилини янада чуқурроқ ўрганишда янги босқич бўлиши алоҳида таъкидлаб кўрсатилган.

У.Санақулов ўз изланишлари асосида "Алишер Навоий асарларида эгалик категорияси" (1968), "Алишер Навоий асарларида келишик категорияси" (1969), "Алишер Навоийнинг XV аср грамматикасига муносабати" (1970), "Алишер Навоийнинг

[143] Фозилов Э., Санақулов У. Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. № 4. - Б. 61-62.

"Муҳокаматул луғатайн" асарида феълнинг замон формалари" (1971) сингари бир қанча илмий мақолалар ҳам эълон қилди, шу асосда 1971 йилда Алишер Навоийнинг "Муҳокаматул луғатайн" асари грамматик хусусиятлари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ана шундай изланишлар туфайли У.Санақулов бир умр улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарлари тилини изчил ўрганиш ҳамда кенг тарғиб-ташвиқ қилишга бел боғлади. Олимнинг турли матбуот саҳифаларида, илмий тўпламларда эълон қилинган юзга яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари худди ана шу мавзуга бағишланган эди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб У.Санақулов Алишер Навоийнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, тилшуносликка доир қарашлари хусусида илмий рисолалар, ўқув-услубий қўлланмалар яратишга киришди. "Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати ва қофия" (1988), "Ўзбек халқининг ҳамда тилининг таркиб топиши ва номланиши" (1990), "Алишер Навоий – тилшунос олим" (1991), "Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати" (2004) каби илмий рисолалар шулар жумласидандир.

У.Санақуловнинг проф.Ж.Мухторов билан ҳамкорликда яратган "Ўзбек адабий тили тарихи" номли ўқув қўлланмаси нашр этилган эди[144]. Бу асарда "Ўзбек адабий тили тарихи" фани, унинг вазифаси, мазмун-мундарижаси ҳақида фикр юритилган; адабий тилнинг жонли сўзлшув тили билан муносабати, адабий тил услублари, бадиий адабиёт тилининг адабий тил тараққиётидаги ўрни, туркий тиллар таснифи, ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масалалари асосли ёритилган. Мазкур асарнинг охирги боби "Навоий даври ўзбек адабий тили" деб номланиб [143, 110-150], бунда улуғ шоир Алишер Навоийнинг она тили учун кураши, шоир даври адабий тилининг ўзига хос белгилари, шоир асарларида жонли сўзлашув тили хусусиятларининг акси каби долзарб масалалар қисқа ва ихчам изоҳланади.

Асарда ҳаққоний таъкидланганидек, "Навоийнинг буюк хизмати шундаки, унинг асарларида ўзбек адабий тилининг умумхалқ меъёрлари ишлаб чиқилди ва қатъийлашди. Бу меъёрлар унинг замондошлари ва кейинги авлодлар томонидан тўла

[144] Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 160 б.



маъқулланди, янада ривожлантирилди. Адабий тилнинг умумхалқ меъёрларини яратиш фақат тил қурилишинигина эмас, балки унинг турли услуб кўринишларини ҳам қамраб олди. Гарчи Навоий ягона умумий меъёрларни бадиий адабиёт тили асосида ишлаб чиққан бўлса ҳам, лекин улар фақат бадиий адабиёт тилинингина эмас, балки умуман ўзбек адабий тилининг кейинги тараққиёти учун ҳам муҳим анба бўлиб хизмат қилди" [143, 148].

У.Санақулов ўзининг ана шу илмий-назарий хулосаларини янада чуқурлаштириш ҳамда конкретлаштириш соҳасида жиддий кузатиш ишларини олиб борди. Натижада "Ўзбек адабий тили тарихи" номли йирик монографияси[145], "Ўзбек адабий тили тарихининг илк даврлари" номли ўқув қўлланмаси[146] юзага келди. Олимнинг мустақиллик йилларида марказий матбуот саҳифаларида, турли илмий тўпламларда нашр этилган "Ўзбек тилшунослигининг асосчиси" (1991), "Алишер Навоий ва ўзбек тилшунослиги масалалари" (1992), "Языковой материал произведений Алишера Навои ключ к познанию староузбекского языка" (1993), «Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Алишер Навоийнинг ҳиссаси» (2000), "Алишер Навоий ва адабий тил услублари" (2001), "Навоий меросини ўрганиш" (2003), "Муҳокамат ул-луғатайн"даги баъзи лингвистик талқинлар" (2004), "Навоий - услубшунос" (2006) каби қатор илмий мақолалари мутахассислар томонидан жуда самимий кутиб олинди. Негаки бу ишларнинг ҳар бирида Навоий асарлари тилини ўрганиш соҳасидаги бир янгилик, ҳали олимлар томонидан қайд этилмаган янги илмий изланишлар ўз аксини топган эди.

Тадқиқотчи олим У.Санақулов ўзининг ана шу илмий изланишларини сарҳисоб қилиб, 2007 йилда "Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларинингшаклланиши ва тараққиёти" (илк босқич) мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирги вақтда филология фанлари доктори, профессор Усмон Санақулов Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини, улуғ мутафаккир маънавий, ижтимоий-сиёсий қарашларини ёш авлод онгига чуқур сингдириш соҳасида самарали хизмат қилиб келмоқда. 2010 йилда олимнинг Ўзбек халқи ва

[145] Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. Монография. – Тошкент: Фан, [illegible]
[146] Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихининг илк даврлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2004. – 277 б

тилининг этногенези муаммолари тадқиқига доир монографияси эълон қилинди[147].

## ТЕЛЬМАН РАҲМАТОВ

Марказий Осиёдаги отахон газеталардан бири "Зарафшон"нинг республикамиз маданияти, адабиёти, журналистикаси, илм-фани, умуман, ижтимоий ҳаётига сезиларли таъсири бор. Бу баҳо фақат газетанинг тарғиботчилик кучи, даврни ҳаракатлантириш даражаси нуқтаи назаридангина эмас, балки бунга шу ижодий даргоҳда ишлаш, чиниқиш ва ҳаётнинг турли жабҳаларида журналистга хос синчковлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик билан меҳнат қилиш ҳам киради. "Зарафшон"нинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу ижодий мактабда муқим ишлаганлар кўп, аммо унинг бағрига жойлашиш, қисқа давр фаолият кўрсатиб, ўсиб, улғайиш ҳам катта бахт бўлган. Ана шундай бахтга эришган журналистлардан бири Тельман Раҳматов эди.

Ўтган асрнинг биз билган 60-70-йилларида "Зарафшон"да ўз публицистик услубига эга бўлган забардаст журналистлар ишлар эди. Нормурод Нарзуллаев ва Суръат Орипов мақолаларида адабиёт, санъат ва таълим руҳи сезилиб турарди. Абдукарим Солиев жамият қурилиши, Манноб Нажмиддинов саноат ва савдо, Очил Тўйчиев сиёсий жараён, Марди Нуриддинов ижтимоий ҳаёт тарғиботи, Қудратилла Мизомов, Бобоқул Имомов, Нусрат Раҳмат қишлоқ турмуши мавзуини ёритишга кўпроқ аҳамият беришарди.

Журналистларнинг ана шундай қозонига 1962 йилда Тельман Раҳматов ҳам яқинлашди. У бу пайтда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битирган ёш йигит эди.

Тельман Раҳматов Жиззахнинг тоғли Фориш туманида туғилган. Шу сабабли ҳам унда тоғ йигитларига хос салобат бор эди. Кўриниши моҳир бокчи ёки елкаси ерга тегмас курашчини эслатарди. Хусусан, у шахмат ўйнашни хуш кўрарди, кўпчилик

[147] Санақулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари ("Ўзбекистон тарихи" фанидан қўшимча илмий-услубий материаллар). – Самарқанд: СамДАКИ нашри, 2010. – 128 б.



ҳолларда рақибларини доғда қолдирарди. Буни қарангки, талабалик йилларида ўз хабарлари билан газетада фаол қатнашиб келган Т.Раҳматовни "Зарафшон" раҳбарияти спорт ва ахборот бўлимида ишлашга тавсия этишди. Аввал адабий ходим, кейинчалик бўлим мудири вазифасини бажарди. Ёш мухбирнинг шаклланишида унинг тоғаси, "Зарафшон"нинг иқтидорли журналисти О.Жамолов устозлик вазифасини бажарди. Бу пайтда Т.Раҳматовнинг турмуш ўртоғи, ёш келин Г.Имомова ҳам Самарқанд туманида нашр этиладиган "Шарқ тонги" газетасида адабий ходим бўлиб ишларди.

Газета - кундалик янгиликлар жарчиси. Баъзан унда босилган сулоқмондай мақоладан кўра, икки ёки уч сатрлик хабарда баён этилган янгилик газетанинг шуҳратини ошириши мумкин. Тельман Раҳматов бу масъулиятни чуқур англаган ва унга амал қилишга киришган журналист эди.

- Кўпинча мухбирлар катта ҳажмли мақолалари тез-тез босилиб туришини ёқтирадилар. Гўё шундай бўлса элнинг кўзига тезда танилармиш, - дерди Тельман Раҳматов ёш қаламкашларга. - Мен ўз янгилигига эга бўлган кичик хабарлар ёзишдан завқланаман, тўғриси, фахрланаман. Назаримда, лавҳа ёки очеркдан кўра, ўқувчини ҳаяжонга соладиган кичик хабар ёзиш қийин.

Истеъдодли журналист Т.Раҳматов серқирра ижодкор эди. Вақтли матбуот саҳифаларида унинг кўплаб шеърлари, ҳикоя ва ҳажвиялари, бадиий таржималари эълон қилинган. Талабалик йилларида устозлари унинг қалбида тилшунослик соҳасида илмий иш қилишга ҳавас уйғотган эди., Умуман олганда, бу даврда СамДУнинг филология факультети журналистлар тайёрлашнинг асосий таянч мактаби, айни пайтда "Зарафшон" ("Ленин йўли") келгусида илмий изланишлар олиб боришни чўтлаган ёшлар учун қаламни ўткирлаш-чархлаш мактаби бўлган. Бу ижодий даргоҳда меҳнат фаолиятини бошлаган кўплаб мухбирлар кейинчалик фан номзоди, ҳатто доктор, профессор даражасига етдилар. Т.Раҳматов ҳам шулардан бири эди. У таниқли ўзбек тилшуноси F.Қўнғуров маслаҳати билан илмий янгиликлар яратиш соҳасига ўтади ва 1971

1973 йилларда Россия Фанлар академияси Тилшунослик институтида аспирантурада таълим олади. 1974 йилда проф. Э.Р.Тенишевнинг илмий раҳбарлигида "Самарқанд шаҳри ва унинг атрофи топонимияси" мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 1974 йилдан умрининг охиригача (1995) Самарқанд давлат педагогика институтида, кейинчалик СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент лавозимида ишлади. Талабаларга "Тилшуносликка кириш", "Умумий тилшунослик", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Ўзбек диалектологияси" каби асосий фанлардан дарс берди, бир қатор битирувчи талабаларнинг диплом ишларига раҳбарлик қилди. Доцент Т.Раҳматов СамДПИда фаолият кўрсатган пайтида ажойиб ташкилотчи сифатида ўзбек тили ва адабиёти факультети деканининг ўринбосари, факультетлараро ўзбек тили кафедрасининг мудири вазифаларини бажариб келди. Олимнинг ўзбек тилшунослиги, туркийшунослик, топонимикага оид ўнлаб илмий мақолалари Москва, Боку, Тошкентдаги журналларда, илмий тўпламларда нашр этилган эди. Айниқса, Т.Раҳматовнинг "Самарқанд" топоними этимологиясига доир", «Самарқанд одонимлари», "Этнотопонимлар ва уларнинг шаклланиши" каби илмий мақолаларида баён қилинган фикр-мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шунга кўра, Т.Раҳматов мамлакатимизда энг етук топонимист, туркийшунос олимлардан бири сифатида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган эди. Домланинг маърузаларини тинглаб, унинг бевосита илмий раҳбарлигида топонимика мавзуси бўйича малакавий битирув ишлари ёзган айрим ёшлар кейинчалик ўз ҳаёт йўлларини илм-фанга бағишладилар.

Ҳам журналист, ҳам иқтидорли олим Тельман Раҳматов инсон сифатида софдил, талабчан, фарзандлари ва оиласига меҳрибон инсон эди.

## ИБОДУЛЛА МИРЗАЕВ



Ибодулла Камолович Мирзаев 1946 йил январь ойида Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон (ҳозирги Қумқўрғон) туманида туғилган. 1962 йилда қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлагач, СамДУ филология факультетининг француз тили бўлимига ўқишга кирган. 1967 йилда СамДУни муваффақиятли тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини Термиз шаҳридаги 1-ўрта мактабда инглиз тили ўқитувчилигидан бошлаган. Ҳарбий хизматдан кейин И.Мирзаев 1970 йилдан СамДУ француз тили кафедрасида ўқитувчи сифатида ишлай бошлади. 1974 йилда у Санкт-Петербург университети аспирантурасини тамомлаб, 1975 йилда бадиий таржима муаммоларига оид номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади[148]. Шундан кейин олим йигирма йил давомида СамДУда француз тили кафедраси ўқитувчиси, доценти, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. 80 йиллардан бошлаб И.Мирзаев матннинг лингвопоэтик таҳлили масалалари билан изчил шуғуланди, ўзбек шеъриятида қофия семантикасини шакллантирувчи лексик ва морфологик воситалар тадқиқига оид монография нашр эттирди[149] ҳамда шеърий матннинг лингвопоэтик талқинига бағишланган докторлик диссертациясини ёқлади[150]. 1996 йилдан буён у СамДУ амалий тилшунослик, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Олимнинг "Французча хос сўзлар ва бадиий таржима масалалари", "Французча-ўзбекча сайрнома", "Французча мақол ва маталларнинг ўзбекча муқобиллари", "Французча-русча-ўзбекча сайрнома", "Французча-ўзбекча луғат" каби асарлари нашр этилган. И.Мирзаев С.Н.Иванов, В.Г.Гак, А.В.Федоров каби таниқли олимлар ҳақидаги биобиблиографик очерклар муаллифи ҳамдир.

Илмий таржималар проф.И.Мирзаев фаолиятининг яна бир муҳим қиррасини ташкил этади. Унинг "Гак В.Г. Француз тилининг назарий грамматикаси", "Якобсон Р. Поэтика масалалари", "Иванов С.Н. Грамматик талқинларнинг методологик муаммолари", "Иванов С.Н. Турк тили курси".

[148] Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык: Автореф. дис… канд. филол. наук. – Л, 1975. – С. 4-18.

[149] Мирзаев И.К. Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы. – Ташкент: Фан, 1990. – 132 с.

[150] Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации [illegible] современной узбекской поэзии). Автореф. дис. … доктора филол. наук. – Ташкент [illegible]

"Лотман Ю.М. Поэтик матн таҳлили. Шеър тузилиши", Е.Э.Бертельснинг "Суфизм ва тасаввуф адабиёти", "Навоий ва Аттор", "Искандар ҳақида Навоийгача ёзилган достонлар", "Навоийнинг "Садди Искандарий" достони" каби монографиялари таржималари шулар жумласидандир. И.Мирзаев академиклар Е.Э.Бертельс, Ю.М.Лотман, Л.В.Щерба, профессорлар И.А.Бодуэн де Куртене, Ф.де Соссюр, Ж.Лайонз, Л.Блумфильдт, В.Гумбольдт, В.Кудрявцев, В.А.Богородицкий, С.Карцевский, С.Н.Иванов, В.Г.Гак, И.Ковтунова, Л.Зубова каби жаҳоннинг атоқли олимлари асарларини маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган.

Шоир табиат олим И.Мирзаевнинг "Талпиниб яшадим сенга, Қуёшим", "Нурлар оғушида" номли шеър ва ҳикоялар тўпламлари китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Шунингдек, И.Мирзаевнинг рус (К.Батюшков, А.Пушкин, Ю.Лермонтов, А.Блок, Н.Некрасов, С.Есенин, А.Ахматова, М.Цветаева, Н.Гумилев, В.Висоцкий, А.Вознесенкий ва бошқалар), француз (Мопассан, А.Камью, Ш.Бодлэр, Аполлинер, А.Дотель кабилар), инглиз (Эдгар По) тилларидан қилинган шеърий ва насрий таржималари алоҳида китобларда ва республикамизнинг газеталари ҳамда "Ёшлар" радио каналида эълон қилинган.

## СУЮН КАРИМОВ

Суюн Амирович Каримов 1950 йилнинг январь ойида Самарқанд вилояти Нуробод туманига қарашли Улус кишлоғида ишчи оиласида туғилган. 1972 йилда СамДУ ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

С.Каримов меҳнат фаолиятини 1972 йилда армия сафида офицерлик взвод командирлиги вазифасидан бошлаган. 1974-1975 йилларда Пастдарғом туманидаги 99-сон умумтаълим мактабида ўқитувчи, 1975-1976 йилларда эса Нуробод тумани ижроия қўмитасида ташкилотчи-инструктор бўлиб ишлаган. 1976-1986 йилларда СамДУ таҳрир-нашриёт бўлимида муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. 1986 йилдан у Самарқанд вилоят фирқа қўмитасида фан ва ўқув юртлари бўлимида инструктор, лектор, сектор мудири лавозимларида ишлаган.



С.Каримов СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси қошида 1978-1982 йилларда аспирантурагт ва 1991-1993 йилларда докторантурани ўтаб, 1983 йилда "Зулфия поэзиясининг тили ва услуби" мавзуида номзодлик ва 1994 йилда "Ўзбек тилининг бадиий услуби" мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

С.Каримов 1994 йилдан ҳозиргача ўзбек тилшунослиги кафедрасининг аввал доценти, кейинчалик профессори бўлиб ишлаб келмоқда. У 1995-2010 йиллар давомида СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

С.Каримов шу пайтга қадар нашр қилинган 100 дан ортиқ турли характердаги илмий, илмий-методик ва илмий-оммабоп мақолалар ҳамда "Зулфия поэзияси тилининг луғати" (Тошкент, Ўқитувчи, 1981), "Зулфия поэзиясининг тили" (Самарқанд, 1984), "Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич" (Самарқанд, 1984), "Нутқ маданияти асослари. I-II-III қисмлар" (Самарқанд, 1985, 1986, 1987), "Ўзбек тилининг функционал стиллари" (Самарқанд, 198[illegible]), "Бадиий матннинг услубий аломатлари" (Самарқанд, 1992), "Ўзбек тилининг бадиий услуби" (Самарқанд, Зарафшон, 1992), "Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари" (Самарқанд, 1994), "Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич" (Самарқанд, 2001), "Тил таълими ва меъёр" (Тошкент, 2002), "Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш" (Тошкент, 2003), "Юристнинг нутқ маданияти" (Тошкент, 2003), "Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати" (Самарқанд, 2003), "Ўзбек тили функционал стилистикаси" (2010) сингари бир қатор монография, ўқув қўлланмалари, луғат, библиографик кўрсаткич сингари алоҳида нашрлар муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

Проф.С.Каримовнинг асосий машғул бўлаётган соҳаси ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти бўлиб, унинг олиб бораётган тадқиқотлари ўзбек тили услубшунослигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш жараёнини яхшилашга, талабаларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга, уларнинг маънавий камолотини янада оширишга қаратилган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида олти киши номзодлик ишини ҳимоя қилган, [illegible]

яқин тадқиқотчилар номзодлик ва докторлик ишлари устида иш олиб бормоқдалар.

## МУРОДҚОСИМ АБДИЕВ

Муродқосим Болбекович Абдиев 1963 йилда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган. 1970-1980 йилларда у тумандаги 41-ўрта мактабда ўқиган. 1980-1985 йиллар давомида М.Абдиев СамДУ ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. 1985-1987 йилларда Самарқанд педагогика билим юртида она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1987 йил июнь ойидан бошлаб М.Абдиев СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетида лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатган. 1991 йилда филология фанлари доктори Р.Дониёров раҳбарлигида "Ўзбек тилида шахс номларининг аффиксал усул билан ясалиши" мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган.

1999-2003 йилларда ЎзР ФА Самарқанд бўлими минтақавий муаммолар илмий-тадқиқот институти докторантурасида таҳсил олди. У 2003-2005 йилларда СамДУ амалий тилшунослик, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти лавозимида ишлади. 2005 йилда М.Абдиев "Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-ҳунарлари материаллари асосида)" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. 2005 йилдан буён олим СамДУ амалий тилшунослик, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда. 2009-2011 йилларда у СамДУ филология факультетининг декани вазифасини ҳам бажарди.

М.Абдиевнинг шу кунга қадар 160 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлари эълон қилинган. Бу ишлар орасида "Соҳавий лексика систем таҳлили муаммолари" (Тошкент, 2004) номли монографияси, "Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси" (1995), "Ўзбек тили" (1996), "Нутқ маданияти" (2004), "Мактабда Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодини ўрганиш" (ҳамкорликда, 2009), "Матннинг филологик таҳлили" (ҳамкорликда, 2010), "Педагогик амалиёт" (ҳамкорликда, 2010), "Она тили ўқитиш методикаси" (1-қисм, ҳамкорликда, 2011) сингари илмий-услубий ишлари алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги вақтда олим тилшуносликнинг лексикология, диалектология, сўз ясалиши, терминология,



фразеология, стилистика, грамматика, этнолингвистика, топонимика, нутқ маданияти соҳалари билан бир қаторда она тили ўқитиш методикаси масалалари билан ҳам изчил шуғулланиб келмоқда. М.Абдиевнинг айрим илмий мақолалари Истамбул, Бишкек, Чимкент, Тошкент, Ўш, Нукус каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар материалларида эълон қилинган.

Ҳозирги вақтда проф.М.Абдиевнинг илмий раҳбарлигида бир неча ёш тадқиқотчилар ўз номзодлик ишлари устида иш олиб бормоқдалар.

## АБДУВАЛИ АБДУСАИДОВ

Абдували Абдусаидов 1957 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё туманига қарашли Дархон қишлоғида туғилган. 1974 йилда ўрта мактабни тамомлаб, СамДУ ўзбек филологияси факудьтетига ўқишга кирган. Ўқишни муваффақиятли тамомлагандан сўнг 1979-1982 йилларда Оқдарё туманидаги мактабларда ўқитувчилик қилган. 1982 йилдан СамДУ таҳрир-нашриёт бўлимида муҳаррир, катта муҳаррир лавозимларида ишлаган. 1989 йилда проф.Х.Дониёров раҳбарлигида "Газета тили ва услуби" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2005 йилда "Газета жанрларининг тил хусусиятлари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Абдусаидов СамДУ Илмий кенгашининг котиби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд филиалининг илмий котиби вазифаларида ишлаган. 2010 йилдан буён СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Унинг бевосита ташаббуси билан 2006 йилда СамДУ социолингвистика лабораторияси ташкил этилди.

А.Абдусаидовнинг шу кунга қадар 140 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий, илмий-оммабоп ишлари, жумладан, 3 та [illegible] 14 та ўқув қўлланмаси нашр этилган. Олимнинг "[illegible] сарлавҳаси" (1995), "Матбуотда адабий [illegible] муаммолари" (2001), "Матбуот тили маданияти" (200[illegible]), "[illegible] тили ва услуби" (2011) каби ўқув қўлланмалари, "[illegible] жанрларининг тили ва услуби" (2001), "Журналист[illegible] фойдаланиш маҳорати" (2004), "Ўзбек [illegible]

моҳияти" (2008) каби монографияларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

СамДУ "Социолингвистика" илмий тадқиқот лабораторияси истиқбол режаси асосида А.Абдусаидов "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари: жанр, тил, маҳорат масалалари", "Журналист ихтисослашуви: муаммо, унинг ечими ва маҳорат масалалари", "Иаълим жараёни ҳамда оммавий ахборот воситаларида тил маънавияти ва нутқ маданияти", "Таҳрир назарияси", "Ўқитувчининг нутқ маҳорати", "Ҳужжат тили ва услуби", "Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти" мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

А.Абдусаидовнинг "Ўзбекистон матбуоти" журнали, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ўзбекистон овози", "Маърифат", "Туркистон", "Миллий тикланиш", "Адолат", "Зарафшон", "Адолат сари", "Самарқанд" газеталарида тил маънавияти ва нутқ маданияти, журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, жанрлар имкониятларидан фойдаланиш, ОАВда адабий тил меъёрларига риоя қилиш масалалари бўйича кўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган.

## БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ

Бекмурод Йўлдошев 1947 йил июлда Самарқанд вилоятининг Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) туманидаги Зиёвуддин кўрғонида косиб-хунарманд оиласида дунёга келди. Бўлажак олим 1953-1964 йилларда Зиёвуддиндаги 14- (ҳозирги 22-)сон ўрта мактабда таҳсил олди. Б.Йўллдошев 1964-1969 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил кўрди. У университетда ўқиган кезлари Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсунов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Ваҳоб Эгамов, Раҳим Муқимов, Сайдулла Мирзаев, Жўрабой Ҳамдамов, Раҳмонқул Орзибеков каби машҳур адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таълимидан баҳраманд бўлди.



Б.Йўлдошев тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларига талабалик йилларидаёқ жуда қизиқа бошлади. У СамДУ талабаларининг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларига бадиий асар тили ва услубият муаммоларига оид қизиқарли маърузалар билан иштирок этди. Бўлажак олимнинг "Она қалбининг буюклиги ҳақида достон" (1968), "Тил маданиятининг улкан тарғиботчиси" (1969) каби мақолалари ўша талабалик йилларидаёқ матбуотда эълон қилинганди.

Б.Йўлдошев 1969 йилда университетни тугатгач, йўлланма билан Самарқанд вилоят "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетаси таҳририятига ишга келди. Газета Б.Йўлдошев учун қаламнинг чархланиши, оперативлик, тезкорлик, ҳозиржавоблик хислатларини эгаллаш учун ўзига хос мактаб бўлди. Худди шу даврда унинг бир қанча таржималари, хабар ва мақолалари матбуотда эълон қилинди.

1970 йилда СамДУда янги умумий тилшунослик кафедраси ташкил этилиши билан устоз Ҳамдам Бердиёров Б.Йўлдошевни кафедра ўқитувчилигига ишга тавсия этди. 70-йилларда Бекмурод Йўлдошев алоҳида жўшқинлик билан кафедра, факультет, қолаверса университет миқёсида сиёсий-тарбиявий, маънавий маърифий, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди.

Б.Йўлдошев бу йилларда талабаларга "Умумий тилшунослик", "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Рус гуруҳларида ўзбек тили", "Тилшуносликка кириш" фанларидан дарс бериш, жамоат топшириқларини бажариш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам мунтазам шуғуллана бошлади. Олимнинг ўша йиллари нашр этилган "Ўзиники бўлмаган нутқнинг айрим услубий хусусиятларига доир" (1975), "Муаллиф нутқи ҳақида" (1976), "Саид Аҳмад асарларида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситалари ҳақида" (1977), "Саид Аҳмад асарларида диалектизмларнинг стилистик функциялари" (1979), "Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш" (1980) каби қатор илмий мақолалари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

1979 йилда Б.Йўлдошев машҳур тилшунос олим, академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг илмий раҳбарлигида "Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейинчалик Б.Йўлдошев ўзининг бу соҳадаги илмий изланишларини [illegible]

давом эттириб, “Бадиий нутқ стилистикаси” (1982), “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” (1987), “Адабий тил ва бадиий стиль” (ҳаммуаллиф, 1988), “Ўзбек бадиий прозасининг услубий таҳлили” (1989), “Ўзиники бўлмаган нутқнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни” (1992), «Бадиий асар тили ва услуби масалалари» (2001, 2006), “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари” (2006) номли монографиялар, қўлланмалар ва кўплаб илмий мақолалар яратди.

Б.Йўлдошевнинг тилшуносликнинг умумназарий муаммоларига доир ўқув қўлланмалари, дастурлар, услубий тавсиялар яратиш соҳасидаги фаолияти ҳам ғоят ибратлидир. Олим ўз сафдошлари билан ҳамкорликда эълон қилган “Умумий тилшунослик” (1974, 1979, 1982), “Тилшуносликка кириш” (1980), “Тилшуносликка кириш” курсидан амалий машғулотлар режаси” (1983), “Тилшуносликка кириш” курсидан услубий тавсиялар” (1988), “Лингвистик таълимотлар тарихи” курсидан дастур” (1984, 1996), “Тилшуносликка кириш” курсининг дастури” (1995), “Умумий тилшунослик” курсининг дастури” (1996), “Тилшунослик таълимотлари тарихи” курсидан услубий тавсиялар” (1993), «Тилшунослик асослари» фанидан рейтинг топшириқлари» (2001), “Тилшунослик ва табиий фанлар” (2001), «Умумий тилшунослик асослари» (2005), “Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари” (2008), “Компьютер лингвистикаси” (2009) каби асарлари ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

70-йиллардан бошлаб Б.Йўлдошев фразеология, фразеография ва фразеологик услубият муаммоларини тадқиқ этиш билан узлуксиз шуғулланиб келмоқда. Олим проф.Ҳ.Бердиёров ва доц.Р.Расулов билан ҳамкорликда ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғатини яратиш ишида бевосита иштирок этди. Бу тадқиқотнинг тўрт қисми “Ўзбек фразеологиясидан материаллар” номи билан нашр этилди (1976, 1979, 1983, 1997) ва илмий жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олди. Кейинчалик олим К.Бозорбоев билан ҳамкорликда “Ўзбек тили фразеологизмларининг луғати” (сўзлик) асарини ҳам нашр эттирди (1998). Б.Йўлдошев фразеология ва ўзбек фразеологик услубиятига доир “Ўзбек тилидаги . фразеологизм-сарлавҳалар ҳақида” (1979), “Фразеология ва ўзбек тилини ўқитиш” (1980),



“Фразеологизмларнинг грамматик табиатига доир” (1981), “Фразеологизмнинг сўз билан функционал муносабатига доир” (1992) каби илмий мақолалар, қўлланмалар нашр эттирди. Ана шу илмий изланишларнинг натижаси сифатида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” номли докторлик диссертацияси юзага келди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти хузуридаги ихтисослашган илмий кенгашда 1994 йилда муваффақиятли ҳимоя қилинган мазкур диссертация ўзбек фразеологияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Олим кейинчалик фразеология муаммоларига доир “Фразеология тарихидан лавҳалар” (1998), “Фразеологик услубият асослари” (2000), “Ўзбек тилида фразеологизмларнинг функционал-прагматик хусусиятлари” (2002), “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” (2007), “Шоир Эркин Воҳидовнинг фразеологизм қўллаш маҳорати ҳақида” (2007), “Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати” (2008) каби салмоқли ишларни нашр эттирди. Шунингдек, олимнинг “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари“ (2006), “Номловчи бирликларнинг маъно таркиби ҳақида” (2007), “Матн тилшунослиги” (2010), “Ўзбек ономастикаси масалалари” (2011) каби ўқув-услубий ишлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда.

1991-2006 йилларда олим СамДУ хузуридаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди. Айни пайтда Б.Йўлдошев филология факультети илмий кенгаши аъзоси, университет илмий-техника комиссиясининг аъзоси сифатида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Шу кунга қадар Б.Йўлдошев ўндан ортиқ номзодлик ва бир докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида Ф.Бобожонов, [illegible] О.Турсунова, М.Вафоева сингари ёшлар номзодлик ишларини ҳимоя қилганлар, яна бир қанча кишилар ўз номзодлик ишлари устида иш олиб бормоқдалар. Олим икки юздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларининг авторефератларига [illegible] тақризлар йўллаш билан ҳам мамлакатимизда малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
3. Барҳаёт сиймолар. Қисқача тарихий-биографик очерклар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 156 б.
4. Эрнст Азимович Бегматов (библиографик кўрсаткич). Тузувчилар: А.Маматов, А.Абдусаидов. – Тошкент, 2006. – 98 б.
5. Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1977. – 38 б.
6. Профессор Ҳамдам Бердиёров (биобиблиографик кўрсаткич). Тузувчи Б.Йўлдошев. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 38 б.
7. Ҳамдам Бердиёровнинг илмий мероси ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 160 б.
8. Дорилфунун фидойилари. Маълумотнома. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 107 б.
9. Дорилфунун фидойилари (қисқача тарихий-биографик маълумотнома). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 134 б.
10. Илм зиёдир (профессор Равшанхўжа Расуловнинг 60 йиллигига бағишланади). – Тошкент, 2006. – 211 б.
11. Профессор Бекмурод Йўлдошев (библиографик кўрсаткич). Тузувчилар М.Юлдашева, З.Пардаев. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 124 б.
12. Каримов Суюн Амирович (биобиблиографик рисола). Тузувчилар Ш.Маҳмадиев, С.Умирова. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 96 б.
13. Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич. Биобиблиография. Тузувчи: Ф.Рўзиева. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 72 б.
14. Олим ва адиб (Тельман Раҳматовнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида тўплам). Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Г.Имомова. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2009. – 95 б.
15. Тўра Нафасов (библиографик кўрсаткич). Тузувчилар Э.Жабборов, В.Нафасова. – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. – 60 б.
16. Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари (проф.А.Нурмонов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон: АДУ нашри, 2002. – 299 б.
17. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
18. Ражабов Н. Ўзбек... тилшунослигининг 60 йиллик тараққиёти тарихидан. Сиртқи ва кечки бўлим талабалари учун қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1982. – 116 б.
19. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Дарслик. – Тошкент, 2010. – 328 б.
20. Неъмат Қаюмович Турниёзов (библиографик кўрсаткич). Тузувчилар А.Раҳимов, А.Туробов. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2010. – 26 б.
21. Туҳфа (Профессор Ҳамид Неъматовнинг 60 йиллигига бағишланади). – Тошкент: Мерос, 2001. – 96 б.
22. Тўйчибоев Б., Муҳаммаджонов Ш. Худойберди Дониёров ва ўзбек тилшунослиги. – Гулистон: ГулДУ нашри, 2008. – 158 б.
23. Узоқов Ҳ. Ўзбек тилшунослари Тузатилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – 268 б.
24. Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание (биобиблиографические очерки по 1982 г.). – Ташкент: Фан, 1986. – 232 с.
25. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 90 б.
26. Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 160 б.
27. Бозор Ўринбоев (библиографик кўрсаткич). Тузувчилар Д.Ўринбоева, А.Мусаев. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 82 б.
28. Профессор Эргаш Қиличев. Армуғон (биобиблиографик маълумотлар ва илмий мақолалар тўплами). Тузувчилар М.Абузалова, Б.Қиличев. – Бухоро, 2000. – 39 б.
29. Профессор Раҳматулла Қўнғуров (библиографик кўрсаткич) Тузувчилар С.Каримов, Б.Йўлдошев, З.Пардаев. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 68 б.
30. Профессор Жўрабой Ҳамдамов (библиографик кўрсаткич) Тузувчи Б.Йўлдошев. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2009. – 50 б.

## МУНДАРИЖА


Сўз боши... 3
Ўзбек тилшунослиги масалалари Самарқанд олимлари талқинида... 5
Ўзбек тили тарихи муаммоларининг Самарқандда ўрганилиши ҳақида... 18
Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги тараққиёти... 30
**Ўзбек тилшунослигининг таниқли вакиллари...** 39
Евгений Дмитриевич Поливанов... 39
Улуғ Тошмуҳамедович Турсунов... 51
Айюб Ғуломов... 53
Собиржон Иброҳимов... 55
Шоназар Шоабдураҳмонов... 60
Ғанижон Абдураҳмонов... 63
Мазлума Асқарова... 69
Олим Усмонов... 71
Шавкат Раҳматуллаев... 77
Азим Ҳожиев... 82
Абдулла Ҳусаинович Сулаймонов... 86
Ҳамдам Бердиёров... 87
Худойберди Дониёров... 91
Абдужаббор Мухторов... 94
Раҳматулла Қўнғуров... 96
Эрнст Бегматов... 99
Абдузуҳур Абдуазизов... 102
Бозорбой Ўринбоев... 103
Абдуҳамид Нурмонов... 108
Низомиддин Маҳмудов... 111
Ҳамид Неъматов... 115
Неъмат Турниёзов... 117
Максуда Содиқова... 120
Ёрмат Тожиев... 123
Ҳамидулла Дадабоев... 125
Тўра Нафасов... 128
Ваҳоб Эгамов... 131
Жўрабой Ҳамдамов... 134





Носир Абдураҳмонов... 138
Алижон Мамажонов... 141
Раъно Сайфуллаева... 143
Усмон Санақулов... 145
Тельман Раҳматов... 148
Ибодулла Мирзаев... 151
Суюн Каримов... 152
Муродқосим Абдиев... 154
Абдували Абдусаидов... 155
Бекмурод Йўлдошев... 156
Фойдаланилган адабиётлар... 160

***Б.ЙЎЛДОШЕВ***

# “ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ”

фани бўйича услубий қўлланма

Муҳаррир Э.Кулаҳмедов

Мусаҳҳиҳ М.Рўзибоев

Тех.муҳаррир У.Рашидова

2012 йил 2 февралда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60х84/1,16. “Times New Roman” гарнитураси.
Ofset қоғози. Ofset босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 10,4
Нашриёт босма тобоғи 8,7. Адади 100 нусха. 291 буюртма.

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.**
**140101, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**